Принятие и реализация Конституционного закона «О Законодательной палате Олий Мажлиса Республики Узбекистан» и Закона «О Регламенте Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан» способствовали активизации деятельности фракций политических партий, сформированных в Парламенте.

Как видим, поэтапное развитие законодательства способствовало тому, что между политическими партиями активно формируется конкурентная среда и усиливается соперничество в реализации важнейших социально-политических задач развития страны. Все это способствует более успешной работе парламента и политического механизма в целом, а также действительному выражению широкой гаммы социальных и идейных интересов.

Так, в 2005 г. для эффективного продвижения законопроектов, связанных с реализацией своих программных целей, ряд политических партий сформировали Демократический блок, который составил парламентское большинство. В свою очередь, фракция Народно-демократической партии Узбекистана впервые в отечественной парламентской практике объявила себя партией оппозиционного меньшинства в парламенте.

Необходимо отметить важность и своевременность принятия Конституционных законов Республики Узбекистан «Об усилении роли политических партий в обновлении и дальнейшей демократизации государственного управления и модернизации страны» и «О внесении поправок в отдельные статьи (статья 89; п. 15 статьи 93; ч. 2 статьи 102) Конституции Республики Узбекистан», которые принципиально изменили роль и место политических партий в организации деятельности Парламента страны, а также в формировании органов представительной и исполнительной

---

власти, осуществлении контроля над их деятельностью.

Можно сказать, что благодаря законам формируется такая партийная система, которая способствует созданию механизма перевода интересов граждан на уровень государственной политики.

Реализация этих законодательных норм в 2009 г. не только повысили роль и ответственность политических партий, но и обеспечили дальнейшую либерализацию и демократизацию всей избирательной системы.

Так, количество депутатских мест в парламенте увеличилось со 120 до 150. 135 депутатов избираются только от политических партий, вводится институт уполномоченного представителя партии, наделяющийся правом участвовать в подсчете голосов на избирательных участках. Показателем демократизации является также увеличение с 5 до 10 количества доверенных лиц кандидата в депутаты, с 50 до 40 тысяч уменьшено количество подписей избирателей, которое необходимо собрать партиям для того, чтобы иметь право участвовать в выборах; с 6 до 4 месяцев сокращен срок, не позднее которого партия, намеревающаяся участвовать в выборах, должна быть зарегистрирована Министерством юстиции Республики Узбекистан.

Изменения и дополнения, внесенные в 2003 и 2008 гг. в Конституцию, Закон «О гарантиях прав избирателей», новые редакции законов «О выборах в Олий Мажлис Республики Узбекистан», «О выборах в областные, районные и городские Кенгаши народных депутатов», «О выборах Президента Республики Узбекистан», другие акты законодательства, принятые в этот период, сформировали ту законодательную базу, которая обеспечила поэтапную, последовательную либерализацию национальной избирательной системы, проведение выборов в двухпалатный парламент в полном соответствии с требованиями закона и общепризнанными международными принципами и нормами.

В этих законах было закреплено принципиальное положение о проведении выборов в представительные органы власти исключительно на *многопартийной основе*, о том, что

---

кандидаты в Президенты страны, депутаты Законодательной палаты выдвигаются политическими партиями, а кандидаты в депутаты местных Кенгашей – соответствующими органами политических партий на местах. Практика выдвижения кандидатов в депутаты от исполнительных органов государственной власти была упразднена, и это явилось принципиальным шагом на пути углубления демократических преобразований, проводимых в нашей стране.

Так, если в выборах 1999 г. в соответствии с выборным законодательством право выдвижения кандидатов в депутаты имели политические партии, представительные органы власти и органы самоуправления граждан, в выборах 2004 г. – политические партии и инициативные группы, то в 2009 г. право выдвижения кандидатов в депутаты дано только политическим партиям.

Эти изменения в законодательстве показывают, что политические партии существенно расширили свое поле деятельности в обществе и им оказано большое доверие со стороны народа и государства, а следовательно, повышается их ответственность. На сегодняшний день распределение депутатских мест в нижней палате парламента Узбекистана составляет: УзЛиДеП – 51, НДПУ – 29, ДП «Миллий тикланиш» – 30, СДПУ «Адолат» – 16, Экологическое движение Узбекистана – 15 мест<sup>2</sup>.

Поправки, внесенные в избирательное законодательство накануне выборов 2004 г., послужили действенным стимулом к заинтересованному участию в выборах большинства избирателей. Так, требование об обязательном выдвижении политическими партиями в числе кандидатов в депутаты не менее 30 % женщин вызвало всплеск женской политической активности в стране. Все политические партии продемонстрировали позитивное отношение к нововведению в законодательство. Об этом свидетельствовало расширение женского крыла партий.

Сегодня все четыре политические партии Узбекистана имеют «женское крыло»: в УзЛиДеП, при численности 175 951 членов партии, женщины составляют 66 998 человек,

в НДПУ — всего 378 227, из них женщин – 158 756, в партии «Миллий тикланиш» – всего 160 814, из них женщин – 71 107, «Адолат» – всего 93 568, из них женщин – 44 851<sup>3</sup>. По итогам выборов 2009 г. в Законодательной палате Парламента представлены 33 женщины-депутата, что составляет 22 % от общего количества (31 – избраны по одномандатным округам, 2 – от Экологического движения), количество женщин-сенаторов составляет 15 %. В представительных органах власти регионов количество женщин-депутатов составляет 15 %. Около 22 % работников судебной системы – женщины<sup>4</sup>.

Хочется верить, что расширение прав женщин в нашей стране повысит их активность на государственном и общественном уровне в предстоящих выборах.

Однако, несмотря на определенные достижения в создании демократической эффективной избирательной системы, в стране идет работа по совершенствованию избирательного законодательства и дальнейшей демократизации выборных процессов. Свидетельством тому является доклад Президента И. Каримова «Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране», в котором были высказаны ряд законодательных инициатив, способствующих более полному осуществлению принципа свободы выбора и дальнейшей демократизации избирательной системы в стране<sup>5</sup>.

На сегодняшний день в результате законотворческой деятельности принят Законодательной палатой 1 ноября 2012 г. и одобрен Сенатом 5 декабря 2012 г. Закон Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в законы Республики Узбекистан “О выборах в Олий Мажлис Республики Узбекистан” и “О выборах в областные, районные и городские Кенгаши народных депутатов”».

Следующие выборы в Олий Мажлис Республики Узбекистан и выборы в областные, районные и городские Кенгаши народных депутатов во многом будут отличаться от предыдущих. Введено много новшеств в законодательстве, которые заключаются в следующем.

---

*Во-первых*, не допускается проведение предвыборной агитации не только в день выборов, но и за день до начала голосования. Запрещается проведение предвыборной агитации, сопровождаемой предоставлением избирателям бесплатно или на льготных условиях товаров, услуг (кроме информационных), а также выплатой денежных средств.

*Во-вторых*, законодательно определены виды, формы и методы проведения предвыборной агитации. Видами предвыборной агитации являются распространение информации о программе и (или) предвыборной платформе политической партии с призывом голосовать за ее кандидатов в депутаты и распространение информации о кандидате в депутаты с призывом голосовать за него. Формами предвыборной агитации на телевидении, радио и в периодических печатных изданиях могут быть — публичные дебаты, дискуссии, пресс-конференции, интервью, выступления, собрания избирателей, размещение роликов о кандидате в депутаты, политической партии. Методами предвыборной агитации — через средства массовой информации, а также телевидение, информационно-телекоммуникационные сети общего пользования (включая Интернет); посредством выпуска и распространения печатных, наглядных, аудиовизуальных и других агитационных материалов; посредством проведения встреч с избирателями.

*В-третьих*, при проведении предвыборной агитации кандидатам в депутаты, политическим партиям обеспечиваются равные условия доступа к государственным средствам массовой информации путем бесплатного предоставления им одинакового по объему эфирного времени и печатной площади. Информация, распространяемая в средствах массовой информации, должна соответствовать действительности, не нарушать прав и законных интересов кандидатов в депутаты, политических партий. Запрещается распространение недостоверных сведений, а также сведений, порочащих честь и достоинство кандидатов в депутаты.

*В-четвертых*, политическим партиям предоставляются равные условия для бес-

препятственного выпуска и распространения печатных, наглядных, аудиовизуальных материалов, фонограмм, электронных версий печатной продукции и других агитационных материалов. Агитационные материалы должны изготавливаться на территории Республики Узбекистан. Материалы предвыборной агитации (плакаты, листовки и другие материалы), ранее размещенные на зданиях, сооружениях и других местах, снимаются органами государственной власти на местах за день до выборов.

*В-пятых*, избиратель, не имеющий возможности в день выборов находиться по месту своего жительства, имеет право на досрочное голосование. Досрочное голосование начинается за десять дней до выборов и заканчивается за день до выборов. Время проведения досрочного голосования определяется окружной избирательной комиссией и доводится до сведения избирателей, наблюдателей, представителей средств массовой информации.

Для осуществления досрочного голосования избиратель на основании заявления с указанием причины отсутствия в день выборов (отпуск, командировка, выезд за границу и др.) получает у участковой избирательной комиссии по месту своего жительства избирательный лист. В присутствии не менее двух членов участковой избирательной комиссии избиратель расписывается в получении избирательного листа в списке избирателей. Избирательный лист заполняется избирателем в специально оборудованной кабине или комнате для тайного голосования. Избиратель принимает решение и оставляет заполненный избирательный лист в закрытом конверте в участковой избирательной комиссии. В месте склеивания конверта ставятся подписи двух членов участковой избирательной комиссии, которые подтверждаются печатью комиссии и подписью избирателя.

*В-шестых*, в течение трех дней до дня голосования, а также в день голосования не допускается опубликование (обнародование) результатов опросов общественного мнения, прогнозов результатов выборов, иных исследований, связанных с проводимыми выборами, в том числе их размещение в информационно-



---

---

телекоммуникационных сетях общего пользования (включая Интернет).

В целом эти нововведения направлены на повышение эффективности механизмов обеспечения равных условий кандидатам в депутаты, политическим партиям в ходе проведения избирательной кампании, позволяют исключить накануне голосования возможность различных злоупотреблений и нарушений, способствуют более действенной защите прав избирателей, исключению предвзятого отношения к тому или иному кандидату.

Выступая на торжественном собрании, посвященном 21-й годовщине принятия Конституции Республики Узбекистан, Президент И. Каримов отметил, что «в Основной закон был внесен ряд поправок, направленных на дальнейшее совершенствование деятельности парламента, усилена роль депутатских объединений и фракций политических партий на всех стадиях рассмотрения и принятия законов и нормативных актов. Без учета мнений и предложений фракций (депутатских групп) сегодня не принимается ни один законодательный акт»<sup>6</sup>.

Кроме того, 20 января 2014 г. глава нашего государства подписал Закон «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан». Так, Закон Республики Узбекистан «О политических партиях» был доработан с целью дальнейшего законодательного обеспечения процессов повышения эффективности деятельности партийных групп в представительных органах власти на местах в деле защиты прав и интересов электората политических партий.

Важная особенность поправок: наряду с полномочиями, предусмотренными действующим законодательством, партийные группы наделяются правом внесения предложений по кандидатурам председателей и членов комитетов или комиссий соответствующего представительного органа власти, заслушивания на сессиях Жокаргы Кенеса Республики Каракалпакстан, Кенгаша народных депутатов отчета или информации руководителя государственного органа, расположенного на соответствующей территории, по вопросам их деятельности. Решение при этом прини-

мается при условии поддержки более половины депутатов.

Также в законе установлено, что предложения партийных групп подлежат обязательному рассмотрению органом представительной власти. Данные коррективы, внесенные в закон, будут способствовать усилению активности политических партий в реализации предвыборных платформ и программных целей, а также повышению ответственности государственных органов и должностных лиц при осуществлении ими своей деятельности.

Кроме того, по инициативе группы депутатов Законодательной палаты был подготовлен законопроект «О внесении изменения и дополнения в Закон Республики Узбекистан “О политических партиях”». Основной целью его разработки стало дальнейшее законодательное обеспечение процессов повышения эффективности деятельности партийных групп в представительных органах власти на местах в деле защиты прав и интересов электората политических партий.

В законопроекте определяются условия и порядок образования партийных групп, устанавливается нижний предел числа депутатов, необходимый для их образования в Жокаргы Кенесе Республики Каракалпакстан, Кенгаша народных депутатов областей и городов Республики Узбекистан. Вместе с тем указывается, что деятельность партийной группы может прекращаться по собственной инициативе ее членов, истечении срока полномочий представительного органа власти, при уменьшении числа депутатов, входящих в партийную группу, ниже предела, необходимого для ее образования, прекращения деятельности соответствующей политической партии.

Важная особенность законопроекта состоит в том, что наряду с полномочиями, предусмотренными действующим законодательством, партийные группы наделяются правом внесения предложений по кандидатурам председателей, заместителей председателей и членов комитетов или комиссий соответствующего представительного органа власти, заслушивания на сессиях Жокаргы Кенеса Республики Каракалпакстан, Кенгаша народных депутатов отчета или информации

---

---

руководителя государственного органа, расположенного на соответствующей территории, по вопросам их деятельности. Решение при этом принимается при условии поддержки более половины депутатов. Законопроект устанавливает, что предложения партийных групп подлежат обязательному рассмотрению органом представительной власти.

Данные нововведения будут способствовать повышению роли политических партий в решении социально-экономических задач на местах, усилению их активности в реализации предвыборной платформы и программ политических партий, а также повысят ответственность государственных органов и должностных лиц при осуществлении ими своей деятельности.

Сложилось общенациональное понимание того, что, только опираясь на волю народа, активное участие граждан в проводимых реформах, их поддержку коренных преобразований, осуществляемых в обществе, можно добиться реализации целей и задач обновления и модернизации страны. Следовательно, партиям придаются дополнительные полномочия, расширяется их деятельность, и в то же время повышается их роль и ответственность.

Самое важное, что в этих законах заложены не только принципы и подходы, но и конкретные механизмы их реализации.

Между тем необходимо подчеркнуть, что сегодня наши партии существенно отличаются от тех, какими они были в недавнем прошлом, и те полномочия, которые им предоставляет закон, являются достаточной правовой основой для их результативной борьбы за власть.

Итак, анализируя правовую регуляцию деятельности политических партий в Узбекистане, можно сказать, что эти законы и нормы способствуют последовательному расширению возможностей повышения роли и активного участия политических партий в проводимых реформах.

Все политические партии – Народно-демократическая партия Узбекистана, Социал-демократическая партия «Адолат», Демократическая партия «Миллий тикланиш»

и Движение предпринимателей и деловых людей – Либерально-демократическая партия Узбекистана – поддерживают принципы поэтапной и последовательной демократизации общественной и государственной жизни, и это их объединяет.

Можно утверждать, что на сегодня политические партии Узбекистана с организационной и политико-правовой точек зрения вполне состоялись. Они заняли достойное место в политической системе Узбекистана.

Однако мы знаем, что демократия – это не состояние, а процесс и впереди еще много работы, есть большой резерв, который нужно партиям реализовать. В частности – уметь конструктивно оппонировать и одновременно стать партнером в определении стратегии государства, готовить и выдвигать из своей среды кадры, способные компетентно участвовать в управлении делами общества и государства, повышать политическую культуру граждан. «Процесс реформ, демократизации и обновления общества – это не разовый и одномоментный, а непрерывно продолжающийся процесс, преследующий в конечном итоге понятные, находящие поддержку у населения цели»<sup>7</sup>.

Современные условия предъявляют серьезные требования к профессиональному и идейному уровню партийных кадров. Политические новации Президента Ислама Каримова, выдвинутые в Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране, с одной стороны, создают мощный стимул для активизации деятельности политических партий, а с другой — требуют от партий четкого понимания стратегии развития общества и государства и ответственного восприятия предложенных инициатив.

Это означает, что если ранее политические партии ориентировались в первую очередь на работу в представительных органах власти, реализацию своих предвыборных программ через свои фракции в Законодательной палате, то современные требования определяют принципиально другой – новый уровень партийной работы. Если ранее акценты ставились на приоритетные задачи воспитания кадров, которые будут работать

---

в парламенте или областных Кенгашах, то сегодня политические инициативы Президента требуют формирования соответствующего новым требованиям кадрового резерва партий, совершенствования информационно-аналитической составляющей в деятельности политических партий, изменения партийного строительства в целом в качественно новых условиях.

В связи с этим каждой политической партии необходимо:

– обеспечить коренной пересмотр своей предвыборной платформы, которая, в случае победы на выборах, становится программой действий для правительства;

– продолжить работу по укреплению позиций партий на местах, популяризации среди населения целей и задач партии, по решению

актуальных социально-экономических проблем на местах с участием членов фракций политических партий, депутатских групп в местных органах представительной власти.

Таким образом, развитие законодательного регулирования партийной деятельности в Узбекистане осуществляется в тесной связи с демократическими преобразованиями, формированием и совершенствованием деятельности институтов гражданского общества, а также с реформами в области государственного управления и др. При этом Конституция Республики Узбекистан служит прочным фундаментом и опорной точкой постоянно совершенствующегося и соответствующего общепризнанным международным стандартам законодательства о партиях и партийной деятельности.

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране // Народное слово. – 2010. – 13 нояб.

<sup>2</sup> См.: Развитие институтов гражданского общества в Узбекистане: цифры и факты. – Т., 2014. – С.15.

<sup>3</sup> Данные политических партий на 1 января 2013 г.

<sup>4</sup> Укрепляя роль женщин в обществе. 4 марта 2010 г. // www.jahonnews.uz

<sup>5</sup> Каримов И. А. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране // Народное слово. – 2010. – 13 нояб.

<sup>6</sup> Каримов И. А. Углубление демократических реформ и формирование гражданского общества – основа будущего Узбекистана. Доклад на торжественном собрании, посвященном 21-й годовщине Конституции Республики Узбекистан // Народное слово. – 2013. – 10 дек.

<sup>7</sup> Каримов И. А. Углубление демократических реформ и формирование гражданского общества – основа будущего Узбекистана. Доклад на торжественном собрании, посвященном 21-й годовщине Конституции Республики Узбекистан // Народное слово. – 2013. – 10 дек.

**Таянч иборалар:** конституция, демократия, сиёсий партиялар, партиявий тизим, сайлов жараёни, қонуний тартибга солиш.

Мақолада Ўзбекистонда партиявий тизимнинг ривожланиши сайлов жараёни ва партиявий фаолиятнинг конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиниши доирасида кўриб чиқилади. Ўтказилаётган ислохотларда сиёсий партияларнинг ролини изчил ошириб бориш ва фаол иштирок этишига имкон берувчи янгиликлар ифодаланади.

**Key words:** constitution, democracy, political parties, party system, electoral process, legislative regulation.

The article discusses the development process of the party system in Uzbekistan in accordance with the Constitutional and legal regulation of electoral process and party activities. Innovations promoting consecutive enhancement of the role and active participation of the political parties in the reforms are reflected.

**Ключевые слова:** конституция, демократия, политические партии, партийная система, избирательный процесс, законодательное регулирование

В статье рассматривается процесс развития партийной системы Узбекистана в соответствии конституционно-правовым регулированием избирательного процесса и партийной деятельности. Отражены нововведения, способствующие последовательному повышению роли и активному участию политических партий в проводимых реформах.

## ҲУҚУҚНИНГ ҲАРАКАТЛАНИШ МЕХАНИЗМИ: ТУШУНЧАСИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

Ҳуқуқ ваколатли давлат ҳокимият органлари томонидан амалга ошириладиган алоҳида ҳуқуқ ижодкорлик фаолиятининг маҳсули ҳисобланади. Ҳуқуқ яратилишининг асосий мақсади – жамиятдаги ижтимоий муносабатларни барқарорлаштириш, ҳамда тартибга солишдан иборат. Бошқача айтганда, ҳуқуқни яратиш (ўрнатиш) – давлат томонидан жамиятни бошқаришга оид фаолиятнинг бир қисми, холос. Асосий масала вужудга келтирилган ҳуқуқ нормаларининг ҳаракатланиши, ҳаётга жорий этилиши, яъни аниқ амалга оширилишидадир. Ҳуқуқ ижтимоий муносабатларни тартибга солганда, уларни ривожлантиргандагина яшайди, амал қилади, ўзининг ижтимоий функциясини бажаради.

Ҳуқуқнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ва вазифаси унинг инсонлар онги ва иродасига таъсир этиш орқали улар ўртасидаги муносабатларни маълум юридик модель асосида тартибга келтириш, кишилар (органлар, ташкилотлар, умуман, ҳуқуқ субъектлари)нинг хулқ-атвори, фаолиятини белгилаш, тартибга солишда кўринади. Ўзбекистон Президенти илгари сурган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да мамлакатни ва ҳуқуқий тизимни замонавий модернизациялашда ижтимоий жараёнларга самарали ҳуқуқий таъсир этишнинг стратегик йўналишлари белгилаб берилгани ва тегишли қонунчилик базасини яратиш дастури баён этилгани диққатга сазовордир<sup>1</sup>.

Давлатимиз бошлиғи Ислон Каримов қонунларнинг ўрни ва аҳамиятига эътибор бериб, қуйидагиларни таъкидлади: «Биз қонунчилик тизимини тубдан ўзгартиришгагина эмас, балки қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни рўёбга чиқариш

борасида ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари уйғун ҳаракат қилишига катта аҳамият бермоқдамиз. Шу сабабли қабул қилинган қонунларни кундалик ҳаётга татбиқ этиш масаласи биз учун ҳамма вақт долзарбдир»<sup>2</sup>.

Ҳуқуқнинг ҳаракатланиши ёки амалга оширилиши ўз-ўзидан рўй берадиган ҳодиса эмас. Бунда давлат органларининг ҳуқуқни амалга оширишга қаратилган махсус фаолияти зарур. Табиийки, ҳуқуқ ўзининг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш функциясини бир қадар мураккаб механизмлар воситасида амалга ошира олади. Шу боис ҳуқуқшунослик фанида «ҳуқуқий тартибга солиш механизми» деган категория шаклланган бўлиб, у ҳуқуқ ҳаракатланишининг барча босқичлари ва цикллари қамраб олувчи тушунчадир.

Юридик адабиётларда ҳуқуқнинг ҳаракатланиши институтини «кенг» ва «тор» маъноларда тушуниш мавжуд. Баъзи олимлар кенг маънодаги ҳуқуқнинг ҳаракатланиши тушунчасига қуйидагиларни киритишни таклиф этадилар:

- ҳуқуқни амалга ошириш;
- ҳуқуқий таъсир этиш, унинг усул ва шакллари;
- ҳуқуқни шарҳлаш;
- ҳуқуқни ҳуқуқий муносабатлар воситасида қўллаш;
- ҳуқуқий тартибга солиш механизми;
- ҳуқуқ ҳаракатланишининг самарадорлиги<sup>3</sup>.

Юридик фанлар номзоди В.В. Дедюхин «ҳуқуқнинг ҳаракатланиши тизими категория бўлиб, ўз таркибига турли-туман шаклдаги юридик фаолиятни қамраб олади ... ҳуқуқнинг ҳаракатланиши ўз доирасига ҳуқуқий таъсир этиш ва ҳуқуқий тартибга солишни олади», деб ёзади<sup>4</sup>.

\* Юридик фанлар номзоди.

---

Профессорлар С.А. Комаров ва В.Н. Кортшовлар ҳуқуқнинг ҳаракатланиши жараёнини «ҳуқуқий таъсир этиш механизми» ҳамда «ҳуқуқий таъсир этишнинг самараси» ҳодисаларидан иборат деб изоҳлайдилар<sup>5</sup>.

Яна бир тоифа олимлар (В.К. Бабаев, Ф.А. Григорьев, А.Д. Черкасов ва бошқалар)<sup>6</sup>. ҳуқуқнинг ҳаракатланишини ҳуқуқни амалга ошириш тартиби билан ифода этадилар. Бунда ҳуқуққа риоя этиш, ҳуқуқ талабларини бажариш, ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиш ҳамда ҳуқуқни қўллаш қабилар назарда тутилади. Фикримизча, бу ёндашув ҳуқуқ ҳаракатланишини анча торайтириб юбормоқда.

Ҳуқуқ ҳаётда фаол ҳаракатланиб, ўзининг ижодий таъсирини намоён этмаганида ўз маъно-мазмунини, аҳамиятини йўқотган бўлар эди. Ҳуқуқнинг ҳаракатланиши (амал қилиши) – бу унинг ахборот етказиш мақсадини белгилаш ва муайян маконда, замонда ҳамда шахслар доирасида ижтимоий муносабатларга таъсир этиш имкониятидир<sup>7</sup>.

Профессор А.Ф.Черданцевнинг фикрича, ижтимоий алоқалар ва муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг мақсади шундаки, ҳуқуқий нормаларнинг ҳаракатланиши туфайли социал жараёнлар жамият учун манфаатли йўналишларда амалга ошиб, бунда ижтимоий ҳаётнинг турли-туман соҳаларида муайян фойдали натижалар келиб чиқади<sup>8</sup>. Ушбу ҳолатда ҳуқуқ ҳаракатланишининг икки жиҳатига алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ўйлаймиз. *Биринчидан*, ҳуқуқий норма мазмуни жамият аъзоларига, ҳуқуқий муносабатлар субъектларига маълум ахборот (информация) етказиб беради. Бунда ҳуқуқий маълумот, ҳуқуқий билим ҳосил бўлиб, савиямиз ортади; *иккинчидан*, ҳар қандай ҳуқуқий нормада, фойдали хатти-ҳаракат, хулқ-атвор модели (дастури) баён этилади. Бу модель жамиятнинг ташкилий-функционал барқарорлигини таъминлашга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир<sup>9</sup>.

Ҳуқуқнинг ҳаракатланиши давлат томонидан дастурлаштирилган ижтимоий фаолият моделининг ва муайян мавҳум тасаввур этиладиган қадриятларнинг реал амалиётга айланишини билдиради. Яъни, ҳуқуқнинг ҳаракатга келиши туфайли кишилар (субъект-

лар) феъл-атворида, фаолиятида, ҳуқуқ нормасида белгиланган талабнинг, адолат ўлчовининг моддийлашуви содир бўлади. Демак, ҳуқуқ ижтимоий муносабатларга таъсир эта олувчи куч сифатида ўз имкониятини намоён қилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳуқуқ нормаларида муайян ахборот, маълумот ифодаланиб, у жамият аъзоларига йўналтирилади. Бошқача айтганда, ҳуқуқ турли-туман ахборотни ифодалайди. Бу ахборот нафақат маълум ҳуқуқий билимни ифодалайди, балки жамият ҳаётининг турли томонлари ҳақида ҳам билим (маълумот)ларни акс эттиради. Ушбу маълумот ва билимлар кишиларни тегишли тартибда, ҳуқуқий норма мустаҳкамлаган талаблар даражасида ҳаракат қилишини таъминлайди. Шу сабабли айтиш мумкинки, қонун чиқарувчи ҳуқуқий нормани ўрнатиш орқали жамият аъзоларига зарур ҳуқуқий ахборотни, шу билан бирга, шундай ҳаракат (фаолият) қилиш талабини, энг муҳими, жамият манфаатларига мос қадриятларни етказди.

Ҳуқуқнинг ахборотлаштириш функцияси билан бир қаторда, унинг ҳаракатланиши жараёнида қадрият-мақсадли хусусиятлари ҳам мавжуд. Қонун чиқарувчи ҳуқуқий муносабатга киришувчи субъектларга тегишли ҳуқуқий билим (ахборот) орқали мақсадни англа-тишдан ташқари, ҳуқуқий ҳужжат (қонун)нинг кириш қисмида, муқаддимасида ҳуқуқ эгаларига унинг мақсадини англа-тувчи махсус қоидаларини ва таърифларини ҳам ифодалаши мумкин. Ҳуқуқнинг ахборотлаштириш ва қадриятли-мақсадли билимларни етказиш хусусияти, аввало, унинг муҳофазаловчи функциясини таъминлашга хизмат қилади. Маълум мақсадни баён этиш орқали ҳуқуқ нормаси ўз ҳаракати натижасида ҳуқуқ субъектларини тегишли тарзда ҳаракатланишга, зарур хатти-ҳаракатларни бажаришга мажбур этади ва шу тариқа муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солинишини таъминлайди.

Ҳуқуқ ҳаракатланишининг кенг талқинида ҳуқуқий таъсир этиш, ҳуқуқий тартибга солиш механизми деган компонентлар мавжудлиги эътироф қилинади. Ҳуқуқий таъсир этиш жараёни ҳуқуқ нормаларининг кишилар иродаси

---

ва онгига таъсир кўрсатиш орқали жамият ҳаётини бошқаришни, муносабатларни тартибга солишни назарда тутди. «Ҳуқуқий таъсир» тушунчаси «ҳуқуқий тартибга солиш» категориясидан кенгроқ бўлиб, улар бир-биридан маъно жиҳатдан фарқ қилади. Профессор З.М. Исломовнинг фикрича, «ҳуқуқий таъсир анча кенг тушунча. У ҳуқуқни ҳаракатда, унинг ижтимоий ҳаётга таъсирининг барча йўналишлари ва шакллари, шу жумладан бу ҳуқуқнинг маънавий омил сифатида таъсир кўрсатишини тавсифлайди». Айни вақтда З.М. Исломов ҳуқуқий таъсирни маънавий (мафкуравий) омил ҳисоблаб, унинг таъсирини «ҳуқуқнинг ноюридик таъсири» деб баҳо беради<sup>10</sup>. Назаримизда, олимнинг бу фикрини қўллаб-қувватлаш қийин. Чунки, ҳуқуқий таъсирнинг ҳар қандай шакли ўз моҳиятига кўра «ноюридик» бўлмай, балки айнан юридик мазмунга эга бўлади.

Ҳуқуқий таъсир норматив умуммажбурий регуляторлик, мафкуравий ва тарбиявий (маърифий) шаклларда бўлиши мумкин. Ҳуқуқ жамиятдаги муҳим (яъни, фуқаро, жамият, давлат манфаатлари учун муҳим) муносабатларга таъсир кўрсатиб, уларни мустақамлайди, ривожлантиради, муҳофазалайди. Ҳуқуқий таъсир туфайли ижобий, фойдали муносабатлар ҳуқуқий ҳимояланади, янада такомиллаштирилади. Ҳуқуқий таъсир натижасида кишилар онгида ижобий ҳуқуқий муносабат образи, модели қарор топади.

«Ҳуқуқий тартибга солиш» эса – ҳуқуқий таъсир этишнинг махсус кўриниши бўлиб, бунда ижтимоий муносабатларга ҳуқуқ нормаси воситасида уларни умуммажбурий, норматив тарзда тартибга солишга эришишни билдиради. Ҳуқуқий тартибга солишда тегишли муносабатларда қатнашувчи тарафларнинг аниқ ҳуқуқ ва бурчлари белгиланиб, улар реал амалга ошиб, ҳуқуқлардан фойдаланиш, мажбуриятларнинг бажарилиши таъминланади. Ҳуқуқий тартибга солишда махсус юридик воситалар тизими ёрдамида кўзланган натижага эришилади. Бу воситалар тизими ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос механизмини акс эттиради.

Ҳуқуқий тартибга солиш механизми – жамият олдида турган муҳим (мамлакатимизда

ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш) вазифа ҳамда мақсадлардан келиб чиқиб, ижтимоий муносабатларга самарали, натижали таъсир кўрсатишни таъминловчи ҳуқуқий воситаларнинг яхлит тизими, амалга ошиш тартиби деб ҳисобланиши мумкин. Ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг асосий элементи, таркибий қисми сифатида ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш акти (хатти-ҳаракатлари) тан олинади. Бу ҳаракатлар ҳуқуқ субъектларининг амалий хатти-ҳаракатлари бўлиб, унда ҳуқуқ ва мажбуриятларда ифодаланган имконият (имтиёз) ва талаблар амалга оширилади. Ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш ҳаракати ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг яқунловчи элементи ҳисобланади<sup>11</sup>. Ҳуқуқий тартибга солиш механизмида ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, билим, савия ҳамда ҳуқуқий кўникмалар ҳам алоҳида ижобий омиллар сифатида ўз ўрнига эга.

Ҳуқуқий нормалар ҳаракатланишининг натижасига баҳо бериш унинг самарасини аниқлаш билан боғлиқ. Бу ўринда самарадорлик ҳуқуқий тартибга солиш натижаси билан унинг олдида қўйилган мақсад ўртасидаги нисбатдан иборат, яъни ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг мақсадига қай даражада тўла эришилганлиги ёки етарлича эришилмаганлиги ҳуқуқий норма ҳаракатланишининг самарадорлик даражасини кўрсатади. Ҳозирги шароитда ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг самарадорлигини кучайтириш учун *биринчидан*, ҳуқуқ (қонун) ижодкорлигини янада такомиллаштириш, ҳуқуқий нормалар сифатини ошириш, *иккинчидан*, қонунларни қўллаш жараёни ва процессуал тартибларини мукамал ҳолга келтириш, *учинчидан*, ҳуқуқ субъектларининг (фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг) ҳуқуқий маданияти ҳамда масъулиятини ошириш орқали таъминланиши мумкин.

Шундай қилиб, ҳуқуқнинг ҳаракатланиши мураккаб жараён бўлиб, бунда ҳуқуқ мазмунини ташкил этувчи қоидалар амалий изга кўчади, муайян муносабатлар фуқаролар, жамият ва давлат манфаатлари нуқтаи назаридан тартибга солинади, ҳуқуқий тартибга солишнинг мақсадига эришиш таъминланади.

---

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., 1997. – Б. 289.

<sup>3</sup> См.: Проблемы общей теории права и государства / Под общ ред. В.С.Нерсесянца. – М., 2004. – С. 414–514.

<sup>4</sup> Дедюхин В.В. Действие права. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2002. – С. 3.

<sup>5</sup> Теория государства и права / Под ред. Н.И. Матузова и А.В. Малько, – М., 2000. – С. 452–453.

<sup>6</sup> Общая теория государства и права. Академ. курс. Т.2. – М., 2000. – С. 434–482.

<sup>7</sup> Лазарев В.В. Теория государства и права. – М., 2000. – С. 274.

<sup>8</sup> Қаранг: Черданцев А.Ф. Теория государства и права. – М., 1999. – С. 351.

<sup>9</sup> Степанов О.А. Правовое регулирование в условиях экономического кризиса // Государство и право. – 2011. – № 10. – С. 6–7.

<sup>10</sup> Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т., 2007. – Б.769.

<sup>11</sup> Қаранг: Проблемы теории государства и права / Отв. ред. С.С. Алексеев. – М., 1982. – С. 284.

**Таянч иборалар:** ҳуқуқнинг ҳаракатланиши, ҳуқуқий таъсир этиш, ҳуқуқий тартибга солиш, ҳуқуқий тартибга солиш механизми, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқ ҳаракатланиши механизмининг самарадорлиги.

Мақолада ҳуқуқнинг жамият ҳаётини бошқариш, барқарорлаштиришдаги аҳамияти, ҳуқуқ ҳаракатланишининг тушунчаси, моҳияти ва механизми таҳлилий баҳс асосида ёритилади. Ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг самарадорлигини оширишга қаратилган тақлифлар ишлаб чиқилган.

**Key words:** functioning of law, legal influence, legal regulation, mechanism of legal regulation, application of law, efficiency of functioning of legal mechanism.

The article deals with the significance and role of legal regulation in governing a society and its stabilization. On the bases of scientific analyses the author interprets the notion, essence and mechanism of functioning of law and dwells on the ways of increasing the efficiency of the mechanism of legal regulation.

**Ключевые слова:** действие права, правовое воздействие, правовое регулирование, механизм правового регулирования, применение права, эффективность механизма действия права.

В статье рассматриваются значение и роль правового регулирования в управлении обществом, в его стабилизации, на основе научного анализа освещается понятие, сущность и механизм действия права. Формулируются предложения, направленные на повышение эффективности механизма правового регулирования.

## ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШ МУДДАТИНИНГ ЎТГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖИНОЯТ ИШНИ ТУГАТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Бугунги кунда шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги асоси билан тугатилаётган жиноят ишлари тергов амалиётида барча тугатилаётган ишларнинг салкам йигирма икки фоизини ташкил этмоқда<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, мазкур кўрсаткич тегишли органларнинг жиноят содир этган шахслар (айбланувчи)ни аниқлаш ишларини етарли даражада ташкил этмаганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, ушбу асоснинг қўлланилиши даражасининг кўпайиб кетишига ушбу турдаги жиноят ва жиноят-процессуал муносабатларни тўлиқ тартибга солинмаганлигини ҳам сабаб сифатида кўрсатиш мумкин. Чунки ЖПКнинг 84-моддаси биринчи қисми биринчи бандида «*шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса*» деб қайд этилган асоснинг қўлланилиши билан боғлиқ тартибга солинмаган ҳолатлар қуйидагиларда ифодаланади:

*Биринчидан*, гарчи ЖПКнинг 373-моддасида жиноят иши амалдаги Кодекснинг 83 ва 84-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлгандагина тугатилиши мумкинлиги қайд этилган бўлса-да, бугунги кунда «*шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса*» асосини қўллашда мазкур қоида доирасидан четга чиқиш ҳолатлари учрамоқда. Буни биз «*шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса*» ҳолати аниқланган вақтларда ЖПК 367-моддасининг учинчи қисми асос қилиб олинаётганлигида кўриш мумкин. Хусусан, тергов амалиётининг таҳлили шундан далолат берадики, ишни юритаётган мансабдор шахс ўзининг жиноят ишини тугатиш қарорида ЖПК 367-моддасининг учинчи қисмини асос сифатида келтирмоқда. Бир қарашда мазкур йўл ЖПК нормалари билан тартибга солинган қоида доирасидан четга чиққанлиги учун уни хато деб ҳисоблаш мумкиндир. Лекин, «*шахсни*

*жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса*» асосининг асл моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу асос икки мустақил асосдан, яъни биринчиси – «*айбланувчи сифатида жалб этилган шахснинг қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги*» бўлса, иккинчиси – «*айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахснинг аниқланмаганлиги*»дан иборат. Бугунги кунда «*айбланувчи сифатида жалб этилган шахснинг қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги*» аниқланадиган бўлса, ЖПКнинг 84-моддаси биринчи қисми биринчи банди қўлланилмоқда. «*Айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахснинг аниқланмаганлиги*» ҳолатларида эса, ЖПКнинг 367-моддаси учинчи қисми қўлланилмоқда. Агар мазкур ҳолатларни бир-бирига қиёслайдиган бўлсак, 2012 йилда «*шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса*» асоси билан тугатилган ишларнинг 12 фоизини 84-модданинг биринчи қисми биринчи банди ташкил этган бўлса, 88 фоизини 367-модданинг учинчи қисми билан тугатилган ишлар ташкил этди<sup>2</sup>. Айнан мазкур омил ЖПКнинг 84-моддаси биринчи қисмининг биринчи бандида қайд этилган асосни икки мустақил асосга ажратишни тақозо этади. Шу боис, назаримизда, улар қуйидаги кўринишга эга бўлиши лозим: а) ЖПКнинг 84-моддаси биринчи қисми биринчи банди: «*айбланувчи сифатида жалб этилган шахснинг қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетган бўлса*»; б) ЖПКнинг 84-моддаси биринчи қисмининг иккинчи банди: «*қонунда белгиланган муддатда айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаган*

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси катта илмий ходимлар-изланувчилар институти бошлигининг ўринбосари, юридик фанлар номзоди, доцент.



---

бўлса». Фикримизча, мазкур таклифларнинг амалдаги қонунчиликда ўз ифодасини топиши мавжуд коллизияларнинг ҳолатларнинг бартараф этилишига хизмат қилади.

*Иккинчидан*, жиноят содир этган шахснинг фақатгина муддат ўтганлигини сабаб қилиб жавобгарликдан озод этилиши бир қарашда тўғри эмасдек кўринади. Чунки, мазкур шахс содир этган жинояти бўйича айбига иқрор эмас, келтирилган зарарни қопламаган ва энг муҳими, содир этган қилмишидан пушаймон бўлмаган. Айнан мазкур омил жиноят ва жиноят-процессуал назарияда жиноят ишини тугатишнинг «*шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса*» асосига нисбатан ягона бир тўхтам шаклланмаганлигига сабаб бўлмоқда.

Бир гуруҳ олимларнинг фикрича, жиноий таъқиб жиноят содир этилганидан кейин дарҳол ёки қисқа вақт ўтганидан сўнг амалга оширилсагина ижобий самара беради, акс ҳолда унинг тарбиявий ва профилактик аҳамияти йўқолиши мумкин<sup>3</sup>.

С. Г. Келинанинг фикрича, жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги асосини қўллаш учун жиноят содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси тўлиқ йўқолган бўлиши талаб этилади<sup>4</sup>. Назаримизда, айнан мазкур фикр ўрганилаётган асосни қўллашнинг энг муҳим шартларидан бири бўлиши лозим. Чунки, агар шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси тўлиқ йўқолган бўлса, ўрганилаётган асос билан уни жавобгарликдан озод қилиш мантиқан нотўғри ҳисобланади.

Дарҳақиқат, узоқ муддат ўтганидан кейин шахсни жавобгарликка тортишнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини, кўп вақт ўтиши билан ашъвий далилларнинг хусусияти йўқолиб бориши, исботланиши лозим бўлган ҳолатларни гувоҳлар ва бошқа иштирокчиларнинг ёдидан кўтарилиши ҳамда иш ҳолатларига оид бошқа маълумотларнинг камайиб кетиши натижасида иш юзасидан тўғри қарор қабул қилишнинг қийинлашиши билан изоҳлаш мумкин.

Қолаверса, маълум бир муддатнинг ўтиши ҳар қандай инсоннинг феъл-атвори, табиати ва ҳаётга бўлган муносабати ўзгаришига сабаб бўлади. Ҳақиқатан ҳам, агар жиноят содир этган шахсга нисбатан қидирув эълон қилиниб, ушбу шахс томонидан 25 йил яшириниб юрган бўлишига қарамай, мазкур муддат давомида бошқа жиноят содир этилмаган

---

бўлса, назаримизда, бу ҳолат унинг ижтимоий хавфлилиқ даражасининг йўқолганлиги ҳамда жавобгарликка тортиш йўли билан қайта тарбиялашга ҳожат қолмаганлигини кўрсатади.

Лекин, жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахснинг аниқланмаганлиги сабабли содир этилган жиноий қилмишнинг оғирлик даражасидан келиб чиқиб, жиноят қонунида белгиланган уч ёки беш йилдан сўнг жиноят ишининг тугатилишини юқорида келтирилган омиллар билан асослаб бўлмайди. Мазкур ҳолатда қонуншунос бевосита суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш мақсадидан келиб чиқиб иш тутган десак муболаға бўлмаса керак. Зеро, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни уч йил давомида аниқлаш ва уни жавобгарликка тортиш чораларини кўриш имконияти бўлмаганлиги, дастлабки тергов органларининг асосий эътиборини янги содир этилган жиноятларга қаратиш зарурлиги, очилмаган жиноятлар сонини камайтириш<sup>5</sup> лозимлиги, шунингдек, жиноят содир этган шахсни дастлабки тергов органларидан яширинмаганлигини (*чунки унга қидирув эълон қилинмаган бўлади*) инobatга олиб, қонуншунос уни жавобгарликдан озод қилишни лозим деб топган. Лекин шунини алоҳида қайд этиш лозимки, қонуншунос ушбу нормада фақат содир этилган ижтимоий хавфли қилмишнинг оғирлик даражасини инobatга олиб, мазкур жиноятни содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини эътиборга олмаган. Ваҳоланки, агар жиноий қилмиш такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси янада оғирлашиши ва бунинг натижасида жавобгарликка тортиш муддатларининг ўзгаришига сабаб бўлиши лозим. Айнан мазкур ҳолатлар ЖКнинг 64-моддасида ўз ифодасини топмаганлиги туфайли, бугунги кунда тергов амалиётида қанчадан-қанча жиноят ишларининг, назаримизда, асосиз тугатилишига олиб келмоқда. Фикримизча, мазкур омиллар, ЖК 64-моддасининг биринчи қисмида қайд этилган нормаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини тақозо этади.

*Учинчидан*, Жиноят кодекси 64-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, агар жиноят содир этган ва жиноий жавобгарликка тортилган шахс тергов ёки суддан яширинса,

муддатнинг ўтиши тўхтатилади. Айбдор ушланган ёки айбини бўйнига олиб арз қилган кундан бошлаб муддатнинг ўтиши қайтадан тикланади. Назаримизда, қонуншунос мазкур нормада «*тўхтатилади*» ҳамда «*қайта тикланади*» атамаларидан нотўғри фойдаланган. Чунки, «*тўхтатилади*» атамаси вақтинча танаффус деган маънони ҳам англатади<sup>6</sup>. Бу эса, жиноят иши бўйича шахсни айбланувчи сифатида жалб этилгунга қадар ўтган жавобгарликка тортиш муддатининг сақланиб қолишига ҳамда давом эттирилишига олиб келиши мумкин. М.Усмоналиевнинг фикрича, «бундан олдин тергов ёки суддан яширингунча қанча вақт ўтганлигининг аҳамияти йўқ, яъни 64-модданинг биринчи қисмида назарда тутилган муддат қайтадан бошланади»<sup>7</sup>. Айнан мазкур омилларни инобатга олиб, биз ушбу нормада қўлланилган «*тўхтатилади*» ўрнига «*бекор қилинади*» ҳамда «*қайта тикланади*» ўрнига «*янгитдан бошланади*» атамаларига ўзгартириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Қолаверса, қонуншунос айнан мазкур нормада «*жиноий жавобгарликка тортилган шахс*»<sup>8</sup> ва «*айбдор*»<sup>9</sup> жумлаларидан фойдаланган. Ваҳоланки, фойдаланилган жумлалар ушбу норма мазмунига мутаносиб эмас. Чунки, жиноят ишини тугатиш ёки шахсни жавобгарликдан озод қилиш институтлари айбдор ёки жавобгарликка тортилган шахсларга эмас, балки қонунда белгиланган тартибда айби исботланмаган айбланувчига ҳамда жавобгарликка тортилмаган шахсларга нисбатан қўлланилади. Назаримизда, ушбу омил «*жиноий жавобгарликка тортилган шахс*» ва «*айбдор*» жумлаларини «*айбланувчи (гумон қилинувчи, судланувчи) сифатида ишга жалб этилган шахс*»га ўзгартиришни тақозо этади.

*Тўртинчидан*, амалдаги Жиноят кодекси 64-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ, агар оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган шахс жавобгарликка тортиш муддати ўтмасдан қасддан янги жиноят содир этса, муддатнинг ўтиши узилади<sup>10</sup>. Бундай ҳолда жавобгарликка тортиш муддатлари янги жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳисобланади. Қолган ҳолларда, агар шахс жавобгарликка тортиш муддатлари ўтмасдан янги жиноят содир этса, бу муддатлар ҳар бир жиноят учун алоҳида ҳисобланади» дея қайд этилган. Демак, ушбу норма талабларига мувофиқ, шахс ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган

Хулоса сифатида айтиш жоизки, жиноят-ижроия қонунчилигида маҳкума ҳомиладор аёллар ва уч ёшгача боласи бор аёл маҳкумаларга алоҳида бобда қўшимча ҳуқуқларнинг берилиши, маҳкумани ахлоқан тузатиш, унинг жинсий фаолиятига тўсқинлик қилиш, унда қонунга итоаткор хулқ-атворни, инсонга, меҳнатга, жамият турмуш қоидалари ва анъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантиришни назарда тутиш билан бир қаторда жазони ўташ жойларидаги бу тоифадаги аёлларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза этиш, уларга замонавий тиббиёт услубларига асосланган тиббий хизмат кўрсатиш, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялашга, «Соғлом она – соғлом бола» дастурини изчил амалга оширишга муҳим омил яратади.

---

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги” 2001 йил 29 август қонуни // Ўзбекистон республикаси Олий мажлисининг ахборотномаси. – 2001. – №1-2. – 18-м.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги 1999 йил 14 апрель қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1999. – №5. – 1132-м.

**Таянч иборалар:** ҳомиладор аёлларни озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиш, озодликдан маҳрум этиш жазоси, қамоқ жазоси, Жиноят-ижроия кодекси, жазони ижро этиш муассасалари, аёлларнинг репродуктив саломатлиги, болалар.

Мақолада озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо ўтаётган ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларнинг муассаса ҳудуди ва унинг доирасидан ташқарида яшаши билан боғлиқ имтиёзлари, бу тоифадаги маҳкумаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза этиш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш, шунингдек жазони ижро этиш муассасаси ҳудуди доирасидан ташқарида яшайдиган маҳкумаларнинг жазони ўташ шартлари баён этилган.

**Key words:** conviction of pregnant women, punishment in the form of deprivation of liberty, custody, Criminal executive code, punishment execution institutions, order of serving the sentence, women's reproductive health, children.

The article deals with the problems of serving a sentence in the form of deprivation of liberty by pregnant women and the women who have a child under the age of three. The author puts forward her proposals on mitigation of the regime of serving the sentence for convicted women of this category and on maintenance of women's reproductive health serving a sentence in colonies.

**Ключевые слова:** осуждение беременных женщин, наказание в виде лишения свободы, заключение под стражу, Уголовно-исполнительный кодекс, учреждение исполнения наказания, порядок исполнения наказаний, репродуктивное здоровье женщин, дети.

В статье рассматриваются проблемы отбывания наказания в виде лишения свободы беременными женщинами и женщинами, имеющими детей, не достигших трехлетнего возраста, формулируются предложения о смягчении режима исполнения наказания для женщин-осужденных данной категории и о мерах по сохранению репродуктивного здоровья женщин, отбывающих наказания в колониях.

## ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири, қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини, айтилиши вақтда ҳуқуқий маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи энг устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига биноан, «бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Айтилиши пайтда, 54-моддада «мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт»лиги мустаҳкамлаб қўйилган<sup>1</sup>.

Хусусий мулкнинг Конституция даражасида тан олинishi мулкдорлар синфининг вужудга келишида муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Дарҳақиқат, республикада ўтказилаётган ислохотлар натижасида хилма-хил мулк шаклларининг конституциявий ҳуқуқий асослари ва иқтисодий негизи аллақачон шакллантирилди ҳамда ҳозирги кунда уни янада тако-

миллаштириш чора-тадбирлари кўриб борилмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлашимиз, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратишимиз зарур»<sup>2</sup>.

Маълумки, бундай шароитда фаолият юритиш шартномавий-ҳуқуқий муносабатларини янада яхши ўзлаштиришни, давлат томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарали тизими ишлаб чиқилишини талаб қилади.

Таъкидлаш жоизки, 1997 йилнинг 1 мартидан амалда қўлланиб келинаётган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси шартнома интизомини тартибга солувчи барча қоидаларни ўзида мужассамлаштириб, тадбиркорларимизга хизмат қилмоқда. Бунда шартнома муносабатларини тартибга солиб туришга йўналтирилган нормалар бозор иқтисодиёти ва ҳуқуқий давлат принципи асосида белгиланган. Хусусан, ушбу Кодекснинг 34-боби, яъни 535-моддadan 577-моддагача бўлган қоидалар мулк ижарасини тартибга солади<sup>3</sup>.

1998 йил 29 августда «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши Фуқаролик кодексининг қоидаларини аниқ ва соддалаштирилган ҳолда амалиётда қўллаш учун шароит яратди<sup>4</sup>. Бу даражада шартнома муносабатларига эътибор қаратишдан кўзланган асосий мақсад – шартнома маданиятини ривожланган давлатлар даражасига кўтаришдир.

Қонуннинг мақсади хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида хўжалик шартнома

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари

---

ларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Мазкур қонуннинг 3-моддасида «хўжалик шартномаси» тушунчаси «тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув хўжалик шартномаси» сифатида таърифланган.

Хўжалик шартномаси, қоида тариқасида тарафлардан бирининг оферта (шартнома тузиш ҳақида таклиф) йўллаши ва иккинчи тараф уни акцептлаши (таклифни қабул қилиши) йўли билан тузилади. Агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари бўйича келишувга эришилган бўлса, хўжалик шартномаси тузилган деб ҳисобланади (12-модда).

Қонуннинг 11-моддасида хўжалик шартномасининг шакли кўрсатилган бўлиб, унга мувофиқ хўжалик шартномаси битимлар тузиш учун назарда тутилган ёзма шаклда тузилади. Агар шартнома тузиш таклифи мазкур Қонуннинг 12-моддасида назарда тутилган тартибда қабул қилинган бўлса, шартноманинг ёзма шаклига риоя этилган деб ҳисобланади. Ёзма шартнома тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан, шунингдек почта, телеграф, талетайп, телефон, электрон алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкин.

Хўжалик шартномаси субъектларига юридик хизмат кўрсатиш уларнинг юридик хизматлари ёки ана шу мақсадда шартнома асосида жалб этилган адвокатлар томонидан амалга оширилади (20-модда).

Хўжалик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши керак. Шартномаларни уларнинг имзоларисиз тузишга йўл қўйилмайди (21-модда).

---

Мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш шароитларида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, шартнома лойиҳаларини тайёрлаш сифатини яхшилашда юридик хизматнинг роли каттадир.

Шу муносабат билан, 2007 йил 24 августда Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 182-сонли қарори қабул қилинди<sup>5</sup>.

Ушбу қарор билан «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати тўғрисида»ги ҳамда «Хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида»ги Низомлари тасдиқланди.

Шунингдек, 2007 йил 22 ноябрда «Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 244-сонли қарори қабул қилиниб, юрисконсультларни аттестациядан ўтказиш тартиби белгиланди<sup>6</sup>. Бу нарса, ўз навбатида, хўжалик субъектлари фаолиятида юридик хизматлар масъулиятини ошириш билан биргаликда, шартномавий-ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий асосларида ижара шартномаси муҳим аҳамият касб этади. Ижара шартномаси тушунчаси 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «Ижара тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5-моддасида батафсил берилган<sup>7</sup>. Унда қайд этилишича, томонларнинг ихтиёрийлиги ва тўла тенг ҳуқуқчилиги асосида маълум муддатга тузиладиган ижара шартномаси ижара муносабатларининг юзага келишига асос бўлади. Бунда қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш учун ерни, бошқа табиий ресурсларни ижарага олиш узоқ муд-



датга – камида 5 йилга мўлжалланган бўлиши керак.

Мазкур қонуннинг 3-моддасида ижара муносабатларининг объекти кўрсатилган бўлиб, қуйидагилар ижара муносабатларининг объектлари бўлиши мумкин, чунончи:

*корхоналар, айрим ишлаб чиқаришлар, цехлар, фермалар, бошқа бўлинмалар, ташкилотлар;*

айрим бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари, инвентарлар, асбоблар, бошқа моддий бойликлар;

ер (қишлоқ хўжалиги учун ажратилган ерлар ижарага фақатгина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун берилади) ва бошқа табиий ресурслар.

Ижарага топширишга йўл қўйилмайдиган корхоналар, ташкилотларнинг турлари (гурӯҳлари), мулк ва табиий ресурсларнинг турлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

«Ижара тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида ижара муносабатларининг субъектлари кўрсатилган бўлиб, ижарага берувчи ва ижарачи ижара муносабатларининг субъектлари ҳисобланадилар.

*Мол-мулк эгаси ёки у вакил қилган идора, шу жумладан чет эл юридик ва жисмоний шахслари мол-мулкни ижарага бериш ҳуқуқига эга бўлган ижара берувчи ҳисобланади.*

Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл юридик шахслари иштирокидаги қўшма корхоналар, халқаро уюшмалар ва ташкилотлар, шунингдек хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ижарачи бўлишлари мумкин.

Чет эл юридик ва жисмоний шахсларининг давлат мулкни ижарага олишдаги иштироки Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

Давлат мулкни ижарага беришни янада такомиллаштириш мақсадида 2009 йилнинг 8 апрелида Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкни ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 102-сонли қарори қабул қилинди<sup>8</sup>. Мазкур қарор асосида «Давлат мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланди.

*Қарорнинг 1-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни қўмитасининг*

*Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулкни қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни қўмитасининг вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари ҳузурида давлат унитар корхоналари шаклида давлат мулкни ижарага бериш марказлари ташкил этилди.*

Марказларнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

давлат мулкни ижарага беришни ташкил этиш ва ижарага бериш;

ижарага берилаётган давлат мулкни ва уни ижарага беришдан тушадиган маблағларни ҳисобга олиш ва мониторингини олиб бориш;

ижарага бериладиган давлат мулкни бўйича маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш;

ижара объектларидан мақсадли фойдаланилишини ва уларнинг сақланишини, шунингдек ижара тўлови ўз вақтида ва тўлиқ тўлалишини назорат қилиш;

ижарага берилган давлат мулкни ҳар чораклик асосда хатловдан ўтказиш;

фойдаланилмаётган давлат мулкни ижарага берилиши тўғрисидаги эълонларни ва ижарага берилаётган давлат мулкни рўyxатини даврий нашрларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни қўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг веб-сайтларида жойлаштириш.

Қарорнинг 3-бандига мувофиқ, давлат мулкни ижарага беришда қуйидагича тартиб белгиланди:

1) давлат мулкни юридик ва жисмоний шахсларга марказлар орқали ижарага бериш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

2) давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни қўмитаси томонидан тақдим этилган ҳамда Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган ижаранинг энг кам ставкаларини ҳисоблаб чиқиш асосида тегишли коэффициентлар белгиланган ҳолда ҳар йили 31 декабргача Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқлаш;

3) марказларнинг транзит ҳисоб рақамларига тушадиган ижара тўлови маблағларининг

---

50 фоизи тегишли бюджет даромадига, 40 фоизи – давлат мулкани балансида сақловчига ва 10 фоизи – тегишли марказга йўналтириш;

4) ижара тўлови муддатини ўтказиб юборганлик учун ундирилган пеня суммасининг ва шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жарима суммасининг 50 фоизи марказлар ихтиёрида қолади, қолган қисми эса тегишли бюджет даромадига йўналтириш.

Шундай қилиб, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий асосларини шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиб кўрсатиш мумкин:

---

– шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга доир Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

– Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг шартнома мажбуриятларини таъминлаш бўйича Конституция ва қонунларнинг ижросини таъминлашга қаратилган фармон, қарор ва фармойишлари;

– ваколатли органларнинг идоралараро ва идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари (буйруқ ёки йўриқномалар).

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2012. – Б. 11.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б. 48.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги 163-сонли ва 1996 йил 29 августдаги 256-сонли қонунлари билан тасдиқланган.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1998. – № 9. – 170-м.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2007. – № 35–36. – 355-м.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2007. – № 46–47. – 472-м.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1992. – № 1. – 45-м.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2009. – № 15. – 186-м.

**Таянч иборалар:** хўжалик юритувчи субъектлар, ижара шартномаси, шартнома маданияти, хўжалик шартномалари, шартномавий-ҳуқуқий асослар, ижара объектлари.

Мақолада хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий асослари билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва ушбу соҳани тартибга солувчи қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида таҳлил қилинади.

**Key words:** subjects of economic management, contract of lease, culture of contract, enterprise contracts, contractual-and-legal bases, objects of lease.

In the article the author analyses the relations connected with contractual-and-legal bases of the activity of subjects of economic management in accordance with the Civil Code of the Republic of Uzbekistan, the laws and other normative legal documents regulating this sector.

**Ключевые слова:** субъекты хозяйственной деятельности, договор аренды, культура договора, хозяйственные договора, договорно-правовые основы, объекты аренды.

В статье на основе Гражданского кодекса Республики Узбекистан и законов, регулирующих данную сферу, а также других нормативно-правовых актов, анализируются правоотношения, связанные с договорно-правовыми основами деятельности хозяйствующих субъектов.

В. Б. Ҳақлиев\*,  
М. Т. Тожибоев\*\*

### ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ТИЗИМИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Маълумки, мустақиллик туфайли мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари тараққиётида сифат жиҳатдан бутунлай янги ривожланиш даври бошланди. Уларнинг фаолияти тўғрисида Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек «жамиятда фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги, уларни эркин ифода этиш шароитини таъминлаш, бунда... оммавий ахборот воситалари жамиятимизда ҳақиқий «тўртинчи ҳокимият»га айланиши, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришда энг таъсирчан омил бўлиши керак. Бу, энг аввало, ҳар бир фуқаронинг ўз фикрини эркин ифода қилиш, ахборот олиш, давлат ва жамият қурилишининг ўта муҳим масалаларини муҳокама этишда фаол қатнашиш ҳуқуқини таъминлаш демакдир»<sup>1</sup>. Ҳақиқатан ҳам, оммавий ахборот воситалари жамиятдаги янгиликларни ўз вақтида ва ҳаққоний етказиш орқали демократияни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли демократик ислохотлар натижасида ахборот соҳасидаги давлат монополиясига чек қўйилди. Ўзбекистон ахборот маконида нодавлат ОАВ пайдо бўлди. 1991 йилда уларнинг сони 300 тагача бўлса, 2014 йилга келиб 1200 тадан ортиб кетди.

Ўзбекистон Президенти айтиб ўтганидек, бугун республикаимизда мавжуд барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва эллатларнинг 7 та тилида фаолият

олиб бормоқда, шунингдек босма материаллар ва телекўрсатувлар инглиз тилида ҳам тарқатилмоқда<sup>2</sup>.

Мамлакатимизда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Интернет тизимидан фойдаланувчилар сони 9 миллиондан ошиб кетди. Дунёда Интернетдан фойдаланувчилар сони 2,1 миллиард кишини ташкил этади<sup>3</sup>.

Бундан кўринадики, бугун Ўзбекистон фуқароси дунёнинг исталган нуқтасидан ахборот олиш ҳамда хоҳлаган жойига ахборот узатиш имкониятига (ҳуқуқига) эга бўлди. Бу Ўзбекистоннинг очиқ демократик жамиятга айланганлигидан далолатдир.

Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларнинг янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳам Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ қўйидаги масалаларнинг ҳал этилиши кўрсатиб ўтилди. Булар: ОАВ фаолиятини назорат қилишнинг иқтисодий механизмлари, ахборот манбаларининг ёпиқлиги, шунингдек, таҳририятларга ҳокимият органлари ва маъмурий тузилмалар томонидан бўлаётган маълум даражадаги босимларни бартараф қилиш билан боғлиқ муаммолардир.

Ўзбекистон Президенти қонунчилик ташаббуси тариқасида “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”, “Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида” қонунлар қабул қилишни таклиф

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди, доцент.

\*\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди, доцент.

этди. Ушбу қонунларнинг қабул қилиниши Ўзбекистон ОАВни янги сифат босқичига олиб чиқиши шубҳасиздир.

Юқоридаги фикрлардан кўринадики, Ўзбекистонда фуқароларнинг ахборот олиш ва узатиш ҳуқуқи, сўз эркинлигини таъминлаш учун ҳуқуқий-сиёсий имкониятлар яратилган. Аммо, айтиш жоизки, журналистларимизнинг маҳорати, фуқароларимизнинг фаоллиги замон талаблари даражасидан ортда қолмоқда. Буни айрим газета ва журналлар тиражларининг камайиб кетаётганида, фуқароларимизнинг таҳлилий матбуотдан кўра, сариқ (қора) матбуот номини олган нашрларга эҳтиёжи ортиб бораётганида кўриш мумкин. Масалан, бугун сиёсий партиялар газеталарига қараганда «Даракчи» газетаси кўпроқ оммалашган. Демак, журналистларимиз газеталарни фикрлашга ундайдиган, дунёқарашини кенгайтирадиган, уларга маънавий озуқа берадиган матбуотга қизиқишни оширишлари лозим бўлади. Бунинг учун эса фактларга оид материаллар, статистика ва қонунга суянадиган ахборотнинг тезкорлик билан тарқатилишига эришиш зарур.

Албатта, ички ишлар идоралари ходимлари холис ахборот нон, сув ва ҳаво каби инсон ҳаёти учун зарур эканлигини англашлари, ахборот суст айланадиган жамиятда тафаккур суст ишлашини унутмасликлари керак.

Жаҳон сиёсий-ижтимоий лугатидаги “XXI аср — ахборот асри”, “ахборотлашган жамият”, “очиқ жамият”, “дунё — ахборот макони”, “интернет”, “электрон почта”, “ахборот уруши”, “ахборот хуружи”, “ахборот хавфсизлиги” каби янги ибораларнинг пайдо бўлиши ана шу заруриятнинг амалий ифодасидир. Аммо, таъкидлаш жоизки, ахборот асрида ахборотга тарғибот-ташвиқот воситаси, товар, мафкуравий қурол сифатида ҳам муносабат билдирилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, бугун ахборотдан ҳар ким ўз манфаатлари йўлида фойдаланяпти. Шу боис ҳақиқатни — ёлғонга, ёлғонни эса ҳақиқатга айлантириш жараёнлари (миш-мишлар, бўхтон, уйдирмалар тарқатиш) ахборот маконида глобал муаммога айланган (2005 йилдаги Андижон воқеалари буни тасдиқлайди).

“Ғарб матбуоти — танқид қилишга, Шарқ матбуоти — олқишлашга мойил” деган бир томонлама ноҳолис ёндашув замирида ҳам, аслида, манфаатлар тўқнашуви ётибди. Айтиш жоизки, танқидга лойиқ аҳволни олқишлаш қанчалик гуноҳ бўлса, мақтовга лойиқ ҳолатни

назар-писанд этмаслик ҳам шунчалик гуноҳдир.

Концепцияда қайд этилганидек, ахборот эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантириш — демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштирокини янада тўлиқ амалга ошириш каби мақсадларга эришиш йўлидир.

Буни куйидаги рақамларда кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг нашри бўлмиш “Халқ сўзи”, “Народное слово” газеталари — 179 минг нусхага яқин чиқади, Ўзбекистон Республикаси ИИБ нашри POSTDA деяри 69 минг нусхада чоп этилади, “Правда Востока”, “Қишлоқ ҳаёти” — 10 минг тиражга эга, сиёсий партиялар газеталари (4 та газетанинг бир марталик адади 25 мингга етмайди). Бундан кўринадики, бизда биронта ҳам оммавий нашр йўқ. Бундай ҳолатнинг оқибати жиддий: *биринчидан*, мамлакат миқёсида тарқатилаётган янгиликка безътиборлик ортади; *иккинчидан*, маҳаллий аҳолининг фикрлаш даражаси, савияси пасаяди; *учинчи*, энг хавфлиси — ғоявий бўшлиқ пайдо бўлиши ёки ёт ғоя ва мафкуралар таъсири учун шароит яратилади. Аҳолининг ижтимоий пасивлашувига, жамият миқёсида кечаётган жараёнларга бепарволикнинг ортишига олиб келади. Шу боисдан ҳам республикамиз Президенти доимий равишда халқимизни бохабар бўлиш, ҳушёрликни бир сония бўлса-да бой бермасликка чақирмоқда, бугун ахборот хуружи, “мафкуравий полигон”лар ядро полигонларидан хавфлироқ, дея огоҳлантириб келмоқда. Чунки, ахборот уруши, мафкуравий курашлар айнан ОАВда содир бўляпти.

Шу ўринда биргина “Интернет”га назар солайлик. Бугун “Интернет” орқали нафақат ижобий, балки салбий мазмундаги ахборот, бузғунчи мафкуралар кириб келаётгани, террорчилар Интернет саҳифаларини эгаллашга ҳаракат қилаётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Бугун аҳолининг газетхонлик, китобхонлик даражасини ошириш орқали ёшларимизда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларни Ватанга, халқимизга садоқат руҳида тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ушбу масалани ҳал қилиш учун

барча ҳуқуқий асослар, ижтимоий-сиёсий имкониятлар яратилган. Ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам бундай имкониятлардан фойдаланишларини давр тақозо этмоқда. Ўзбекистонда аҳолининг саводхонлик даражаси қарийб 100 фоизга тенг. Бу кўрсаткич дунё бўйича 30–40%ни ташкил этади. Ривожланган мамлакатларда 90% дан ортиқ. Демак, гап аҳолининг саводхонлигида эмас, балки ОАВ вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, ўқитувчилар, олим ва зиёлиларнинг ўз вазифасига масъулият билан муносабатда бўлишидадир.

Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 2011 йилда очилган республика «Маърифат» марказида 6,5 миллион дона китоб сақланмоқда. Бугун ҳашаматли замонавий кутубхонанинг ташкил этилиши ҳам, аслида, китобхонликни тарғиб қилишнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини англатади.

Маълумки, ахборот-коммуникация технологиялари асосида маълумотларни масофадан узатиш жараёни телекоммуникацияни билдиради. Концепцияда қайд этилганидек, «Ўзбекистонда кейинги йилларда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга»<sup>4</sup>. Юртимиздаги телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар Интернет глобал тармоғи орқали реал вақт режимида жаҳонга узатилмоқда.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳри ва мамлакатимизнинг барча ҳудудларида рақамли телевидениени изчил ва босқичма-босқич жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда. 2012 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидениега техник ва технологик ўтиш бўйича давлат дастури тўғрисида” қарор қабул қилинди. Мазкур қарорга биноан республикада рақамли телевидениега икки босқичда ўтиш (1-босқич – 2012-2015, 2-босқич – 2016-2017 й.) мўлжалланган бўлиб, 2017 йил охиригача мамлакат аҳолиси рақамли телевидение хизматларига тўлиқ ўтади. Бугунги кунда телекоммуникация ва коммунал хизматлар учун тўловларни Интернет орқали тўлаш мумкин.

“Мамлакатимиз аҳолисининг 45 фоиздан зиёдини рақамли телевидение билан қамраб олишни кўзда тутадиган 5 та рақамли телевидение узатгични Жиззах, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда”<sup>5</sup>.

Глобаллашув шароитида ОАВнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, “бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио, телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмақда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз”<sup>6</sup>.

Республика ички ишлар органлари аҳоли орасида ҳуқуқий тарғибот ишларини кенг кўламда олиб бормоқда. Жумладан, ички ишлар идоралари томонидан ўтган йил давомида катта ҳажмдаги ҳуқуқий тарғибот тадбирлари амалга оширилган. Жумладан, оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, газета ва журналлар) орқали қилинган ҳуқуқий тарғиботлар – 27858 тани, ўтказилган (давра суҳбатлари, семинарлар, конференциялар), оғзаки ҳуқуқий тарғиботлар – 26658 тани, дарслик, ўқув ва ўқув-услугий қўлланма, рисола, савол-жавоб шарҳловчи қўлланмалар орқали ёзма ҳуқуқий тарғиботлар – 274 тани, кўргазмали ҳуқуқий тарғиботлар – 1304 тани ташкил қилган.

ИИВ Академияси томонидан 2013 йилнинг 11 ойи мобайнида қуйидаги ҳажмдаги ҳуқуқий тарғибот тадбирлари амалга оширилган: оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, газета ва журналлар) орқали қилинган ҳуқуқий тарғиботлар – 281 та, ўтказилган (давра суҳбатлари, семинарлар, конференциялар), оғзаки ҳуқуқий тарғиботлар – 1734 та, дарслик, ўқув ва ўқув-услугий қўлланма, рисола, савол-жавоб шарҳловчи қўлланмалар орқали ёзма ҳуқуқий тарғиботлар – 231 та,

---

кўргазмали ҳуқуқий тарғиботлар – 9 та. Оммавий ахборот воситалари ижтимоий фикр ва ҳуқуқий маданиятни шакллантирувчи демократик институт бўлгани учун ҳам уларнинг бу борадаги фаолиятини кучайтиришни даврнинг ўзи тақозо этади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, жамиятни тирик организм деб тасаввур қилсак, ОАВни қон томирларига, ахборотни эса мана шу қон томирларида тўхтовсиз ҳаракатда бўладиган қонга ўхшатиш мумкин. Замонавий инсоннинг маънавий-мафкуравий, фуқаро сифатидаги тириклиги, соғломлиги унинг холис ахборот билан нечоғли таъминланганлигига боғлиқ. Бундай шароитни мамлакатдаги ички ахборот макони яратади. Республикамиздаги оммавий ахборот воситаларга телевидение, радио, газета, журнал, уяли телефон, факс ва бошқаларни киритиш мумкин.

---

Шу ўринда табиий савол туғилади: Ўзбекистон ОАВ салкам 30 миллионлик аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондира оляптими? Ҳозирда аҳолининг аксарият қисми ахборотни асосан телевидение ва радиодан олади. Мустақиллик йилларида газеталар сони ортгани ижобий ҳол, аммо улар ички ва ташқи ахборотга бўлган эҳтиёжни қондириш даражасида эмас.

Жаҳонда интеграция жараёнлари кучайиб, кундалик ҳаётга компьютер технологиялари ва Интернет тизими кенг жорий этилаётган бугунги шароитда чет тилларни пухта билмасдан ва эгалламасдан туриб келажакни қуриб бўлмаслигини барчамиз яхши англаб олмоқдамиз. Шунинг учун ҳам, жамият барча соҳалари қатори ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида ҳам ОАВнинг ўрни ва ролини кучайтириш давр талабидир.

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т., 2000. – Б. 334.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б. 30.

<sup>3</sup> Ўзбекистон овози. – 2012. – 9 фев.

<sup>4</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б. 30.

<sup>5</sup> 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2014.– 20 янв.

<sup>6</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т., 2008. – Б. 114.

**Таянч иборалар:** трансмиллий жиноятчилик, наркобизнес, хавф-хатар, таҳдид, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шахсий таркиб, оммавий ахборот воситалари, «тўртинчи ҳокимият», фикрлар хилма-хиллиги, интернет.

Мақолада оммавий ахборот воситаларининг ички ишлар органлари тизимидаги ўрни ва аҳамияти, шунингдек ички ишлар органлари ходимларининг ОАВ билан ҳамкорлигига оид айрим муаммолар ёритилган.

**Key words:** transnational offences, drug business, threat, law enforcement bodies, enlisted personnel, mass media, «the fourth power», pluralism, internet.

The article deals with the role and importance of mass media in in the system of the organs of internal affairs and some problems of cooperation of the workers of internal affairs with mass media.

**Ключевые слова:** транснациональные преступления, наркобизнес, угроза, правоохранительные органы, личный состав, средства массовой информации, «четвертая власть», плюрализм, интернет.

В статье рассматриваются место и значение средств массовой информации в системе органов внутренних дел, а также некоторые проблемы сотрудничества работников органов внутренних дел со средствами массовой информации.

Д. М. Миразов\*

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА СУРИШТИРУВ:  
ҲОЛАТИ, МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ**

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг янги моделини шакллантириш, ҳаётга татбиқ этиш, ушбу органларнинг фаолияти самардорлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилган ислохотлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган ҳокимиятлар бўлиниши принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойлардаги давлат органларининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларини аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлаш механизмининг яратилишига хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бу борада амалга оширилган ишлар хусусида «Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир»<sup>1</sup>, – деб таъкидлагани бежиз эмас.

Жиноят-процессуал фаолият давомида жиноят процессининг мақсадларига эришишни таъминловчи бир қанча ҳуқуқий механизмлар мавжуд бўлиб, улар жиноят-процессуал фаолиятнинг амалга оширилиш тартиби, шакли ва мазмунини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал-кодексининг 9-бўлимига мувофиқ, судга қадар иш юритув босқичининг таркибига жиноят ишини кўзғатиш, суриштирув ва дастлабки тергов киритилган. Шу билан бирга процессуал адабиётларда турли фикрларни учратиш мумкин. Жумладан, профессор З.Ф.Иноғомжонова

ва доцент Г.З.Тўлаганова: «...ишларни судга қадар юритиш суриштирув ва дастлабки терговдан иборат»<sup>2</sup> деб фикр юритган бўлсалар, доцент А.Х.Раҳмонқулов «Дастлабки тергов босқичининг шаклларида суриштирув ва дастлабки тергов киради»<sup>3</sup>, – деб таъкидлайди. айнан шунга яқин фикрлар Б.Б.Хидоятлов ва Ш.Ф.Файзиёвлар томонидан ҳам билдирилган<sup>4</sup>. Шу билан бирга, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси нормаларида суриштирув дастлабки терговнинг шакли эканлиги ҳақида тўғридан-тўғри кўрсатма ёки талаб йўқ. Юқорида номлари зикр этилган муаллифларнинг фикри ЖПК 345-моддасининг 1-қисмида келтирилган барча жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ўтказилиши шартлигини белгиловчи императив қоидадан келиб чиққан ҳолда баён этилган.

Умуман олганда, суриштирув ЖПКнинг 38-моддасида келтирилган органлар ва мансабдор шахсларнинг қонун нормасига асосан уларнинг суриштирувга тегишлилигини белгилаш қоидаларидан келиб чиққан ҳолда кўзғатилган жиноят ишлари бўйича амалга оширадиган процессуал фаолиятидир. Суриштирувнинг процессуал хусусиятга эгаллиги ЖПКнинг 343-моддасида келтирилган бўлиб, унга мувофиқ суриштирув органлари жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик; далилларни тўплаш ва сақлаш; жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш; жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритишдан иборат фаолияти<sup>5</sup> эканлиги билан белгиланади.

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси катта илмий ходимлар-изланувчилар институти катта илмий-ходим изланувчиси, юридик фанлар номзоди, доцент

---

ЖПК 38-моддаси 1-қисмининг 1-бандида суриштирув органлари қаторига «милиция» киритилган бўлиб, модданинг бошқа тўққизта бандида келтирилган органларнинг қандай тоифадаги жиноятлар юзасидан суриштирувни амалга ошириши аниқ кўрсатилган бўлса-да, милиция томонидан суриштирув ўтказиладиган жиноятлар тоифаси белгиланмаган. Мантиқий тарзда мулоҳаза юритиш орқали бошқа суриштирув органлари томонидан суриштирув олиб бориладиган жиноятлардан ташқари барча жиноятлар юзасидан суриштирув милиция томонидан амалга оширилиши мумкинлиги ҳақида хулоса қилишимиз мумкин.

«Милиция» сўзи негизда бугунги кунда мамлакатимиз Ички ишлар вазирлиги тизимидаги органлар тушунилиши эътироф этилган. Лекин ЖПК 38-моддаси 1-қисмининг 4-5-бандларида Ички ишлар вазирлиги тизимига тааллуқли бўлган «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошлиқлари, қамоқ тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларининг, жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов ҳибсхоналари ҳамда турмаларнинг бошлиқлари» ва «давлат ёнғиндан назорат қилиш органлари»нинг киритилганлиги масалани янада мураккаблаштиради. Шу билан бирга, ушбу ҳолат ички ишлар органларининг қайси соҳавий хизматлари ва ходимлари суриштирув органи ёки суриштирувчи мақомига эгаллиги маъхумлигига олиб келади.

Агар ЖПК 339-моддасининг 2-қисмида келтирилган «Ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати, давлат божхона хизмати органлари ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари бу мақсадда тезкор-қидирув чораларини ҳам кўришга ҳақли» эканлиги тўғрисидаги нормадан келиб чиқадиган бўлсак, унда милиция термини негизда ички ишлар органларининг жиноят-қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашувчи бўлинмаларини тушуниш лозим. Лекин ички ишлар идораларининг давлат йўл

ҳаракати хавфсизлиги хизмати таркибидаги йўл-транспорт ҳодисалари юзасидан суриштирув ўтказувчи мансабдор шахслар, милиция таянч пунктлари профилактика инспекторларининг жиноятлар ҳақидаги ишлар бўйича терговга қадар текширув ўтказиш ва суриштирув олиб бориш, ярашув, амнистия актини қўллаш учун тегишли мансабдор шахсга юбориш фаолияти эътибордан четда қолади. Бундан келиб чиққан ҳолда ЖПКнинг 38-моддасида келтирилган «милиция» терминининг негизда ички ишлар органларининг барча хизматларини эмас, балки жиноят-қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашувчи бўлинмалари ва уларнинг юқори турувчи органлари, давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг йўл-транспорт ҳодисалари юзасидан суриштирув ўтказиш бўйича суриштирувчилари, милиция таянч пунктлари профилактика инспекторларини тушуниш кераклиги маълум бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан баён этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»га мувофиқ ишлаб чиқилган ва 2013 йил 25 декабрдан кучга киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуни<sup>9</sup>нинг 11-моддасига кўра, «Суриштирув ва тергов органлари иш юритишда бўлган жиноят ишлари бўйича тезкор-қидирув тадбирлари тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 43-бобида назарда тутилган терговга тегишлиликка мувофиқ ўтказилади».

Бу эса ички ишлар органларида ўтказилаётган суриштирув ва тезкор-қидирув фаолиятининг ўзаро номувофиқлигидан далолат беради ва жиноят ишлари бўйича терговга қадар текширув ва суриштирув ўтказишда бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Ички ишлар органларининг раҳбарлари, жиноят-қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш ва тергов бўлинмаларининг ходимлари орасида ўтказилган социологик сўровларимиз натижаларига кўра, уларнинг аксарияти



суриштирув деганда жиноят ҳақидаги ариза ва хабар юзасидан жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатишни рад этишга қаратилган фаолиятни тушуниши маълум бўлди. Бу эса амалиёт ходимлари суриштирувнинг моҳияти ва вазифаларини, ЖПКда белгиланган тартибни етарли даражада тушунмасликлари ҳақидаги фикрга асос бўлади.

Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «...шуни очиқ-ойдин тан олиш лозимки, бу соҳада эришилган ижобий натижаларга қарамай, суд-ҳуқуқ соҳасида ҳамон эски тизимнинг асоратлари сезилмоқда. Аниқроқ айтганда, суд фаолиятига оид қабул қилинган қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар умумэтироф этилган халқаро демократик тамойилларга борган сари мослаштирилаётган бўлса-да, афсуски, судьялар, прокуратура ва тергов органлари ходимлари, бир сўз билан айтганда, қабул қилинган қонунларни ҳаётга татбиқ этиши лозим бўлган кишиларнинг дунёқараши ва тафаккури анча қийинлик билан ўзгараяпти»<sup>7</sup> деган фикри жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритув, шу жумладан суриштирув жараёнини танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш ва янгитдан шакллантириш ҳақида фикр юритишга ундайди.

ЖПКнинг 330-моддасига мувофиқ, суриштирувчи жиноятга оид маълумотлар олинган ёки бундай маълумотларни бевосита ўзи аниқлаганда қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

1) жиноят ишини қўзғатиш, ўз иш юритувига қабул қилиш ва суриштирув ҳаракатларини амалга ошириш;

2) жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш;

3) ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб юбориш ҳақида.

Эътиборли жиҳати шундаки, суриштирувчининг жиноят иши қўзғатиш ёки бошқа қарори суриштирув органининг бошлиғи томонидан тасдиқланиши лозим.

Қўзғатилган жиноят иши бўйича суриштирувчи ЖПКнинг талабларига мувофиқ, жиноят изларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини, яъни сўроқ қилиш (ЖПК 96–121-м.), юзлаштириш (ЖПК 122–124-м.), кўздан

кечириш (ЖПК 135–137, 139–141-м.), гувоҳлантириш (ЖПК 142–147-м.), олиб қўйиш ва тинтув (ЖПК 157–165-м.), почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш (ЖПК 166-м.), почта-телеграф жўнатмаларини кўздан кечириш ва олиб қўйиш (ЖПК 167-м.), телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш (ЖПК 169–171-м.), экспертиза тайинлаш (ЖПК 172, 180-м), экспертиза текшируви учун намуналар олиш (ЖПК 188-193, 196–197-м) ва бошқа бир қатор процессуал ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

Жиноят иши бўйича суриштирув 10 суткадан ошмаган муддатда тамомланиши лозим ва оғир ёки ўта оғир жиноят, муайян шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш учун асослар, ишни тугатиш учун асослар аниқланган ёки терговчи ишнинг ўз юритувига берилишини талаб қилган ҳолларда суриштирув юритиш муддати ўтишини кутмасдан, суриштирувчи ишни дарҳол терговчига қарор чиқариш билан ўтказиши шарт.

Қайд этиш жоизки, мамлакатимизда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар натижасида бугунги кунда суриштирув органларининг ваколатлари кенгайтирилди, жумладан суриштирувчи ярашилганлиги муносабати билан Жиноят кодексининг 661-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни судга юбориш, терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёки жиноят ишини қайси шахсга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги масала қўйилаётган бўлса, ўша шахсининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг аризаси ҳамда амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома кириши ҳақидаги тақдимнома билан прокуратурага юбориш ваколатларига эга бўлди.

ЖПКнинг 38-моддасида белгиланган қоидалардан келиб чиққан ҳолда, бошқа суриштирув органлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бў-

линмалари – жиноят ишларини қўзғатиш, молия-иқтисодиёт, солиқ соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишларини содир этиш ҳоллари, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатлари бўйича терговга қадар текширув ва суриштирув ишларини ташкил қилиш ва олиб бориш, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари – вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлашга, суд қарорини бажармасликка, шунингдек, банд солинган мол-мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этишга доир ишлар бўйича суриштирув олиб бориш, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари – бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида, уларга туташ бўлган автомобиль воситаларини тўхташ жойларидан молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳаларида ҳуқуқни бузиш содир этилиши ҳолатлари бўйича терговга қадар текширишларни ташкил этиш ва олиб бориш, жиноят ишлари қўзғатиш, улар бўйича суриштирув ишларини амалга ошириш ваколатларига эгадирлар. Ушбу органларнинг суриштирувчилар жиноят иши бўйича суриштирувни тўлиқ равишда ўтказиб, жиноят иши бўйича кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказиб, гумон қилинувчини жиноят ишида иштирок этишга жалб қилиб, жиноят натижасида етказилган моддий зарарни қоплаш ва суд ҳукмининг мулкый ундиришлар тўғрисидаги қисми ижросини таъминлаган ҳолда жиноят ишларининг дастлабки терговини ўтказиш учун терговчига юборадилар.

Ички ишлар вазирлиги Ахборот марказининг статистик маълумотларини таҳлил қилиш ички ишлар органларининг суриштирувни ўтказишга ваколатли мансабдор шахслари томонидан жиноят ишларини қўзғатиш ҳолати деярли учрамаганлигини кўрсатади. Қўзғатилмаган жиноят иши бўйича эса суриштирувни амалга ошириб бўлмайди. Бу эса ҳозирги кунда

ички ишлар органларида амалга оширилаётган суриштирув амалдаги ЖПКнинг 42-бобида келтирилган вазифаларнинг тўлиқ ва сифатли бажарилишига хизмат қилмаётганлиги тўғрисида хулоса чиқаришга асос бўлади.

Шу билан бирга, 2001 йилда «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши улкан социал ва ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этганини ишонч билан таъкидлаш лозим. Мазкур қонунга кўра, жиноятларнинг таснифи ўзгартирилди. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди»<sup>8</sup>. Амалдаги ЖПК 13-моддасининг 1-қисмига кўра, «Жиноят кодексининг 15-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган (ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган) жиноятлар тўғрисидаги ишлар судья томонидан якка тартибда кўрилади».

Юқорида келтирилган фикрларга хулоса қилган ҳолда ички ишлар органларида суриштирувни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

*биринчидан*, ҳудудий ички ишлар органлари тизимларида суриштирув бўлимлари, бўлинмалари ва гуруҳларини ташкил этиш ва суриштирувчи лавозимларини олий юридик маълумотга эга бўлган ходимлар билан жамлаш;

*иккинчидан*, амалдаги ЖПКнинг 345-моддасига тегишли ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш ва «Жиноят кодекси 15-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича суриштирув ўтказилишини ва суриштирувчининг айблаш фикри билан судга юборилиши мумкинлигини белгилаш»;

*учинчидан*, ЖПКнинг 341-моддасига ўзгартиш киритиш ва суриштирувнинг муддатини 1 ой этиб белгилаш;

*тўртинчидан*, ички ишлар органларининг суриштирув бўлимлари томонидан жиноят-

---

қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлинмалари, милиция таянч пунктларининг профилактика инспекторлари билан узвий ҳамкорликда ишлаш ва жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарлар юзасидан қонунда белгиланган муддат ва тартибда шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка қатъий риоя этиш вазифларини юклаш зарур.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг мақсади мамлакатни янада демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган қонунчилик тизимини шакллантириш ва

ривожлантириш, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини амалда таъминлашдан иборат эканлигидан келиб чиқадиган бўлсак, юқорида келтирилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ва қонунчиликка тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси», «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»да белгиланган суд иш юритувини имкон қадар жадаллаштириш вазифасини бажаришга, мамлакатимиз Конституциясида белгиланган «инсон ҳуқуқлари – олий қадрият» ғояси амалда рўёбга чиқарилишига хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б.7–9.

<sup>2</sup> Иноғомжонова З.Ф. Тўлаганова Г.З. Жиноят процесси муаммолари: Ўқув қўлланма. – Т., 2006. – Б.160

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси: Дарслик / Б.А. Миренский А.Х. Раҳмонқулов, В.В. Кадилова ва бошқ. – Т, 2012. – Б.323–324.

<sup>4</sup> Хидоятлов Б. Б. Дознание в Республике Узбекистан. –Т., 2005. – Б.105; Файзиев Ш. Ф. Жиноят процессида суриштирув. – Т., 2006. – Б. 310; Fayziyev Sh. Surishtiruvni tashkil etish: O'quv qo'llama. – Т., 2010. – В. 338.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т., 2013.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни // Халқ сўзи. – 2012. – 26 дек.

<sup>7</sup> Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т., 2002. – Б. 32–33.

<sup>8</sup> Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б.7–9.

**Таянч иборалар:** конституция, жиноят-процессуал кодекс, инсон ҳуқуқлари, ички ишлар органлари, суриштирув, суриштирув органи, дастлабки тергов, жиноят ишини қўзғатиш, милиция, ваколатли орган.

Мақолада ички ишлар органларида суриштирув, уни процессуал тартибга солиш муаммолари, унинг ҳозирги ҳолати ва такомиллаштириш йўналишлари тадқиқ этилган, суриштирув жараёнини қонун билан тартибга солишга оид таклиф ва тавсиялар берилган.

**Key words:** constitution, criminal procedure code, human rights, organs of internal affairs, inquiry, organs of inquiry, preliminary investigation, institution of a criminal action, militia, an authorized organ.

The article deals with inquiry in the organs of internal affairs, its procedural regulation, present conditions, problems and prospect of its improvement. Proposals and recommendations on legislative regulation of the process of inquiry are put forward.

**Ключевые слова:** конституция, уголовно-процессуальный кодекс, права человека, органы внутренних дел, дознание, органы дознания, предварительное следствие, возбуждение уголовного дела, милиция, уполномоченный орган.

В статье исследуются проблемы дознания в органах внутренних дел, его процессуальной регламентации, анализируется современное состояние и направления ее совершенствования, а также даны предложения и рекомендации по законодательному урегулированию процесса дознания.

---

---

*Р. Т. Рашитходжаев\**  
*Р. Н. Рахимхўжаев\*\**

## **ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНING АСОСЛАРИ ВА ШАРТЛАРИ**

Юртимизда қабул қилинган ва қабул қилинаётган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, умуман, бугун бизнинг амалий ҳаётимизда қилаётган барча-барча ишларимиз мамлакатимизни ривожлантириш ва модернизация қилиш суръатларини қай даражада жадал таъминлаб бераётгани, бизнинг ўз олдимизга қўйган бош мақсадимизга, яъни Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишидек буюк мақсадга қанчалик яқинлаштираётганини англаш ва баҳолаш биз учун айниқса муҳимдир<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги туб ислоҳотлар, албатта, Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган давлатлар қаторидан жой эгаллашига қаратилган бўлиб, бундай ислоҳотлар суд-ҳуқуқ тизимида ҳам изчиллик билан амалга оширилмоқда. Жумладан, Президент Ислон Каримов 2010 йил 12 ноябрь кундаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш принциплари, асослари, шакл ва услублари, уни олиб борадиган органлар тизимини белгилаб берадиган<sup>2</sup> қонунни қабул қилишга алоҳида эътибор қаратган эди. Шундан сўнг тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солиш мақсадида 2012 йил 25 декабрь кунини қабул қилинган «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши бунинг яққол мисоли бўла олади.

Маълумки, ички ишлар идораларининг тезкор ходимлари амалий фаолиятида зиммаларига юклатилган вазифаларни тўлиқ бажаришда тезкор-қидирув тадбирларидан фойдаланадилар. Қонунда тезкор-қидирув тадбирларидан фойдаланишнинг асослари, шу билан

бирга тадбирларни амалга оширишда риоя этилиши мажбурий бўлган шартлар аниқ белгилаб қўйилган. Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун асослар<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 15-моддасида келтирилган. Таъкидлаш жоизки, қонун чиқарувчи орган уларни икки гуруҳга ажратган, ушбу гуруҳлар мазкур модданинг турли қисмларида баён этилган. Яъни:

– жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга барҳам бериш ва уларни фож этиш, шунингдек жиноятларни тайёрлаш ва содир этишга дахлдор бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда топиш, суриштирув, тергов идораларидан ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлаётган шахсларни, беда-рак йўқолган шахслар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларни қидиришни амалга ошириш, шунингдек таниб олинмаган мурдаларнинг шахсини аниқлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солаётган шахслар, ҳодисалар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ҳақида ахборот тўплашга бевосита йўналтирилган тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилиши учун асослар 15-модданинг 1-қисмида;

– айрим шахсларнинг давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлардан фойдаланиши ёхуд ўта муҳим ва тоифаланган объектларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ ишларга, тезкор-қидирув фаолиятида иштирок этишга ёки ушбу фаолиятни амалга ошириш натижасида олинган материаллардан фойдаланишига рухсат бериш тўғрисида ҳамда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи идораларга махфийлик асосида кўмаклашаётган шахслар билан ҳамкорлик ўрнатиш тўғрисида ёки

---

\* Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси тезкор-қидирув ҳуқуқи кафедрасининг катта ўқитувчиси.

\*\* Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси тезкор-қидирув ҳуқуқи кафедрасининг ўқитувчиси.

бундай ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ҳақида қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларни тўплашга қаратилган тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилиши учун асослар 15-модданинг 2-қисмида кўрсатилган.

*Биринчи гуруҳга* ҳар қандай тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун еттита асос киради.

Тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилиши учун биринчи асос (*жиноят ишининг мавжудлиги*)<sup>4</sup> келтирилган. Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунда ушбу асос жиноят содир этган шахснинг топилиши ҳолати билан ҳам, жиноят ишини ким (суриштирув идораси ёки терговчи) қўзғатганлиги билан ҳам ва кимнинг юритувида эканлиги билан ҳам боғланмаган, бироқ жиноят-процессуал қонунчиликда бунга айрим чекловлар қўйилган.

Жиноят ишининг мавжудлиги икки ўхшаш вазиятда тезкор-қидирув чоралари кўрилиши учун асос бўлиши мумкин:

– суриштирув идоралари юритувида бундай иш мавжуд бўлганида;

– терговчининг юритувидаги жиноят иши бўйича жиноят содир этган шахс топилмаганида.

Биринчи вазият учун жиноят содир этган шахснинг топилиши муҳим эмас. Суриштирув органлари ўзларининг юритувидаги ҳар қандай жиноят иши бўйича тезкор-қидирув тадбирлари ўтказишлари мумкин. Иккинчи вазият учун айбдор шахснинг аниқланмаганлиги ҳолати аҳамиятлидир.

Тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилиши учун иккинчи асос – *суриштирув, тергов идораларининг ёзма топшириғи, прокурорнинг кўрсатмаси ва топшириғи*<sup>5</sup>.

Тезкор-қидирув тадбири ўтказилиши ҳақидаги ёзма топшириқ жиноят процесси ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи идоралар ҳамкорлигининг процессуал шакли сифатида, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 36-моддаси 1-қисмига мувофиқ, терговчи ўз юритувида қабул қилган ишлар бўйича суриштирув идораларига қидирув ва тергов ҳаракатларини бажариш тўғрисида ёзма топшириқлар бериш<sup>6</sup> ваколатига эга.

Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказувчи идораларга берилган топшириқ ва кўрсатмаларда муайян тезкор-қидирув тадбирларининг ўтказилиши, уларнинг ўтказилиш жойи, вақти

ва тактикаси ҳақида кўрсатмалар бўлмаслиги лозим. Ушбу масалаларнинг ҳаммасини тезкор ходимлар мустақил равишда ҳал қиладилар. Бундай топшириқларнинг бажарилиши тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи идораларнинг вазифаси ҳисобланади.

Суриштирув идоралари ва прокурорнинг тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилиши ҳақидаги топшириқларига келганда шуни инобатга олиш зарурки, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида уларнинг бундай ҳуқуқи белгиланмаган. Бироқ тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ваколати берилмаган суриштирув идораларида бундай эҳтиёж юзага келиши мумкин. Ушбу ҳолда аналогия принципдан фойдаланиб, терговчининг тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш ҳақидаги топшириқ бериш ҳуқуқини суриштирувчининг ваколатига ҳам киритиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Жиноят иши тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ваколати берилган суриштирув идораси томонидан юритилаётган ҳолларда тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш ҳақидаги қарорни у ўз ихтиёри бўйича қабул қилади.

Тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилиши учун учинчи асосни – *агар жиноят иши қўзғатиш учун етарли асослар бўлмаса, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи идораларга жиноятларни тайёрлаш, содир этиш аломатлари тўғрисида, шунингдек жиноятларни тайёрлашга ёки содир этишга дахлдор шахслар ҳақида аён бўлиб қолган маълумотлар*<sup>7</sup> ташкил этади. Қонунда улар сирасига, аввало, жиноятга тайёргарлик кўриляётгани, жиноят содир этиляётгани, шунингдек, жиноят иши қўзғатиш учун етарли асослар бўлмаганида жиноятларни тайёрлаш ва содир этишга алоқадор шахслар ҳақидаги маълумотлар киритилган.

Бундай маълумотлар, аввало, фуқаролардан, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларидан расмий йўллар бўйича келиб тушаётган жиноятлар ҳақидаги оғзаки ва ёзма хабарлар ҳамда аризаларда мавжуд бўлади, шунингдек жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида жиноят иши қўзғатиш учун асос сифатида баҳоланади.

Келиб тушган ариза ва хабарларда ҳар доим ҳам жиноят аломатларини кўрсатувчи етарли маълумотлар бўлмайди ва уларни олиш учун тезкор-қидирув тадбирлари ўткази-

лиши мумкин. Хабар ва аризалар ички ишлар идоралари навбатчилик қисмининг келиб тушган ариза, хабар, маълумотларни рўйхатга олиш бўйича тегишли китоб ҳамда журналларида қайд этилади.

Содир этилган жиноятлар ҳақидаги расмий ариза ва хабарлардан ташқари, ички ишлар идораларига бошқа маълумотлар ҳам келиб тушади:

– даволаш муассасаларидан жиноий хусусиятга эга жароҳатлари бор фуқаролар келгани ҳақидаги хабарлар;

– фуқароларнинг жиноий ҳолатларда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини йўқотгани ҳақида;

– оммавий ахборот воситаларидаги мақолалар;

– ички ишлар идоралари ходимларининг бевосита ўзлари дуч келган ёки аниқлаган ҳодисалар ҳақидаги билдиргилари ҳамда айрим бошқа хабарлар.

Улар юзасидан тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш орқали мажбурий текширув амалга оширилади.

Ички ишлар идораларига келиб тушадиган аноним хабарлар навбатчилик қисмларида қайд этилмайди, балки текшириш ва жиноятларни тўхтатиш ҳамда уларни фош этишда фойдаланиш учун тезкор бўлинмаларга топширилади. Бундай хабарлар, агар уларда жиноятга тайёргарлик кўриляётгани ёки жиноят содир этиляётгани ҳақида сўз юритилётган бўлса, тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш учун асос сифатида бошқа хабарлар билан бир қаторда кўриб чиқилиши лозим.

Тайёргарлик кўриляётган ёки содир этилган жиноят белгилари ҳақидаги маълумотлар тезкор аппаратларнинг ўз ташаббуслари билан ўтказган излов ишлари натижаларида ҳам олинishi мумкин. Ташаббускор тезкор излов ишлари латент жиноятларни аниқлаш мақсадида ўтказилади. Бундай жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарлар одатда расмий йўллар бўйича келиб тушмайди.

Жиноий фаолият белгилари ҳақидаги маълумотларнинг турларидан бири ички ишлар идораларига кўмаклашувчи шахслардан олинадиган маълумотлардир. Бундай маълумотлар ҳам тегишли журналларда қайд этилади, тезкор аппаратлар раҳбарларига хабар қилинади ва идоравий норматив ҳужжатларда белгиланган тартибда текширилади.

Тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилиши учун тўртинчи асос – *шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солувчи шахслар, ҳодисалар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ҳақидаги ахборотнинг мавжудлиги*<sup>8</sup>дир. Яна бир асосни *тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга суриштирув, тергов органларидан, суддан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товляётган шахслар, бедарак йўқолган шахслар фуқаролар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган холларда, бошқа шахслар тўғрисида, шунингдек топилган таниб олинмаган мурдалар ҳақида аён бўлиб қолган маълумотлар*<sup>9</sup> ташкил қилади.

Суриштирув, тергов идоралари ва суддан яшириниб юрган ёки жиноий жазони ўташдан бўйин товляётган шахслар ҳақидаги, айбланувчини қидириш ҳақидаги қарорларда, қидирув топшириқлари, тезкор-маълумотнома ҳисобларида бўлиши эҳтимол тутилган маълумотлар, шунингдек бошқа манбалардан олинган ахборот тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилиши учун асос бўлувчи маълумотлар турларидан бири деб ҳисобланиши лозим.

Тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилиши учун асос бўлиб фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг ариза ва хабарларида келтирилиши мумкин бўлган бедарак йўқолган шахслар шунингдек топилган шахси номаълум жасадлар ҳақидаги маълумотлар хизмат қилиши мумкин.

Бундай маълумотлар фуқаролардан, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларидан расмий йўллар бўйича келиб тушаётган қидириляётган жиноятчилар ва бедарак йўқолган шахсларнинг жойлашган ери ҳақидаги оғзаки ва ёзма хабар ҳамда аризаларда мавжуд бўлиши мумкин. Ушбу маълумотлар тегишли тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилиши учун асос ҳисобланади.

Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун олтинчи асос *Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида келиб тушган жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик қилиш ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалаларига оид талабномалардир*<sup>10</sup>. Бундай талабномаларнинг бажарилиши тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи идораларнинг мажбурияти ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотларига, аввало, Ўзбекистон аъзо бўлган

Жинойят полицияси халқаро ташкилоти – Интерпол киради. Талабномалар бевосита Интерполнинг Бош котибиятидан, Интерполнинг миллий бюросидан ёхуд хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларида аккредитациядан ўтган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакилларида келиб тушиши мумкин.

Бундай талабномалар бўйича фақат прокурор қарорини талаб этмайдиган тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилиши мумкин. Фуқароларнинг ёзишмалар сири, телефон сўзлашувлари сири, шунингдек турар жойлари дахлсизлиги ҳуқуқини чекловчи тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш зарур бўлганида Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунида назарда тутилган тартибда тадбир ўтказиладиган ҳудуд бўйича прокурор санкциясини олиш лозим.

Тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилиши учун охириги асос – *тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи бошқа органларнинг сўровлари*<sup>11</sup>. Сўровномалар худди шу идоранинг тезкор бўлинмаларидан ҳам, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи берилган бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмаларининг тегишли хизматларидан ҳам берилиши мумкин.

Бошқа тезкор аппаратларнинг тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақидаги сўров (талабнома)лари ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тегишли даражадаги идора раҳбари томонидан имзоланган бўлиши лозим. Агар тезкор-қидирув тадбири тегишли мансабдор шахс қарори ёки суд қарори чиқарилишини талаб этса, у ҳолда барча зарур ҳужжатлар сўров билан бирга юборилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуни 15-моддасининг иккинчи қисмида унда бевосита кўрсатилмаган вазифаларни бажаришга қаратилган, аммо ёрдамчи, таъминловчи функцияни бажарадиган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун **асослар** белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуни 15-моддасининг иккинчи қисмида санаб ўтилган қарорларни қабул қилиш учун зарур маълумотларни тўплашни айрим муаллифлар тезкор-текширув иши деб атайдилар, «Давлат

сирларини сақлаш тўғрисида»ги қонунда эса бу ибора текширув тадбирлари деб аталган. Текширув тадбирларини ўтказишдан кўзланган мақсад мансабдор шахс ёки фуқарога тегишли рухсатнома бериш ҳақида қарор қабул қилишни рад этиш учун асосларни аниқлашдир.

Тезкор-қидирув қонуни ҳужжатларида ваколатли идоралар фақат ахборотни тўплаш усуллари билангина чекланиб, тўпланадиган маълумотларнинг ҳажми ва турлари ҳақида сўз юритилмаган. Текширув тадбирларини ўтказишда фуқароларнинг ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, телеграф ва бошқа хабарларининг сир тутилиши, шунингдек турар-жойининг дахлсизлигидек конституциявий ҳуқуқини чеклаш билан боғлиқ тўртта тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш тақиқланади. Мазкур чеклов тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасидаги вазифаларни бажаришга тааллуқли эмас, бунинг учун тезкор-қидирув тадбирларининг бутун мажмуи амалга оширилиши мумкин.

Тезкор-қидирув фаолиятида иштирок этишга рухсат бериш ёки уни амалга ошириш натижасида олинган материаллар билан танишишга рухсат бериш ҳақида, шунингдек ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилиши ҳақида қарор қабул қилинишига асос бўладиган маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг тезкор бўлинмалари тўплайдилар. Тўпланадиган маълумотлар ҳажми ва тури идоравий норматив ҳужжатларда белгиланади.

Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш **шартлари** деганда, қонунда белгиланган ҳамда бир томондан, хусусий ҳаётининг дахлсизлиги ҳуқуқига эга бўлган шахс манфаатлари билан, бошқа томондан жиноятчиликка қарши самарали курашишдан манфаатдор жамиятнинг манфаатлари ўртасида мувозанатни таъминловчи принцип ва қоидалар мажмуини тушуниш лозим.

Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишнинг асосий шартлари Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 16-моддасида белгилаб қўйилган.

Чунончи, фуқароларнинг ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувларни олиб бориши, почта жўнатмалари, телеграф хабарлари ҳамда алоқа каналлари

---

бўйича узатиладиган бошқа хабарлари сир тутилишига, шунингдек, турар жойнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқларини чекловчи тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун алоҳида шартлар назарда тутилган. Бундай тезкор-қидирув тадбирларининг ўтказилишига фақат прокурор санкцияси асосида рухсат этилади.

Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш чоғида фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклаш ҳақидаги материалларни кўриб чиқиш тартиби «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасида назарда тутилган. Унга кўра ёзишмалар, телефон ва бошқа қурилмалар орқали олиб бориладиган сўзлашувлар, почта жўнатмалари, телеграф ҳамда алоқа каналлари бўйича узатиладиган бошқа хабарларнинг сир тутилиши, шунингдек турар жой дахлсизлиги ҳуқуқини чеклайдиган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақидаги материаллар тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи ва уни ўтказиш ҳақида илтимоснома берувчи идора жойлашган ҳудуддаги прокурор томонидан кўриб чиқилади. Айрим ҳолларда прокурорнинг бундай тадбирларни ўтказиш ҳақидаги материалларни улар ўтказиладиган жойда кўриб чиқилишига йўл қўйилади.

Фуқароларнинг ҳуқуқларини чекловчи тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилиши ҳақидаги масалани прокурор томонидан ҳал қилиш учун асос бўлиб, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ваколати берилган идора раҳбарларидан бирининг асослантирилган қарори ҳисобланади. Прокурор талабига кўра унга тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш асосларига оид бошқа материаллар ҳам берилиши мумкин, аммо давлат сирини ташкил этувчи маълумотлар бундан мустасно.

Прокурор унга тақдим этилган материалларни кўриб чиқиш натижасида тегишли тезкор-қидирув тадбири ўтказилиши учун санкция беради ёхуд унинг ўтказилишини асослантирган ҳолда рад этади, бу ҳақда қарорда кўрсатиб ўтади.

Фуқароларнинг ҳуқуқларини чекловчи тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилишининг умумий қоидаларида кечиктириб бўлмайдиган ҳамда оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолларда истиснолар мавжуд. Бундай вазиятларда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи идора раҳбарининг асослантирилган қарори асосида прокурор рухсати талаб

этиладиган тезкор-қидирув тадбирларини унга 24 соат ичида хабар бериш шarti билан ўтказишга йўл қўйилади.

Давомли тезкор-қидирув тадбири ўтказилган тақдирда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи идора у бошланган пайтдан бошлаб 24 соат ичида бундай тадбир ўтказилиши учун прокурорнинг рухсатини олиши ёхуд тадбир ўтказилишини тўхтатиши шарт.

Айрим тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилишининг юридик шартлари орасида Тезкор-қидирув қонуни ҳужжатларида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи идора раҳбари томонидан тасдиқланадиган қарор чиқарилиши назарда тутилган. Масалан, текшириш учун харид қилиш, назорат остида олиш, тезкор кузатув, тезкор киритиш, Ўзбекистон Республикасининг ичкарасида амалга ошириладиган назорат остида етказиб бериш, ниқобланган операциялар, тезкор эксперимент юқоридаги қарор асосида ўтказилиши лозим. Бунда текшириш учун харид қилиш, назорат остида олиш ва назорат остида етказиб бериш прокурор билан албатта келишилган ҳолда ўтказилади.

Предметларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтишга (олиб кириш, олиб чиқиш, транзит) йўл қўйиладиган назорат остида етказиб бериш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилган ҳолда ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида амалга оширилади.

Турар жойларни ва бошқа жойларни, бинолар, иншоотларни, жойнинг участкаларини, транспорт воситаларини текшириш, тезкор кузатув, алоқанинг техник каналларидан ахборот олиш, ахборот олишнинг бошқа техник воситаларини қўллаш ҳамда почта жўнатмаларини, телеграф хабарларини ва бошқа хабарларни назорат қилиш, телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш, агар шахс, жамият ва давлат манфаатларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишни таъминлаш учун ҳақиқий маълумотларни бошқа йўл билан олиш имкони бўлмаса, истисно чоралар сифатида амалга оширилади.

Адабиётларда тезкор-қидирув тадбирларининг турли таснифларини учратиш мумкин, уларга хилма-хил белгилар асос қилиб олинади. Бироқ бунинг учун тегишли рухсат-



---

нома олиш зарурлиги шартига асосланган тасниф жуда муҳимдир. Қонунда белгиланган рухсат ва санкция бериш субъектларини инобатга олган ҳолда барча тезкор-қидирув тадбирларини шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- ўтказиш учун алоҳида рухсат талаб қилинмайдиган тезкор-қидирув тадбирлари;
- тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи идора раҳбарининг қарори асосида ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирлар;
- прокурорнинг санкцияси асосида ўтказиладиган тадбирлар.

---

Мазкур тасниф бошқа кўплаб таснифлар сингари муайян шартли хусусиятга эга, чунки айрим тезкор-қидирув тадбирлари бир хил асос билан айна вақтнинг ўзида, ўтказилиш тактикаси ва улар қаратилган объектга кўра, турли гуруҳларга киритилиши мумкин.

Ўзининг шартлилигига қарамай, тезкор-қидирув тадбирларининг таклиф этилаётган таснифи уларнинг ўтказилиш шартларини чуқурроқ англашга имкон беради. Бу шартлар бир қатор бошқа муҳим омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг алоҳида турлари хусусиятларини кўриб чиқишда асос қилиб олиниши мумкин.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. Т.21. – Т., 2013. – Б. 92.

<sup>2</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б.25.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуни 15-моддаси // Халқ сўзи. – 2012. – 29 дек.

<sup>4</sup> Ўша жойда.

<sup>5</sup> Ўша жойда.

<sup>6</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т., 2012. – Б. 19.

<sup>7</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуни 15-моддаси // Халқ сўзи. – 2012. – 29 дек.

<sup>8</sup> Ўша жойда.

<sup>9</sup> Ўша жойда.

<sup>10</sup> Ўша жойда.

<sup>11</sup> Ўша жойда.

**Таянч иборалар:** тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув тадбирлари, жиноят иши, жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш, барҳам бериш, фoш этиш, суриштирув, тергов идоралари, бедарак йўқолган шахслар, давлат сири, ўта муҳим ва тоифаланган объектлар, эксплуатация, аналогия принципи.

Мақолада тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш асослари ҳамда шартлари таҳлил қилинган, ИИОларининг ТҚФини такомиллаштиришга оид таклифлар берилган.

**Key words:** operational search activity, investigation and search operations, criminal case, crime prevention, discovery, restriction, detection, inquiry, investigative bodies, missing persons, state secret, special and categorized objects, exploitation, law of assimilation.

The article deals with the grounds for holding investigations and search operations and conditions of holding such activity. The author puts forward concrete proposals on improving the operational search activity of the organs of internal affairs.

**Ключевые слова:** оперативно-розыскная деятельность, оперативно-розыскные мероприятия, уголовное дело, предупреждение преступлений, выявление, пресечение, раскрытие, дознание, следственные органы, лица, без вести пропавшие, государственная тайна, особо важные и категоризованные объекты, эксплуатация, принцип аналогии.

В статье анализируются основания для проведения оперативно-розыскных мероприятий и условия их проведения, вносятся конкретные предложения по совершенствованию оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел.

## ОДАМ САВДОСИ ОБЪЕКТИНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪРИФИ

Ҳар қандай жиноят таркибини, жумладан одам савдосини ҳуқуқий таҳлил қилиш унинг объектини аниқлашдан бошланади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятнинг объектини умумназарий жиҳатдан белгилашда «объект – ижтимоий муносабатлар» концепцияси ҳозирги вақтда устувор мавқега эга. Унга кўра, жиноятнинг объекти деганда, жиноят қонуни билан қўриқладиган, жиноят натижасида зарар етказилиши ёки зарар етказиш хавфи остида қолдириладиган ижтимоий муносабатлар тушунилади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон жиноят ҳуқуқи назариясида вертикал ҳолат бўйича, яъни қўриқладиган объектлар ҳажмига кўра, жиноят объектини таснифлаш ҳақида уч хил қараш мавжуд:

1) жиноят объекти умумий, турдош ва бевосита объектларга бўлинади<sup>2</sup>;

2) жиноят объекти умумий, махсус ва бевосита объектларга бўлинади<sup>3</sup>;

3) жиноят объекти умумий, махсус, турдош ва бевосита объектларга бўлинади<sup>4</sup>.

Биз учинчи фикрни маъқуллаймиз. Чунки, жиноят объектларининг бундай таснифи ЖКда ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, одам савдосининг объекти нуқтаи назаридан ЖК нормаларини қуйидагича тушуниш мумкин: ЖК Махсус қисми – умумий объект, ЖК Махсус қисмининг I бўлими (шахсга қарши жиноятлар) – махсус объект, ЖК Махсус қисми I бўлимининг VI боби (шахснинг овозлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар) – турдош объект, ЖК Махсус қисми I бўлими VI бобининг 135-моддаси (одам савдоси) – бевосита объект.

Биз ўтказган тадқиқот натижаларига асосланиб, шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон жиноят ҳуқуқи назариясида одам савдосининг умумий, махсус, турдош ва бевосита объектларининг таърифлари бўйича ягона тўхтамга келинмаган, уларнинг жиноий-ҳуқуқий тавси-

фига доир муаммолар етарли даражада ўрганилмаган. Шунингдек, ушбу тушунчалар айрим илмий тадқиқот ишларида анча ноаниқ таърифланиб, методологик хатога йўл қўйилмоқда.

Шу боис, одам савдоси объектининг жиноий-ҳуқуқий тавсифига доир муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш, хусусан, одам савдосининг умумий, махсус, турдош ва бевосита объектларининг мазмунини етарли даражада аниқ, тўғри ва батафсил акс эттирувчи тўлақонли таърифларини ишлаб чиқиш зарурати юзага келган.

Ҳар қандай жиноят у ёки бу ижтимоий муносабатга зарар етказди. Ижтимоий муносабатлар мажмуига кирувчи ҳамма гуруҳлар ўзаро яқин алоқада. Шунинг учун ҳам ижтимоий муносабатларнинг бир гуруҳига етказилган зарар жиноят қонунчилиги билан қўриқладиган ижтимоий муносабатларнинг бошқа яқин гуруҳларига бевосита зиён етказмаса-да, аммо муносабатлар йиғиндисига зиён етказди<sup>5</sup>. Шу боис, Ўзбекистон жиноят ҳуқуқи назариясида «барча жиноятларнинг умумий объекти жиноят қонуни билан қўриқладиган ижтимоий муносабатларнинг умумий йиғиндисидан иборат»<sup>6</sup>, деб эътироф этилган.

Фикримизча, жиноят умумий объектининг умумэътироф этилган таърифига асосланиб, жиноий тажовузлардан қўриқладиган барча ижтимоий муносабатларнинг рўйхати келтирилган ЖК 2-моддасининг нормаларидан келиб чиқиб, одам савдосининг умумий объектига қуйидагича таъриф бериш мумкин: *одам савдосининг умумий объекти* деганда, шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, мулк, табиий муҳит, тинчлик ва инсоният хавфсизлигининг дахлсизлигини таъминловчи, жиноят қонуни билан қўриқладиган, одам савдосининг содир этилиши натижасида зарар етказиладиган ёки зарар

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг катта илмий ходим-изланувчиси.

---

етказилишининг реал хавфи келиб чиқадиган ижтимоий муносабатлар тушунилади.

Ўзбекистон жиноят ҳуқуқи назариясида одам савдосининг махсус объектига аксарият муаллифлар таъриф беришмаган, айрим муаллифлар эса, анча ноаниқ таъриф беришган. Жумладан, Н.Б. Қурбоновнинг фикрига кўра, одам савдосининг махсус объектини шахснинг ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб турган унинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши қаратилган ижтимоий муносабатлар ташкил этади<sup>7</sup>.

Назаримизда, ушбу таъриф ўта жиддий танқидга сабаб бўлади. Чунки, жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят объекти бўйича умум-этироф этилган хулосага кўра, ҳар қандай жиноятнинг объекти деганда, жиноят қонуни билан қўриқланадиган манфаатлар (масалан, шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қиммати)га қарши қаратилган ижтимоий муносабатлар эмас, балки, аксинча, жиноят қонуни билан қўриқланадиган манфаатларнинг дахлсизлигини кафолатловчи (таъминловчи) ижтимоий муносабатлар тушунилади.

Одам савдосига қарши курашиш амалиётининг кўрсатишича, таҳлил қилинаётган жиноятнинг содир этилиши натижасида аввало, инсон шахсий номулкий ҳуқуқлари (ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги ва бошқ.)нинг дахлсизлигини кафолатловчи, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказилади ёки зарар етказилишининг реал хавфи келиб чиқади. Масалан, Юлдаш, Барно ва Хамидлар Дилфузага Испания давлатида фаррош бўлиб ишлашини ва 700 АҚШ доллари миқдоридан ойлик маош олишини таклиф қилишиб, уни алдаб, розилигини оладилар. Шундан сўнг, улар Дилфузани Дубай шаҳрига олиб боришиб, уни ўша ердаги ўзлари фоҳишахона сифатида фойдаланаётган уйларига қамаб қўйиб, фуқаролик паспортини ва тилла тақинчоқларини тортиб олиб, икки дона тилла тишларини синдириб олиб, ўн ой давомида фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур қилишган<sup>8</sup>. Келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, жабрланувчининг соғлиғи, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати, шахсий дахлсиз-

---

лиги ва бошқа шахсий номулкий ҳуқуқларига зарар етказилган.

Қайд этиш жоизки, умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик меъёрларида инсон шахсий номулкий ҳуқуқларининг узвийлиги (инсоннинг ўзи билан бевосита боғлиқлиги, ўз соҳибидан бегоналаштирилмаслиги ва бировга ўтказилмаслиги), табиийлиги ва олий қадрият эканлиги мустаҳкамланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормаларида инсоннинг шахсий номулкий ҳуқуқлари, хусусан, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, яъни: жисмоний дахлсизлик ҳуқуқи (13-м., 24-м., 25-м.), ҳаракатланиш эркинлиги (27-м., 28-м.), меҳнат қилиш, эркин касб танлаш ва адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқи (37-м., 53-м.) кафолатланган. Конституциямизга кўра, инсоннинг мазкур ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади (13-м.), дахлсиздир (19-м.), давлат томонидан таъминланади (43-м.), фуқаролар уларга путур етказмасликлари шарт (20-м.) ва уларни ҳурмат қилишга мажбурдирлар (48-м.).

Қонун чиқарувчи Конституциямизда олий қадрият сифатида эътироф этилган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш давлатнинг устувор вазифаларидан бири эканлигидан келиб чиқиб, шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини жиний тажовузлардан қўриқловчи нормаларни ЖК Махсус қисмининг «Шахсга қарши жиноятлар» номли I бўлимида белгилаб қўйганлиги шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ҳамда қадр-қимматининг реал кафолатидир.

Фикримизча, юқоридан таъкидланган илмий хулосаларга асосланиб, «жиноятнинг махсус объекти ЖК Махсус қисмининг бир бўлимига киритилган моддаларда назарда тутилган, жиноят тажовуз қиладиган, ўз табиатида кўра бир турдаги ижтимоий муносабатлар»<sup>9</sup> эканлигидан келиб чиқиб, таҳлил қилинаётган тушунчага қуйидагича таъриф бериш мумкин: *одам савдосининг махсус объекти* деганда, инсон шахсий номулкий ҳуқуқлари (ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги ва бошқ.)нинг дахлсизлигини таъминловчи, жиноят қонуни билан қўриқланадиган, одам савдосининг содир этилиши

натижасида зарар етказиладиган ёки зарар етказилишининг реал хавфи келиб чиқадиган ижтимоий муносабатлар тушунилади.

Ўзбекистон жиноят ҳуқуқи назариясида одам савдосининг турдош объектига аксарият муаллифлар таъриф беришмаган, айрим муаллифлар томонидан берилган таърифлар эса анча баҳслидир. Жумладан, муаллифлар томонидан одам савдосининг турдош объекти қуйидагича таърифланган:

1) шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қиммати<sup>10</sup>;

2) шахснинг шаъни ва кадр-қиммати, эркинлик ҳуқуқини ташкил қилувчи ижтимоий муносабатлар<sup>11</sup>.

Фикримизча, одам савдосининг турдош объектига берилган ушбу таърифларда қуйидаги камчиликлар мавжуд:

1) биринчи таърифнинг муаллифи томонидан шахсий номулкий неъматлар одам савдосининг турдош объекти сифатида таърифланган. Фикримизча, ҳар қандай шахсий номулкий неъматлар, масалан, инсоннинг эркинлиги, шаъни ва кадр-қиммати ўз-ўзича хали одамлар фаолияти соҳасига кирмайди ва жиноий тажовузнинг объекти бўлавермайди. Қачонки, тажовуз бўлганда уларнинг ўзи эмас, балки уларга тааллуқли бўлган жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар тажовузнинг объекти бўлади;

2) иккинчи таърифнинг муаллифлари одам савдосининг турдош объектига таъриф беришда ҳар қандай жиноятнинг объекти сифатида барча ижтимоий муносабатларни эмас, балки ижтимоий муносабатларнинг амалдаги жиноят қонуни билан қўриқланадиган қисмини тушуниш лозимлигини эътибордан четда қолдиришган. Чунки, жамиятдаги барча ижтимоий муносабатлар ҳам жиноят объекти бўла олмайди, балки улар ичидан қонун чиқарувчи томонидан, ижтимоий шароитдан келиб чиқиб, жиноий-ҳуқуқий таққ ўрнатиш орқали қўриқланиши лозим деб топилганларигина жиноят объекти сифатида баҳоланади. Жиноий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинмайдиган муносабатлар (маънавий, ахлоқий ва бошқ.)ни эса, жиноят объекти сифатида баҳолаб бўлмайди.

Бизнингча, юқорида таъкидланган илмий ҳулосаларга асосланиб, «жиноятнинг турдош

объекти – жиноят қонуни билан қўриқланадиган, ўзаро бир-бири билан боғлиқ ва ўхшаш бўлган ижтимоий муносабатларни ўзида мужассам этади»<sup>12</sup> деган фикрга қўшилиб, қонун чиқарувчи турдош объектнинг хусусиятларидан ЖК Махсус қисмининг боби доирасида хусусиятига кўра жуда яқин бўлган жиноятларни асосли ажратиш учун фойдаланишини инobatга олиб, одам савдоси учун жавобгарлик белгиловчи жиноий-ҳуқуқий нормалар (ЖК 135-м.) ЖК Махсус қисми I бўлимининг «Шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига қарши жиноятлар» номли VI бобида белгиланганлигидан келиб чиқиб, таҳлил қилинаётган тушунчага қуйидагича таъриф бериш мумкин: *одам савдосининг турдош объекти* деганда, инсоннинг эркинлиги, шаъни ва кадр-қимматининг дахлсизлигини таъминловчи, жиноят қонуни билан қўриқланадиган, одам савдосининг содир этилиши натижасида зарар етказиладиган ёки зарар етказилишининг реал хавфи келиб чиқадиган ижтимоий муносабатлар тушунилади.

Шу ўринда одам савдоси муаммолари нуқтаи назаридан, «инсоннинг эркинлиги», «инсоннинг шаъни» ва «инсоннинг кадр-қиммати» тушунчаларини таърифлаш муайян қизиқиш уйғотади.

Луғавий жиҳатдан *эркинлик* тушунчаси бирор жиҳатдан чекланиш, тазйиқ ва шу кабилардан холилик; кишининг ўз истаги бўйича иш тутиши<sup>13</sup>, деган маъноларни англатади.

Эркинлик ҳолати инсонга туғилганидан мансубдир. Ҳар кимга ўз ихтиёрига кўра, ўзининг хатти-ҳаракатларини содир этиш имконияти берилган. Бироқ, эркинлик жамиятда умумэътироф этилган ахлоқ нормалари доирасида ва қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилиши керак<sup>14</sup>.

Жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан эркинлик тушунчасини етарли даражада аниқ ва тўғри тушуниш учун инсоннинг эркин ҳолатини унинг эркин ҳолатидан ажратувчи чегарани белгилаб олиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Назаримизда, *эркин ҳолатда* инсоннинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлик қилиши унинг ўз истаги бўйича қабул қилган қарори ва ўз иродаси асосида бирор жиҳатдан тазйиқсиз амалга оширилади; *эрксиз ҳолатда* эса, инсоннинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлик қилиши

унинг ҳаёти, соғлиғи ёки бошқа ҳаётий муҳим манфаатларига таҳдид қиладиган мажбурлов остида амалга оширилади.

Фикримизча, юқоридаги илмий хулосаларга асосланиб, жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан инсоннинг эркинлиги тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: *инсоннинг эркинлиги* деганда, инсоннинг бирор жиҳатдан чекланиш, тазйиқ ва шу кабилардан холи, ўз истаги бўйича қабул қилган қарори ва ўз иродасига асосланиб, жамиятда умумэтироф этилган ахлоқ нормалари доирасида ва қонун ҳужжатлари асосида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик қилиш имкони тушунилади.

Луғавий жиҳатдан *шаън* – инсонга тегишли бўлган кадр-этибор<sup>15</sup>; *кадр* – жамиятда, кишилар ўртасида тутган ўрин, ўзга(лар) томонидан бўлган ҳурмат, этибор<sup>16</sup>; *қиммат* – баҳо; қиймат<sup>17</sup>, деган маъноларни англатади.

Шаън – шахсга тегишли бўлган ижтимоий ва маънавий сифатлари бўйича бошқаларнинг баҳоси бўлса, кадр-қиммат – мана шу сифатлар бўйича шахснинг ўзига ўзи берган баҳосидир<sup>18</sup>.

Шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва кадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, ишчанлик обрўси, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, хусусий ва оилавий сири, номга бўлган ҳуқуқи, тасвирга бўлган ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, бошқа шахсий номулкий ҳуқуқлар ҳамда туғилганидан бошлаб ёки қонунга мувофиқ фуқарога тегишли бўлган бошқа номоддий неъматлар тортиб олинмайди ва ўзга усул билан бошқа шахсга берилмайди.

Ўзбекистон жиноят ҳуқуқи назариясида горизонтал ҳолат бўйича жиноят объектини таснифлаш бевосита объект устида амалга оширилади. Ушбу таснифлашга кўра, асосий, қўшимча ва факультатив бевосита объектлар фарқланади<sup>19</sup>. Жиноят бевосита объектини таснифлашга эҳтиёж, агар жиноят содир этилиши натижасида бир неча ижтимоий муносабатлар бузилса ёки уларга таҳдид солинсагина пайдо бўлади.

Асосий бевосита объект деганда, ЖК моддасини тузишда ушбу норма билан махсус ҳимояланган<sup>20</sup>, ижтимоий хавфли қилмиш содир этилганда биринчи навбатда зарар этиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатлар тушунилади<sup>21</sup>, деган фикрга қўшилган ҳолда *одам савдосининг асосий бевосита объектини* аниқлашга ўтамиз.

Ўзбекистон жиноят ҳуқуқи назариясида муаллифлар томонидан одам савдосининг асосий бевосита объектига қуйидаги таърифлар берилган:

1) жиноятни квалификация қилиш жараёнида албатта аниқланиши зарур бўлган ва жиноятни содир этиш натижасида бевосита зарар етказиладиган аниқ ижтимоий муносабатлар<sup>22</sup>;

2) инсоннинг шахсий эркинлиги<sup>23</sup>;

3) келгуси хатти-ҳаракатини ўз хоҳишига кўра мустақил белгилайдиган фаолиятини ҳимоя қилишга қаратилган ижтимоий муносабатларнинг йиғиндиси сифатида инсоннинг шахсий эркинлиги<sup>24</sup>;

4) шахснинг озодлиги билан боғлиқ шаъни<sup>25</sup>;

5) инсон, унинг эркинлиги, соғлиғи ва хавфсизлиги<sup>26</sup>;

6) шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қиммати<sup>27</sup>;

7) жабрланган шахсларнинг озодлиги, шаъни ва кадр-қиммати<sup>28</sup>;

8) жабрланган шахсларнинг озодлиги, соғлиғи, шаъни ва кадр-қиммати<sup>29</sup>;

9) инсоннинг ҳаракатланиш эркинлиги, ўз турар жойини алмаштириш имконияти ва бошқа шахсий ҳуқуқлари<sup>30</sup>;

10) шахснинг шахсий эркинлиги, шаъни ва кадр-қимматини кафолатловчи ижтимоий муносабатлар<sup>31</sup>;

11) шахснинг эркинлиги, шаъни ва кадр-қимматини кафолатловчи ижтимоий муносабатлар<sup>32</sup>;

12) шахснинг озодлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар<sup>33</sup>;

Фикримизча, одам савдосининг асосий бевосита объектига берилган ушбу таърифларни қуйидаги асосларга кўра, тўлиқ маъқуллаб бўлмайди:

1) 1-таъриф муаллифлари одам савдосининг асосий бевосита объектини «аниқ ижтимоий муносабатлар» дейиш билан чегараланиб, негадир бу муносабатларнинг мазмуни ва хусусиятига этибор қаратишмаган;

2) 2–12-таърифларнинг муаллифлари одам савдосининг асосий бевосита объектини ҳаддан ташқари кенг талқин этишган, яъни инсоннинг соғлиғи, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати, хавфсизлиги ва бошқа шахсий ҳуқуқларининг дахлсизлигини таъминловчи, жиноят

қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга бир қанча жиноятлар тажовуз қилиши мумкинлигини инobatга олишмаган;

3) 4–8, 10–11-таърифларнинг муаллифлари одам савдосининг турдош объектини унинг асосий бевосита объекти сифатида баҳолашган. Инсоннинг эркинлиги, шаъни ва кадр-қимматининг дахлсизлигини таъминловчи, жиноят қонуни билан қўриқланадиган, одам савдосининг содир этилиши натижасида зарар етказиладиган ёки зарар етказилишининг реал хавфи келиб чиқадиган ижтимоий муносабатлар таҳлил қилинаётган жиноятнинг турдош объектини ташкил қилишини юқорида таъкидлаган эдик;

4) 5, 8-таърифларнинг муаллифлари одам савдосининг қўшимча бевосита объектини унинг асосий бевосита объекти сифатида баҳолашган. Фикримизча, шахснинг соғлигини таъминловчи, жиноят қонуни билан қўриқланадиган, одам савдосининг содир этилиши натижасида зарар етказиладиган ёки зарар етказилишининг реал хавфи келиб чиқадиган ижтимоий муносабатлар ушбу жиноятнинг қўшимча бевосита объектларидан бири сифатида намоён бўлиши мумкин;

5) 2–9-таърифларда шахсий номулкий неъматлар одам савдосининг асосий бевосита объекти ҳисобланиши таъкидланган. Фикримизча, ҳар қандай шахсий номулкий неъматлар (масалан, инсоннинг эркинлиги, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа шахсий ҳуқуқлари)нинг ўзи эмас, балки, уларга тааллуқли бўлган жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар жинoий тажовузнинг объекти бўлиши мумкин. Бу ҳақда юқорида таъкидлаган эдик;

6) 10–12-таърифларнинг муаллифлари ҳар қандай жиноятнинг объекти сифатида, хусусан, одам савдосининг асосий бевосита объекти сифатида барча ижтимоий муносабатларни эмас, балки ижтимоий муносабатларнинг амалдаги жиноят қонуни билан қўриқланадиган қисмини тушуниш лозимлигини эътибордан четда қолдиришган;

6) 12-таърифдаги каби, одам савдосининг асосий бевосита объектига «шахснинг озодлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар» сифатида ёндашилса, одам ўғирлаш (ЖК 137-

м.), зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш (ЖК 138-м.) ва одам савдоси (ЖК 135-м.) асосий бевосита объектларининг ўртасидаги фарқ кўринмайди. Одам ўғирлаш, зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш жиноятларининг содир этилиши натижасида инсоннинг ўзининг маконда жойлашиш ўрни ҳақида ўз қарорини қабул қилиши орқали амалга ошириладиган ҳаракатланиш эркинлигига зарар етказилишини инobatга олсак, одам савдоси орқали зарар етказиладиган инсон эркинлигининг талқини кенгроқ ва кўпроқ жиҳатларга эгадир.

Таҳлил қилинаётган жиноят асосий бевосита объектининг мазмунини етарли даражада аниқ, тўғри ва батафсил акс эттирувчи тўлақонли таърифини ишлаб чиқиш учун дастлаб одам савдосининг содир этилиши натижасида инсон фаолиятининг қайси соҳаларида унинг эркинлиги чекланиши мумкинлигини аниқлаш, шундан кейин, муҳокама қилинаётган тушунчага таъриф бериш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Биз ўрганган ЖКнинг 135-моддаси бўйича юритилган жиноят ишларининг таҳлили одам савдосининг содир этилиши натижасида инсон фаолиятининг қуйидаги соҳаларида унинг эркинлиги чекланиши мумкин, деган хулосани чиқаришга имкон беради:

1) ҳаракатланиш эркинлиги;

2) вақтинча ёки доимий турар жой танлаш эркинлиги;

3) истиқомат қилиш эркинлиги;

4) меҳнат қилиш (жумладан, адолатли меҳнат шароитларида ҳаққоний меҳнат шароитлари асосида ишлаш) эркинлиги;

5) қонунда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш эркинлиги.

Ушбу хулосани қуйидаги мисол ҳам тасдиқлайди: Санкт-Петербург шаҳрида норасмий меҳнат фаолияти билан шуғулланиб келаётган Бахтиёр Бухоро вилоятида истиқомат қилувчи қариндошлари: Вафо, Элнур, Зариф, Воҳид ва Умарқулларга мўмай даромадли ишга жойлаштиришни ваъда қилиб, уларни Санкт-Петербург шаҳрида кутиб олиб, фуқаролик паспортларини олиб қўйиб, уларни қонунга хилоф равишда ушлаб туриб, ҳаракат-

ланиш, турар жой танлаш ва истиқомат қилиш эркинлигини чеклаб, олти ой давомида қурилиш ишларида мажбурий ишлатиб, меҳнат қилиш эркинлигини бузиб, шу вақт мобайнида ишлаб топган 16 млн. 599 минг сўм миқдоридаги иш ҳақларини олиб қўйган<sup>34</sup>.

Фикримизча, юқорида таъкидланган илмий хулосаларга асосланиб, таҳлил қилинаётган тушунчага қуйидагича таъриф бериш мумкин: *одам савдосининг асосий бевосита объекти* деганда, инсоннинг ҳаракатланиш, вақтинча ёки доимий турар жой танлаш ва истиқомат қилиш, меҳнат қилиш ҳамда қонунда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш эркинлигининг дахлсизлигини таъминловчи, жиноят қонуни билан қўриқланадиган, одам савдосининг содир этилиши натижасида зарар етказиладиган ёки зарар етказилишининг реал хавфи келиб чиқадиган ижтимоий муносабатлар тушунилади.

Қўшимча бевосита объект асосий бевосита объектга зарар етказилганда муқаррар зарар этиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатлардир<sup>35</sup>, деган фикрга қўшилган ҳолда, *одам савдосининг қўшимча бевосита объектини* аниқлашга ўтамиз.

Ўзбекистон жиноят ҳуқуқи назариясида муаллифлар томонидан одам савдосининг қўшимча бевосита объектига қуйидаги таърифлар берилган:

1) шахс соғлиғини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар<sup>36</sup>;

2) жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғининг хавфсизлиги<sup>37</sup>;

3) шахснинг ҳаёти ва соғлиғи дахлсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар<sup>38</sup>.

Фикримизча, одам савдосининг қўшимча бевосита объектига берилган ушбу таърифларни қуйидаги асосларга кўра, тўлиқ маъқуллаб бўлмади:

1) одам савдосининг асосий бевосита объектига тажовуз этилганида инсон ҳаётининг дахлсизлигини таъминловчи, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга муқаррар зарар етказилмайди. Шу боис, уни одам савдосининг қўшимча бевосита объекти сифатида баҳолаб бўлмади;

2) муаллифлар таҳлил қилинаётган жиноятнинг қўшимча бевосита объектини тор маънода талқин қилишмоқда. Чунки, одам савдосининг асосий бевосита объектига тажовуз этилганида жиноят қонуни билан қўриқланадиган бир қатор ижтимоий муносабатларга муқаррар зарар етказилади. Масалан, Рита Бухоро шахрида истиқомат қилувчи вояга етмаган Аминага мўмай даромадли ишга жойлаштиришни ваъда қилиб, уни Ўзбекистоннинг давлат чегарасидан айланма йўллар орқали Қозоғистоннинг Чимкент шахрига олиб ўтиб, ўша ерда унга «Анабелла Дали» исми-шарифи билан Руминия давлатининг фуқаролик паспортини тайёрлаттириб бериб, ушбу қалбаки паспортга авиачипта олиб, уни Бирлашган Араб Амирликларининг Рассел Хемо шахрига олиб бориб, уни ўша ерда ҳаёти ва соғлиғи учун зарарли шароитда сақлаб, унга зўрлик ишлатиб, тан жароҳати етказиб, ўн ой давомида фоҳишалик билан шуғулланишига мажбур қилган<sup>39</sup>.

Ушбу мисолдан кўриниб турибдики, одам савдосининг асосий бевосита объектига тажовуз этилганида: *биринчидан*, жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғининг; *иккинчидан*, тегишли хизмат ваколатлари берилган шахс ўз мажбуриятларини амалга ошириши учун белгиланган тартибнинг; *учинчидан*, ҳужжатлар алмашинуви бўйича белгиланган тартибнинг; *тўртинчидан*, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси ҳуқуқий режимининг дахлсизлигини таъминловчи, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга муқаррар зарар етказилган.

Таъкидлаш жоизки, қўшимча бевосита объектнинг мавжудлиги маълум миқдорда аниқ жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига ўз таъсирини ўтказди, унинг бундай хусусиятларидан қонун чиқарувчи кўпроқ оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд таркибли жиноятларни ажратишда ёки мустақил таркибли жиноятларнинг таркибини тузишда фойдаланади<sup>40</sup>.

Қонун чиқарувчи одам савдосининг оғирлаштирувчи ҳолатларини ажратишда ушбу жиноятнинг асосий бевосита объектига тажовуз этилганида қуйидаги ижтимоий муноса-

батларга муқаррар зарар етади, деб ҳисоблаган:

– инсоннинг соғлиғи ва организмнинг бутлигини бузилмаслик ҳуқуқининг дахлсизлигини таъминловчи, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар (ЖК 135-м. 2-қ. «а», «к» бандлари ва 3-қ. «б» банди);

– мансабдор шахснинг ўз мажбуриятларини ёхуд мулк шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотларда бошқарув вазифаларини бажарувчи, тегишли хизмат ваколатлари берилган шахснинг ўз мажбуриятларини амалга ошириши учун белгиланган тартибнинг дахлсизлигини таъминловчи, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар (ЖК 135-м. 2-қ. «ж» банди);

– ҳужжатлар алмашинувининг белгиланган тартибининг дахлсизлигини таъминловчи, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар (ЖК 135-м. 2-қ. «и» банди);

– Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасининг ҳуқуқий режимининг дахлсизлигини таъминловчи, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар (ЖК 135-м. 2-қ. «з» банди).

Фикримизча, юқорида таъкидланган илмий хулосаларга асосланиб, таҳлил қилинаётган тушунчага қуйидагича таъриф бериш мумкин: *«одам савдосининг қўшимча бевосита объекти»* деганда, инсоннинг соғлиғи ва организмнинг бутлигини бузилмаслик ҳуқуқи, мансабдор шахснинг ўз мажбуриятларини, ёхуд мулк шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотларда бошқарув вазифаларини бажарувчи, тегишли хизмат ваколатлари берилган шахснинг ўз мажбуриятларини амалга ошириши учун белгиланган тартиб, ҳужжатлар алмашинувининг белгиланган тартиби ва Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини ҳуқуқий режимининг дахлсизлигини таъминловчи, жиноят қонуни билан қўриқланадиган, одам савдосининг содир этилиши натижасида зарар етказиладиган ёки зарар етказилишининг реал хавфи келиб чиқадиган ижтимоий муносабатлар тушунилади.

Факультатив бевосита объект – алоҳида олинган жиноятнинг асосий (баъзан қўшимча) объектига тажовуз қилишда зарар етказилиши мумкин ёки мумкин бўлмаган ижтимоий муносабатлардир<sup>41</sup>. Факультатив бевосита объектга зарар етказилиши содир этилган жиноятнинг жамият учун жиддий хавф туғдиришидан далолат беради ва бу ҳолат жазонинг тури ва миқдорини белгилашда ҳамда етказилган зарарни қоплаш масаласини ҳал қилишда ҳисобга олиниши зарур.

Ҳозирги вақтга қадар Ўзбекистон жиноят ҳуқуқи назариясида одам савдосининг факультатив бевосита объектига таъриф берилмаган.

Фикримизча, одам савдосининг содир этилиши натижасида инсон ҳаётининг дахлсизлигини таъминловчи, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказилишининг хавфи келиб чиқади. Масалан, одам савдосининг жабрланувчиси ертўлада бир неча кун яшириб турилгани натижасида ҳароратнинг кескин пасайиб кетиши унинг совуқ қотишига, оқибатда эса оғир касалланиб, ўлишига олиб келган тақдирда инсон ҳаётининг дахлсизлигини таъминловчи, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар таҳлил қилинаётган жиноятнинг факультатив бевосита объекти сифатида намоён бўлади.

Фикримизча, юқорида таъкидланган илмий хулосаларга асосланиб, таҳлил қилинаётган тушунчага қуйидагича таъриф бериш мумкин: *одам савдосининг факультатив бевосита объекти* деганда, инсон ҳаётининг дахлсизлигини таъминловчи, жиноят қонуни билан қўриқланадиган, одам савдосининг содир этилиши натижасида зарар етказиладиган ёки зарар етказилишининг реал хавфи келиб чиқадиган ижтимоий муносабатлар тушунилади.

Ўйлаймизки, юқорида таъкидланган таклиф ва хулосаларимиз жиноят ҳуқуқи назарияси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида одам савдосининг объектини етарли даражада аниқ, тўғри ва батафсил тушуниш имконини беради.



---

<sup>1</sup> Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т., 2010. — Б. 158.

<sup>2</sup> Уголовное право. Общая часть: Учебник / А.С. Якубов, Р. Кабулов и др. – Т., 2005. – С. 159; Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Darslik / A.S. Yakubov, R. Kabulov va boshq. – Т., 2009. – В. 109; Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Darslik (To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri) / R. Kabulov, A.A. Otajonov va boshq. – Т., 2012. – В. 101.

<sup>3</sup> Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Олий ўқув юртлари учун дарслик. — Т., 2005. – Б. 157; Rustamboyev M.H. Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – Т., 2006. – В. 125; Rustamboyev M.H., Ahrorov B.J.. Jinoyat huquqi (umumiy qism). Kollejlar uchun darslik. – Т., 2006. – В. 46; Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т., 2010. – Б. 159; Turgunboyev E.O. Jinoyat huquqi. Umumiy qism. Albom sxemalar: O'quv-uslubiy qo'llanma. — Т., 2013. – В. 22.

<sup>4</sup> Рустамбаев М.Х. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Общая часть. – Т., 2004. – С. 118; Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. – Т., 2006. – Б. 101; Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. I том. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот: Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т., 2010. – Б. 141; Jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish: IIV oliy ta'lim muassasalari uchun darslik / R. Kabulov, A.A. Otajonov, I.A. Sottiyev va boshq. – Т., 2012. – В. 50.

<sup>5</sup> Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Darslik (To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri) / R. Kabulov, A.A. Otajonov va boshq. – Т., 2012. — В. 101.

<sup>6</sup> Ўша жойда.

<sup>7</sup> Қурбонов Н.Б. Одам савдоси жиноятида жавобгарлик масалалари. – Т., 2009. – Б. 21.

<sup>8</sup> Тошкент шаҳар ИИББ Чилонзор тумани ИИБ тергов бўлимининг архивидаги 6/08-7227-сонли (2009 йил) жиноят иши бўйича материаллари.

<sup>9</sup> Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. I том: Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот. Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т., 2010. – Б. 142.

<sup>10</sup> Шукуров Ф. Одам савдосининг объекти // Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг конституциявий кафолати: Илмий мақолалар тўплами. – Т., 2011. – Б. 77.

<sup>11</sup> Расследование и квалификация вербовки людей для эксплуатации: Учебно-практическое пособие / Якубов А.С., Кабулов Р., Гулямов З.Х. и др. – Т., 2004. – С. 7; Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллашни тергов ва квалификация қилиш: Ўқув-амалий қўлланма / Кабулов Р., Гулямов З.Х. ва бошқ. – Т., 2005. – Б. 7; Кабулов Р. Уголовная ответственность за торговлю людьми // Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг конституциявий кафолати: Илмий мақолалар тўплами. – Т., 2011. – Б. 35.

<sup>12</sup> Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Darslik (To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri) / R. Kabulov, A.A. Otajonov va boshq. – Т., 2012. – В. 102.

<sup>13</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. V. – Т., 2008. – Б. 49.

<sup>14</sup> Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А. Муҳитдинов ва бошқ. – Т., 2010. – Б. 552.

<sup>15</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж. IV. – Т., 2008. – Б. 559.

<sup>16</sup> Ўша манба. – Б. 207.

<sup>17</sup> Ўша манба. – Б. 293.

<sup>18</sup> Ўзбекистон юридик энциклопедияси. – Т., 2010. – Б. 530.

<sup>19</sup> Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. I том: Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот. Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т., 2010. – Б. 143.

<sup>20</sup> Ўша жойда.

<sup>21</sup> Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Darslik (To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri) / R. Kabulov, A.A. Otajonov va boshq. – Т., 2012. – В. 104.

<sup>22</sup> Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллашни тергов ва квалификация қилиш: Ўқув-амалий қўлланма / Кабулов Р., Гулямов З.Х. ва бошқ. – Т., 2005. – Б. 7.

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Чизмалар альбоми / А.С. Якубов, Р.К. Кабулов ва бошқ. – Т., 2002. – Б. 54.

<sup>24</sup> Кабулов Р. Уголовная ответственность за торговлю людьми // Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг конституциявий кафолати: Илмий мақолалар тўплами. – Т., 2011. – Б. 35.

<sup>25</sup> Ражабова М. Траффик жинояти (одам савдоси): қонунчилик ва жавобгарлик // Жиноий жазоларни либераллаштириш: илмий ва амалий таҳлил: Илмий мақолалар тўплами. – Т., 2004. – Б. 93.

<sup>26</sup> Холова Э.Х. Современное состояние международно-правовой борьбы с вербовкой женщин и детей. – Т., 2007. – С. 107.

<sup>27</sup> Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. – Т., 2006. – Б. 110.

<sup>28</sup> Рустамбаев М.Х., Тоҳиров Ф., Эркаходжаев А.К. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. – Т., 2000. – Б. 132; Тоҳиров Ф. Шахсга қарши жиноятлар ва уларнинг юридик таҳлили: Ўқув қўлланма. – Т., 2001. – Б. 119;

---

*Рустамбаев М.Х.* Уголовное право Республики Узбекистан. Особенная часть: Учебник. – Т., 2002. – С. 132; *Рустамбоев М.Х.* Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. – Т., 2003. – Б. 145; *Рустамбоев М.Х.* *Тоҳиров Ф.Т.* Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. Схемалар: Ўқув қўлланма. – Т., 2004. – Б. 55; *Рустамбаев М.Х.* Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Особенная часть. – Т., 2004. – С. 132; *Rustamboyev M.H., Ahrorov B.J.* Jinoyat huquqi. Maxsus qism: Kasb-hunar kollejlari uchun darslik. – Т., 2006. – В. 74; *Rustamboyev M.H.* Jinoyat huquqi. Maxsus qism: Darslik. – Т., 2007. – В. 154.

<sup>29</sup> *Абдулхаков Я.А.* Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш амалиёти бўйича услубий қўлланма. – Т., 2009. – Б. 27.

<sup>30</sup> *Шукуров Ф.* Одам савдосининг объекти // Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг конституциявий кафолати: Илмий мақолалар тўплами. — Т., 2011. – Б. 77; *Базаров Ф.А., Хатамов Ф.Ф.* Одам савдоси жиноятларини очишни ташкил қилиш билан боғлиқ айрим масалалар // Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг конституциявий кафолати: Илмий мақолалар тўплами. – Т., 2011. – Б. 98.

<sup>31</sup> *Ахраров Б.Д.* Ўзбекистон Республикасининг одам савдосига қарши қаратилган қонунлари моҳияти // Одам савдосига қарши кураш, уни олдини олишнинг ҳуқуқий муаммолари: Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т., 2009. – Б. 39; *Рустамбаев М.Х.* Курс уголовного права Республики Узбекистан. Том 3: Особенная часть. Преступления против личности. Преступления против мира и безопасности. – Т., 2009. – С. 251; *Собиров Ф.О.* Одам савдоси трансмиллий жиноятчилиги: тарихи, жавобгарлик асослари ва унга қарши курашнинг халқаро ва миллий-ҳуқуқий асослари. – Т., 2010. – Б. 23; *Рустамбоев М.Х.* Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. III том: Махсус қисм. Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар. Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т., 2011. – Б. 183.

<sup>32</sup> *Рустамбаев М.Х.* Одам савдоси: Ўқув қўлланма. – Т., 2009. – Б. 11.

<sup>33</sup> *Отажонов А.А.* Шахсга қарши жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т., 2012. – Б. 203.

<sup>34</sup> Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси Олот тумани ички ишлар бўлими тергов гуруҳининг архивидаги 96623-сонли (2008 йил) жиноят иши материаллари.

<sup>35</sup> Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Darslik (To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri) / R. Kabulov, A.A. Otajonov va boshq. – Т., 2012. – В. 104.

<sup>36</sup> *Қурбонов Н.Б.* Одам савдоси жиноятида жавобгарлик масалалари. – Т., 2009. – Б. 25.

<sup>37</sup> *Ахраров Б.Д.* Ўзбекистон Республикасининг одам савдосига қарши қаратилган қонунлари моҳияти // Одам савдосига қарши кураш, унинг олдини олишнинг ҳуқуқий муаммолари: Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т., 2009. – Б. 39.

<sup>38</sup> *Собиров Ф.О.* Одам савдоси трансмиллий жиноятчилиги: тарихи, жавобгарлик асослари ва унга қарши курашнинг халқаро ва миллий ҳуқуқий асослари. – Т., 2010. – Б. 23; *Рустамбоев М.Х.* Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. III том: Махсус қисм. Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар: Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т., 2011. – Б. 183.

<sup>39</sup> Бухоро вилояти ИИБ Бухоро шаҳар ИИБ тергов бўлимининг архивидаги 20417-сонли (2011 йил) жиноят иши материаллари.

<sup>40</sup> Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Darslik (To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri) / R. Kabulov, A.A. Otajonov va boshq. – Т., 2012. – В. 105.

<sup>41</sup> *Рустамбаев М.Х.* Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. I том: Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот. Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т., 2010. – Б. 144.

**Таянч иборалар:** одам савдоси, одам савдосининг объекти, одам савдоси объектининг жиноий-ҳуқуқий таърифи.

Мазкур мақолада одам савдоси объектининг жиноий-ҳуқуқий таърифига доир муаммолар таҳлил қилинган ҳамда уларнинг ечимлари бўйича илмий асосланган таклиф ва хулосалар ишлаб чиқилган.

**Key words:** human traffic, the object of human traffic, criminal legal definition of the object of human traffic.

The article deals with the analysis of the problems of criminal legal definition of the object of human traffic. The author gives scientifically grounded proposals aimed at their solution.

**Ключевые слова:** торговля людьми, объект торговли людьми, уголовно-правовое определение объекта торговли людьми.

В статье анализируются проблемы уголовно-правового определения объекта торговли людьми, сформулированы научно обоснованные предложение по их разрешению.

## ИЖТИМОЙ ХАВФЛИ ҚИЛМИШ СОДИР ЭТГАН ШАХСНИ УШЛАШ ВАҚТИДА ЗАРАР ЕТКАЗИШ ШАРОИТИНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида ушлаш шароити катта аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, ушлаш чораларини кўраётган шахс ушлаш учун шарт-шароитлар қулай ёки ноқулайлик даражасига баҳо бериши муҳимдир. Агар ушлаш чораларини кўраётган шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш билан боғлиқ шарт-шароитларга тўғри баҳо бера олмаса, ушлаш билан боғлиқ бўлган чораларни амалга ошириш самарасиз кечиши ёки қонунга хилоф оқибатлар келтириб чиқариши мумкин.

Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «энг аввало, қонунчилик фаолиятимиздаги камчиликларни танқидий баҳолаб бартараф этиш, қонунларимизнинг мукамал ва изчил бўлишига эришмоғимиз ва энг муҳими, барча ҳуқуқий давлатлар қаторида қонун асосида яшашни ўрганишимиз зарур»<sup>1</sup>.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга зарар етказиб ушлаш чегарасидан чиқмаслик хусусида жиноят қонунчилигида белгилаб берилган. Ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари асосан, ушбу қонун нормаларига мувофиқ ҳолда иш олиб борадилар.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга зарар етказиб ушлаш зарурат тақазо этган вазият, ушлаш шароитидан келиб чиқиб ҳам белгиланади. Таъкидлаш жоизки, шароит — бу бирор нарсанинг воқеаланишига таъсир этувчи ҳолат, вазият; имкониятдир<sup>2</sup>. Ушлаш шароити ушлаш чораларини кўрувчи шахснинг ушланишдан бўйин товлаётган шахсга зарар етказмасдан ёки зарар етказиб ушлаш имкониятларини белгилаб берувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида уни ушлаш учун мав-

жуд бўлган шарт-шароитлар зарар етказмасдан ушлаш имкониятини бермаса, бу каби шароитларда ҳам зарар етказиб ушлаш зарурати юзага келиши мумкин. Масалан, қуролланган жиноятчи И. қасддан фуқаро С. нинг қорин қисмига қўлидаги ўқотар қуролдан ўқ узиб, унинг ҳаётидан маҳрум қилади ва дарҳол «Нексия» русумли транспорт воситасини бошқариб қоча бошлайди. Бу каби вазиятда қуролланган жиноятчи И. ни ҳаётидан маҳрум қилмаган ҳолда уни қуролсизлантириш ва қочиб кетишининг олдини олиш мақсадида ушлаш чораларини кўраётган шахс зарар етказиб ушлаш чораларини кўриши мумкин. Чунки бу каби ушлаш шароитларида жиноятчи И.ни ушлашнинг бошқа имконияти йўқ. Шунингдек, жиноятчи И. транспорт воситасини бошқариб, кўздан ғойиб бўлиши ва яшириши мумкин. Бу каби ҳолатларда, ушлаш чорасини кўрувчи шахс ўзида мавжуд бўлган куч, восита ва усуллар ёрдамида зарар етказмаган ҳолда ушлаш имкониятига эга бўлмаганида зарар етказиб ушлаш зарурати юзага келади.

Мамлакатимиз жиноят қонунчилигининг ушбу муносабатларни тартибга солувчи нормасида, «ушлаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳолатлар ҳисобга олинади» дея назарда тутилган. Бироқ, зарар етказмаган ҳолда ушлашнинг бошқа имконияти бўлмаганда зарар етказиб ушлаш зарурати юзага келиши тўғрисида қоида назарда тутилмаган. Бироқ, бугунги кунда зарар етказиб ушлаш амалиётида ушбу белгиларнинг инобатга олиниши катта аҳамият касб этмоқда.

Ушлашни амалиётда, ушлаш чорасини олдиндан режалаштириш йўли билан амалга оширилган вазиятларда ушлаш чорасини кўрувчи шахс учун зарур ва қулай бўлган шарт-

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси СТТОК юридик фанлар цикли катта ўқитувчиси.

шароитлар олдиндан аниқлаб олинади. Бу каби вазиятларда кўпинча ушланувчи шахсга зарар етказмаган ҳолда ушлаш чораларини кўришга ҳаракат қилинади. Агар бу каби вазиятларда ҳам ушланишдан бўйин товлаган шахсни ушлашнинг бошқа имконияти бўлмаганда, зарар етказиб ушлаш чораси қўлланилади. Аммо, ушлаш чораси олдиндан режалаштириш мумкин бўлмаган тезкор вазиятда (жиноят устида ёки бевосита уни содир этгандан сўнг) амалга оширилганда, аксарият ҳолатларда олдиндан зарар етказмаган ҳолда ушлаш учун қулай бўлган шарт-шароитни зудлик билан аниқлаб олишнинг имконияти бўлавермайди. Бу каби вазиятларда зарар етказмаган ҳолда ушлаш имконияти бор ёки йўқлигига баҳо бериш бироз қийин кечади. Бу эса, ўз навбатида, ушлаш чораларини кўришда қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бундай шароит ушлаш чорасини кўрувчи шахс учун ... кутилмаганда бирданига вужудга келган ҳодиса ҳисобланади<sup>3</sup>. Ушлаш чорасини кўрувчи шахсга ушлаш учун шароит қанчалик ноқулай бўлса, зарар етказмасдан ушлаш чорасини кўриш имконияти шунчалик камаяди ёки мураккаблашади.

Ушлаш вақтидаги вазият, шарт-шароитлар ушловчи учун қанчалик ноқулай бўлса, етказилиши кифоя бўлган зарарнинг даражаси шунчалик юқори бўлади, ҳатто баъзи ҳолларда рухсат этилган даражага ҳам тенг ёки аксинча камроқ бўлиши мумкин. Шарт-шароитнинг қулай ёки ноқулайлиги ҳар қайси ушлаш вақтида алоҳида баҳоланадиган фактларга боғлиқ. Ушбу баҳолаш жараёнида, ноқулай шарт-шароитлар сифатида ушловчи ва ушланган шахснинг кучи, имконияти ва воситалари ўзаро кам ёки кўп даражадан келиб чиқиб ҳам аниқланади<sup>4</sup>.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга зарар етказиб ушлаш шароитининг қонунийлигини аниқлашда Ю.В. Баулин, «Ушланувчи ва ушлаш чорасини кўрувчи шахсларга тааллуқли объектив ва субъектив омилларга эътибор қаратиш лозимлиги»га<sup>5</sup> урғу беради. В.С. Комиссаров эса юқоридаги муаллифлардан ушлаш шароитини бошқача таърифлаган ҳолда уни икки катта гуруҳга ажратади. Улардан *биринчиси*— жиноий ҳодиса устида ушлаш шароити, *иккинчиси*— жиноят содир этгандан сўнг ушлаш<sup>6</sup>.

М.Ҳ. Рустамбоев, зарар етказишнинг мажбурийлик ҳолатини аниқлаш мақсадида тергов ва суд органлари эътибор қаратиши лозим бўлган ҳолатларга тўхталиб, қуйидагиларни келтириб ўтади: 1) ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг жиноий жавобгарликдан қочиш имкониятига эга ёки эга эмаслиги. Бунда суд ва тергов органлари ўз эътиборини ушлашга қаршилик кўрсатувчи шахснинг фаоллиги, қаршилик кўрсатиш чоралари, қилмиш содир этган жойдан қочиши, шунингдек, огоҳлантирилганидан кейин ҳам ўз фаолиятини тўхтатмаслиги каби ҳолатларни инobatга олишлари лозим; 2) ушлашни амалга оширувчи шахснинг имконияти, ушлашни зарар етказмасдан амалга ошириши эътиборга олиниши лозим. Бундай имкониятни аниқлаш учун ушлашни амалга оширувчи ва ушланувчи шахсларнинг сони, ёши, жинси, қуролланганлиги, жисмоний кучи ва шу қабилар инobatга олиниши лозим<sup>7</sup>. Юқоридаги муаллифлар томонидан келтириб ўтилган белгилар билан бир қаторда, ушлаш вазияти ва шароитини баҳолашда ушлаш шароити, вақти, жойи катта аҳамиятга эга (масалан, жиноятчини ушлашни тунги вақтда одамлар йўқ бўлган кўчада ёки куннинг одамлар кўп йиғиладиган вақтда амалга ошириш ва бошқ.).

Демак, юқоридагилардан кўриниб турибдики, ушлаш шароити турлича бўлиб, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида шароит ушланувчи ҳамда ушлаш ҳаракатларини амалга оширувчи шахснинг имкониятларига, шунингдек, атроф табиий муҳитнинг умумий аҳволи, ҳолати ва вазиятига боғлиқ бўлади. Назаримизда, зарар етказмасдан ушлаш имкониятининг йўқлиги қуйидаги омилларга асосланган ҳолда аниқланади: 1) шахснинг содир этган ижтимоий хавфли қилмиши ва унинг ушланишдан бўйин товлаганлик ҳолати ва имкониятлари зарар етказиб ушлаш заруратини юзага келтириши; 2) мавжуд шарт-шароитларда зарар етказмасдан ушлаш имкониятининг бўлмаганлиги; 3) ушловчи шахсда мавжуд бўлган куч, восита ва усуллар ёрдамида зарар етказмасдан ушлашнинг бошқа имконияти йўқлиги.

Бугунги кун зарар етказиб ушлаш амалиётида, ушлаш чорасини кўрувчи шахс томонидан ушлаш шароитини баҳолашда,

аввало ушланувчи шахсининг ушланишдан бўйин товлаш мақсадида қилган ҳаракатлари ва унинг имкониятлари баҳоланади. Шунингдек, ушланишдан бўйин товлаганининг шахсини инобатга олган ҳолда уни ушлаш учун шарт-шароитларнинг қулай ёки ноқулайлик даражасига баҳо берилиб, ушлаш чорасини кўрувчи шахсда мавжуд куч, восита ва усуллар ёрдамида зарар етказмасдан ушлашнинг имконияти бор ёки йўқлиги аниқланади.

Ушлашнинг умумий шарт-шароити ва вазиятидан келиб чиқиб унинг қандай усули қўлланилиши лозимлиги аниқланади. Масалан, ушлашнинг умумий шароитидан келиб чиқиб, ушланувчи шахс бўйсунмаганда унга нисбатан жисмоний куч ишлатиб, агар у қочиш кетишга ҳаракат қилса, қувлаб ушлаш усулини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу боис ушлаш чорасини кўрувчи шахс ўзининг имкониятларига баҳо бериш билан бир қаторда, таъкидлаганимиздек, ушлаш вақтида мавжуд бўлган шарт-шароитларнинг қулайлигини эътиборга олиши катта аҳамият касб этади. Шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этиб, ушланишдан бўйин товлаганда баъзан ён-атрофдаги шарт-шароитлар зарар етказ-

масдан ушлаш имконияти бўлмаганида ҳам зарар етказиб ушлаш заруратини юзага келтириши мумкин. Масалан, а) ёруғлик шароитига кўра, куннинг кўриб бўлмас даражада ёруғ ёки қоронғи бўлган вақтларида зарар етказмасдан ушлаш имконияти бўлмаганлиги; б) топографик жойлашувга кўра, дала, тоғ, уй, дала ҳовли ҳудудида, хонадон (квартира)да, транспорт воситалари (автомобиль, поезд, самолёт)да зарар етказмасдан ушлаш имконияти бўлмаганлиги; в) омма тўпланган ҳудуд, тез алангаланувчи ёки портловчи моддалар жойлашган хавфли ҳудудларда зудлик билан зарар етказиб ушламас, бошқа оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган шароит ва вазиятларда зарар етказиб ушлаш зарурати юзага келиши мумкин. Бу каби ҳолларда ушлаш чорасини кўрувчи шахс имкон қадар қулай вазиятни излайди. Шундай қилиб, ижтимоий хавфли қилмиш содир этиб ушланишдан бўйин товлаган шахс ёки ён-атрофда мавжуд бўлган шарт-шароитлар зарар етказмасдан ушлаш имкониятини бермаган ҳолатларда ушлаш чорасини кўрувчи шахс зарар етказиб ушлашга мажбур бўлади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т., 2006. – Б. 359.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз брикмаси. Ж. III. Н –Тартибли / Таҳрир ҳайъати: Т. Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т., 2006. – Б. 549.

<sup>3</sup> Криминология: Дарслик / З.С. Зарипов, И. Исмоилов.; проф. Ф. Абдумажидов таҳрири остида. –Т., 1996. – Б. 157.

<sup>4</sup> Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар.Умумий қисм. – Т., 2006. – Б. 317–318.

<sup>5</sup> Баулин Ю.В. Обстоятельства, исключющие преступность деяния. – Харьков, 1991. – Б. 269.

<sup>6</sup> Курс уголовного права. Общая часть. Том 1. / Под ред. Комиссарова В.С. – М. 2002. – С. 290.

<sup>7</sup> Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар:Умумий қисм. – Т., 2006. – Б.317.

**Таянч иборалар:** ижтимоий хавфли қилмиш, шароитининг криминологик тавсифи, ушлаш чораси, зарар етказиб ушлаш.

Ушбу мақолада ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиб шароитларининг криминологик тавсифи ҳамда ушбу шароитларни аниқлаш чоғида эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар ҳақида сўз юритилади.

**Key words:** socially dangerous act, criminological characteristics of the conditions, detention, apprehension by causing damage.

The article deals with the criminological characteristics of conditions of causing damage in the time of apprehension of a person who committed a socially dangerous act and the aspects which must be taken into consideration during the establishment of these conditions.

**Ключевые слова:** общественно опасное деяние, криминологическая характеристика условия, мера задержания, задержание с причинением вреда.

В данной статье освещаются криминологическая характеристика условий причинения вреда при задержании лица, совершившего общественно опасное деяние, а также аспекты, требующие внимания при установлении данных условий.

О. А. Саттаров\*  
З. Г. Иминов\*\*

## ҚАСДДАН ОДАМ ЎЛДИРИШ ЖИНОЯТИНИ ФОШ ЭТИШНИНГ АЙРИМ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати, бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги, қонунлар билан ҳимоя қилиниши кўрсатилган. Шу билан бирга, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги ва инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят эканлиги белгиланган<sup>1</sup>.

Шунингдек, Асосий қонунимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш вазифаси давлат зиммасига юклатилган бўлиб, ушбу вазифани бажаришда мамлакатимиз ички ишлар идоралари муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига белгиланганидек, қасддан одам ўлдириш — ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, яъни: а) икки ёки ундан ортиқ шахсни; б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлни; в) айбдорга аён бўлган ожиз аҳволдаги шахсни; г) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсни ёки унинг яқин қариндошларини; д) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган усулда; е) оммавий тартибсизликлар жараёнида; ж) ўта шафқатсизлик билан; з) номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда; и) тамагирлик ниятида; к) миллий ёки ирқий адоват замирида; л) безорилик оқибатида; м) диний таассублар замирида; н) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида; о) бошқа бирор жиноятни яшириш ёки унинг содир этилишини осонлаштириш мақсадида; п) бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини

кўзлаган ҳолда; р) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; с) ўта хавфли рецидивист томонидан қасддан одам ўлдирилиши, — ўн беш йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади<sup>2</sup>.

Қасддан одам ўлдириш жиноятлари шахсга қарши қаратилган жиноий тажовузларнинг ўта оғир турига тегишлидир. Қасддан одам ўлдириш жиноятларининг ижтимоий хавфлилиги нафақат унинг кенг тарқалганлиги, балки юзага келувчи оқибатларининг оғирлиги билан ҳам тушунтирилади. Ўз навбатида, қасддан одам ўлдириш жиноятлари оқибатларининг оғирлиги, авваламбор, инсон ҳаётини қайта тиклаш имконият йўқлиги, уни қайтариб бўлмаслигидадир. Шунга кўра, қонун чиқарувчи, содир этилган бундай жиноятлар учун энг оғир санкцияни назарда тутди. Бу ҳолат ўз-ўзидан қасддан одам ўлдириш жиноятларини очиш бўйича ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирлар йўналиши ва аҳволига таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас.

Қасддан одам ўлдириш жиноятларини фош этишда, ҳақиқатни аниқлашда ЖК ва ТҚКБ ходимларига катта масъулият ва талаблар қўйилган. Бу борада хатоларга йўл қўйилса, бегуноҳ одамларнинг жазоланишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун қасддан одам ўлдириш жиноятлари бўйича мажбурий тарзда амалга оширилган ишлар натижасида тезкор йўллар билан тўпланган барча маълумотлар тубдан ва атрофлича текширилиши талаб қилинади.

Қасддан одам ўлдириш жиноятларининг барча турларида объект бошқа кишининг ҳаётидир. Бошқа кишининг ҳаётига суиқасд қилиш, агар унинг ўлимини келтириб чиқарса, унинг охириги лаҳзасига, яъни ўлимга сабаб бўлса, қотиллик ёки одам ўлдириш жиноятини ташкил қилади.

\*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тезкор-қидирув ҳуқуқи кафедрасининг катта ўқитувчиси.

\*\*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Олий Академик курслари тингловчиси.

---

Инсон ҳаётининг охириги лаҳзаси деб биологик ўлимни ҳисоблаш керак. Биологик ўлим деб, тана тўқималарининг кислород билан таъминланиши тўхтаб қолиши натижасида марказий асаб тизими ҳужайралари ҳалокатининг қайтмас жараёни бошланишига айтилади.

Қасддан одам ўлдириш жиноятининг объекти бошқа кишининг ҳаёти бўлганлиги учун ўзининг ҳаётига тажовуз қилиш жиноий жазоланмайдиган қилмиш деб топилган. Обьектив томондан қасддан одам ўлдириш қонунга хилоф равишда бошқа шахсни ҳаётдан маҳрум қилишда ифодаланadi. Инсонни ўлдириш ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан амалга оширилиши ҳам мумкин. Аксарият ҳолларда қасддан одам ўлдириш фаол ҳаракатлар орқали содир этилади, яъни бунда айбдор жабрланувчига, ўз хусусиятига кўра, шахсни ўлдириши мумкин бўлган муайян тан жароҳатларини етказишдек (ҳар қандай қурол-ашёдан фойдаланиш, бўғиш, куйдириш, заҳарлаш ва ҳоказо) ҳаракатларда ифодаланган жисмоний таъсир кўрсатади.

Одамни ҳаётдан маҳрум этиш ҳаракатсизлик туфайли содир этилиши ҳолатларида шахс ўзининг мажбурияти ёки имконида бўлган ҳаракатларни амалга оширмайди. Масалан, ҳаётий зарур дори-дармонларни беморга бермаслик, онанинг янги туғилган чақалоғини эмизмаслиги, чўкаётган кишига ёрдам бермаслик ва бошқаларни худди шундай баҳолаш мумкин.

Одамнинг жонига қасд қилган айбдор шахс адашган тақдирда, яъни назарда тутилганидан бошқа кишининг ҳаётига қасд қилганда, ушбу ҳолат жиноятнинг квалификациясига таъсир қилмайди ва айбдорнинг қилмиши одам ўлдириш деб квалификация қилинади.

Одам ўлдириш моддий таркибли жиноят бўлиб, тугалланган деб топиллиши учун жабрланувчининг ўлими сифатидаги оқибат юзага келиши лозим. Бундай оқибатнинг рўй бермаганлиги одам ўлдиришни тугалланмаган жиноят, одам ўлдиришга тайёргарлик ёки унга суиқасд қилиш деб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 25-моддаси бўйича жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Шахсни одам ўлдирганлиги учун жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этишда жиноятнинг тугалланганлиги, жиноий қилмиш билан ўлим орасида ўзаро боғлиқликни аниқлаш

зарур. Қилмиш ва ўлим ўртасида сабабий алоқадорликнинг бўлмаслиги, шахсни одам ўлдириш учун жавобгарликка тортишни истисно этади. Мазкур қилмиш жабрланувчининг соғлиғига турли даражада шикаст етказганлик учун жавобгарликка оид ўзгача квалификация доирасида ҳал этилади.

Айбдор, ўзи содир этаётган қилмиши натижасида қандай оқибат рўй беришини билиб ҳаракат қилса-ю, аммо унга боғлиқ бўлмаган ҳолда жабрланувчи тирик қолса, ушбу ҳаракат одам ўлдиришга суиқасд қилиш деб топиллиши мумкин.

Одам ўлдириш қонунга хилоф бўлиши керак, яъни зарурий мудофаа (ЖК 37-м.), охириги зарурат (ЖК 38-м.), буйруқ ёки бошқа вазифани бажариш (ЖК 40-м.) ҳолатларида шахсни ҳаётдан маҳрум этиш жиноят ҳисобланмайди.

Маълумки, одам ўлдириш жинояти тўғри ёки эгри қасд билан содир этилиши мумкин. Айти пайтда, айбдор ўз ҳаракатининг ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий хавфлилик моҳиятини англаб етади, ўз қилмиши натижасида жабрланувчининг ўлими бошланишини билади ва шуларни била туриб мазкур натижа бошланишини истайди ёки онгли равишда унга йўл кўяди.

Ўлимнинг муқаррарлигини англаш тўғри қасднинг мазмунидир ва шу боисдан ҳам одам ўлдиришга тажовуз қилиш фақат тўғри қасд билан юз бериши мумкинлиги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги 17-сонли қарори билан 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 4-бандида: «Айбдорнинг қасди нимага қаратилганлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда қилмишнинг барча ҳолатлари мажмуидан келиб чиқилиши, хусусан, жиноятни содир этиш усули ва қуроли, тан жароҳатлари сони, хусусияти ва ўрни (масалан, одам ҳаёти учун муҳим аъзоларнинг жароҳатланганлиги), жиноий ҳаракатлар тўхташининг сабаблари, шунингдек, айбдор ва жабрланувчининг, жиноят содир этилгунга қадар бўлган феъл-атвори, ўзаро муносабатлари, айбдорнинг жиноят содир этилгандан кейинги ҳаракатлари хусусияти эътиборга олинлиши лозим»<sup>3</sup> деб кўрсатилган.

Юқорида кўрсатилган ҳолатларнинг аниқланиши, айбдорнинг қасди билан ўлим ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш имконини беради. Масалан, айбдор шахсга тажовуз

қилаётган вақтда ўқотар қуролидан фойдаланиб, яқин масофадан жабрланувчининг юрагини мўлжаллаб ўқ узган, аммо жабрланувчи ўлмаган бўлса, айбдорнинг қилмиши баданга шикаст етказиш деб эмас, балки қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилиш деб квалификация қилиниши лозим. Шунингдек, айбдор пичоқ билан жабрланувчининг юраги, бўйни ва ҳаёт учун муҳим бошқа аъзоларига кўпгина жароҳат етказса-ю, ўлим рўй бермаса, бу ҳолатлар ҳам айбдорнинг одам ўлдиришга қасд қилганлигидан далолат беради.

Агар айбдор жабрланувчи билан дўстона муносабатда бўлган, бир-бирини тушунган, аммо маълум бир ҳолатларда, масалан, қиз болани рашк қилиш туфайли улардан бири иккинчисига пичоқ билан жароҳат етказса-ю, шу вақтнинг ўзида эсини йиғиб олиб, жабрланувчига тез ёрдам кўрсатса, «тез ёрдам»ни чақириб, уни қутқариш учун қон топширса ва унинг соғайиб кетишига ҳаракат қилган бўлса-да, жабрланувчи, етказилган жароҳат туфайли ўлган бўлса, барча ҳолатларни эътиборга олган ҳолда айбдорнинг қилмиши ЖКнинг 97-моддасида жавобгарлик белгиланган қасддан одам ўлдириш эмас, балки ЖК 104-моддаси 3-қисмининг «д» банди билан, яъни жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш деб квалификация қилиниши лозим.

Субъектив томонидан, бундай жиноятнинг содир этилиш мотиви ҳам катта аҳамиятга эга. Мотив, қилмишнинг квалификациясига бевосита таъсир қилади. Масалан, жиноят ўч олиш, рашк мотиви билан содир этилганлиги аниқланса, айбдорнинг қилмиши ЖК 97-моддасининг 1-қисми билан, одам ўлдириш ғараз ниятда, безорилик оқибатидаги мотив билан содир этилган бўлса, қилмиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ЖК 97-моддаси 2-қисмининг тегишли банди билан квалификация қилиниши лозим.

Жиноят ҳуқуқи назариясида мотив тушунчасига куйидагича таъриф берилган. **Мотив** — жиной қилмиш содир этишга аҳд қилдирувчи, англаб етилган туйғудир. Мотив доимо жиноятдан олдин пайдо бўлади ва унинг мақсадини белгилайди. Мотивлар йиғиндиси жиной хулқ-атворнинг мотивациясини ташкил этади<sup>4</sup>.

Мақсад эса жиной қилмишни содир этиш мобайнида субъект этишига интиладиган

фикрий натижадир. Мотив ва мақсаднинг йиғиндиси айбни вужудга келтиради. Мотив ва мақсадни қонунда кўрсатилган ҳолларда исботлаш зарур, зеро уларнинг бўлмаслиги ушбу жиноят таркибининг йўқлигини англатади. Жиноят мотиви муҳим юридик аҳамиятга эга. Қасддан одам ўлдириш жиноятларининг содир этилиши асл мотивининг ўз вақтида аниқланиши *тезкор-қидирув тадбирларининг йўналишини белгилашда алоҳида аҳамиятга эга*. Содир этилган қасддан одам ўлдириш жиноятларининг мотивини билиш унинг очилиши жараёнида юзага келувчи тезкор вазиятга икки йўналишда таъсир кўрсатиши мумкин:

*Биринчидан*, мотив индивиднинг ички ҳолати бўлиб, ўзида жиноят субъектини: шахс, унинг онги, руҳияти сифатидаги муҳим тавсифини акс эттиради. Ўз навбатида, булар қотилнинг шахси тўғрисида бевосита маълумот манбаи сифатида ҳам намоён бўлади. Бу ҳақдаги чин маълумотларни аниқлашда тезкор-қидирув тадбирларининг ўрни беқиёс. Бунда ўтказилган тезкор-қидирув тадбирларида икки вариантдаги натижалар бўлиши мумкин:

– жиноят мотивини билиш жиноятчининг типини, шахсининг алоҳида хусусиятлари (жинсий бузуқликларга мойиллиги, тажовузкорлиги, жаҳлдорлиги)ни аниқлаш имконини беради. Бундай маълумотлар қотилнинг шахси тўғрисида хулоса чиқаришга, яъни унинг ижтимоий қиёфаси ва ижтимоий хавфлилигини баҳолаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қаршилиқ кўрсатиш, янги жиноятлар содир этишга тайёрлигини аниқлаш имконини беради;

– жиноят мотивини билиш, гумон қилиниши мумкин бўлган шахслар доирасини, қотилни қидириш лозим бўлган атроф-ҳудуд ёки соҳани аниқлаш имконини беради. Бундай жиноятни содир этиш мотиви, шахснинг баъзи барқарор хусусиятлари (одатлари, қилиқлари), кам учрайдиган тоифадаги шахсларга тааллуқли хусусиятларини (бесоқолбозлик, гиёҳвандлик, турли руҳий касалликлар) ёки қотиллик сабаблари бевосита жабрланувчининг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ (қасд, шахсий келишмовчилик ва бошқа) вазиятларда мавжуд бўлади.

*Иккинчидан*, содир этилган қасддан одам ўлдириш мотивининг аниқлиги жиной хулқ-атвор механизмининг моделлаштириш ёхуд унинг хронометражининг тузиш имконини



---

беради. Бундай имконият руҳият ва фаолият бирлиги тамойили мавжудлиги туфайли юзага келади ва жиноятчининг мақсади, мотиви ҳамда хулқ-атворини объектив фактлар орасида мувофиқлиги, ўзаро алоқадорлиги, бир-бирига боғлиқлигини аниқлашни билдиради. Шу ердан жиноятни содир этиш мотиви ва жиноятчи томонидан қолдирилган изларнинг тўғри ва тескари алоқаси мавжудлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин. Бошқача айтганда, жинойий хатти-ҳаракат изларини ўрганиш қотиллик жинояти содир этилиши мотивини аниқлаш имконини беради ва аксинча, қотиллик жинояти мотивининг аниқлиги жиноятчининг янги изларини топишга имкон беради.

Жиноят мотивининг шаклланишига жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий вазият ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Ҳозирги кунда, Ўзбекистонда юз берган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар қасддан одам ўлдириш жиноятларининг мотивлари ҳам иқтисодий характерга эга бўлади ва ғаразли, мол-мулк билан боғлиқ бўлган мотивдаги жиноятлар сони ушбу жиноятлар ичида кўпчиликини ташкил қилади. Қасддан

одам ўлдириш жиноятларига ғараз ният, бундай жиноятларни содир этувчи шахсларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорилиги хосдир. Уларнинг ижтимоий хавфлилиги шахснинг чуқур ва мустаҳкам ғайриижтимоий ўзгариши (деформацияси)га қараб ўрганилади. Ғараз ниятдаги бундай жиноятчилар қилмишида мотив сифатида мулкка эгаллик ҳуқуқининг қабул қилинмаслиги ва шунга кўра, демократик ҳуқуқий давлат асосларини рад этиш акс этади. Бундай жиноятларда жиноятчи жинойий хатти-ҳаракатининг охириги мақсади инсон ўлимининг юз бериши ҳисобланмайди, балки бу шароит жабрланувчининг пули, моддий бойлиги ёки нарсаларини эгаллаш учун зарур шарт ҳисобланади. Ушбу ҳолат жиноятчиларнинг келгусидаги хатти-ҳаракатлари, шу каби янги аналогик жиноятларни содир этишга тайёргарлигини башорат қилиш, шунингдек, жиноятчилар хатти-ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар (шахсий таркиб тайёргарлигини, объектларни кўриқлашни кучайтириш)ни ўтказиш учун муҳим ҳисобланади.

---

\* Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги 2012 йил 25 декабр Қонуни / Халқ сўзи. — 2012. — 29 дек.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т., 2012.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. — Т., 2012. — 97-м.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1-жилд, — Т., 2007.

<sup>4</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. — Т., 2004. — Б. 380.

**Таянч иборалар:** демократик ислоҳот, дахлсизлик, кадрият, тадрижий, ҳуқуқ, ҳаёт, эркинлик, биологик ўлим, мотив, объектив, субъектив шарт-шароит, кафолат.

Мақолада инсоннинг ҳаёти энг олий кадрият эканлиги ва унинг дахлсизлигини таъминлаш борасида ички ишлар органларининг асосий вазифалари, одам ўлдириш жиноятининг жинойий-ҳуқуқий таҳлили, тушунчаси, асосий элементлари, мотиви ҳамда ушбу жиноятни тўғри квалификация қилиш ва фош этиш, адолатли қарор қабул қилинишида тезкор-қидирув фаолиятининг ўрни ва аҳамияти ёритилади.

**Key words:** democratic reforms, inviolability, value, evolutionary, the right, life, liberty, biological death, motive, objective, subjective conditions, guarantee.

In the article, on the bases of the idea that the ultimate value is human being and his life, the author deals with the main tasks of the organs of internal affairs in ensuring inviolability of the person, analyses the notion, criminal legal characteristics, the main elements and motive of the offence of homicide, the role and significance of the operational search activity in proper qualification, detection of this type of crime and passing of fair sentence.

**Ключевые слова:** демократическая реформа, неприкосновенность, ценность, эволюционный, право, жизнь, свобода, биологическая смерть, мотив, объективный, субъективные условия, гарантия.

В статье на основе идеи о высшей ценности жизни человека освещаются основные задачи органов внутренних дел по обеспечению ее неприкосновенности, анализируются понятие, уголовно-правовая характеристика, основные элементы, мотив преступления убийства человека, место и значение оперативно-розыскной деятельности в правильной квалификации, раскрытии данного преступления, вынесении справедливого приговора.

А. Х. Юсуфов\*

## КОНСТИТУЦИИ ГОСУДАРСТВ – УЧАСТНИКОВ СНГ ОБ ОГРАНИЧЕНИЯХ ПРАВ И СВОБОД ЧЕЛОВЕКА И ГРАЖДАНИНА В УСЛОВИЯХ ЧРЕЗВЫЧАЙНОГО ПОЛОЖЕНИЯ

Қорақалпоғистон Республикасининг судьялик лавозимларига суҳбатдан муваффақиятли ўтган номзодлар бўйича Комиссия Ўзбекистон Республикаси Президентига кўриб чиқиш учун хулоса киритади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги қонуни талаблари асосида жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчилигига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқариш имкониятини берганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Конституциянинг 13-моддасида белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланганлиги, унга кўра инсон, унинг ҳаёти ва эркинликлари, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида тан олинishi ва ушбу жараёнларнинг амалий мустаҳкамланиши суд-ҳуқуқ тизимининг энг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Бугунги кунда сиёсий, иқтисодий, давлат-ҳуқуқий муносабатларнинг бутун тизимини модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш бўйича олдимизда турган кенг кўламли вазифалар сифатида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштиришдан кўзланган асосий мақсад, жамиятимизда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ таъминлашдан иборатдир. Айнан шу ҳолат жамияти-

---

---

мизда Конституциямизга бўлган муносабатни, меҳр-муҳаббатни, чуқур ҳурмат-эъзозни ва унинг талабларини ҳаётга изчил татбиқ этиш даражасини юқори поғонага кўтаришни тақозо этади. Шундагина фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркин-

ликлари таъминланади ҳамда мамлакатимизда том маънодаги инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш учун мустаҳкам пойдевор яратилади. Бу эса Конституциянинг асосий мақсадларидан бирини рўёбга чиқариш демакдир.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2012. – № 31. – 355-м.

<sup>2</sup> Қаранг: *Каримов И. А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010.

\* Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилidir. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // *Халқ сўзи.* – 2013. – 7 дек.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2012 йил 2 август фармони // *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.* – 2012. – № 31. – 355-м.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2012 йил 29 декабрь фармойиши // *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.* – 2013. – № 2. – 18-м.

**Таянч иборалар:** суд ҳокимиятининг мустақиллиги, ҳуқуқий давлат, қонун устуворлиги, судьяларнинг мустақиллиги, ижтимоий муҳофаза, суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштириш, судьялар малакасини ошириш.

Мақолада Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг долзарб муаммолари кўриб чиқилган, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, судьяларнинг касбий малакасини оширишларини яхшилашга қаратилган аниқ тақлифлар билдирилган.

**Key words:** independence of judicial power, law-based state, immunity of judges, social protection, judicial-legal system, formation and modernization of a law-based state, rule of law, sentence.

The article deals with the development of civil society in our country, human value and the last amendments to the legislation system of our Republic and some grounded ideas are presented on stable legal system of the country.

**Ключевые слова:** независимость судебной власти, правовое государство, приоритет закона, независимость судей, социальная защита, поэтапная демократизация судебно-правовой системы, повышение квалификации судей.

В статье рассматриваются актуальные проблемы судебно-правовой реформы, проводимой в Республике Узбекистан, вносятся конкретные предложения, направленные на обеспечение независимости судебной власти, улучшение работы по повышению профессиональной квалификации судей

## ВОПРОСЫ РАВНОПРАВИА ЖЕНЩИН В МЕЖДУНАРОДНОМ ПРАВЕ

Принцип равенства мужчин и женщин был провозглашен Организацией Объединенных Наций в ее главном документе – Всеобщей декларации прав человека. В преамбуле Декларации отмечается, что она должна рассматриваться в качестве стандарта, к достижению которого должны стремиться все народы и государства. В ней открыто объявлялось: все люди рождаются свободными и равными в своем достоинстве и правах.

Это происходило в 1948 г., практически сразу после окончания Второй мировой войны. Международное сообщество пыталось тогда найти пути устойчивого развития человечества. И равенство прав мужчин и женщин было признано одним из главных факторов стабильности в мире. И хотя, с правовой точки зрения, Всеобщая декларация прав человека не является многосторонним международным договором, как конвенция, и носит рекомендательный характер, она послужила одним из основных источников не только международного, но и национального права. Число государств, конституции которых содержат перечень фундаментальных прав из Декларации, в настоящее время приближается к 100.

По образу и подобию Всеобщей декларации прав человека 4 ноября 1950 г. была принята Европейская конвенция о защите прав и основных свобод человека. Статья 14 этой Конвенции «Запрещение дискриминации» гласит: «Пользование правами и свободами, признанными в настоящей Конвенции, должно быть обеспечено без какой бы то ни было дискриминации по признаку пола, расы, цвета кожи, языка, религии, политических или иных убеждений, национального или социального происхождения, принадлежности к национальным меньшинствам, имущественного положения, рождения, по любым иным признакам». Эффективность этой Конвенции

определяется двумя моментами: во-первых, в отличие от Декларации, которая является документом о намерении, Конвенция есть многосторонний международный документ, обязывающий присоединившиеся к нему страны к исполнению; во-вторых, Конвенция устанавливает международно-правовой механизм, обеспечивающий претворение ее положений в жизнь.

Провозглашенная во Всеобщей декларации прав человека формулировка ст. 1 – «Все люди рождаются свободными и равными в своем достоинстве» – отражает естественную природу прав человека, абсолютно игнорируя их социальный характер, т.е. положение человека в том социуме, в котором он проживает. Поэтому в Декларации не учитывается зависимость человека от общества, что применительно к женщинам означает невозможность использования своих прав ввиду отсутствия в обществе равенства возможностей. На протяжении всей длительной эпохи патриархата таких возможностей у женщин, как определенного социального слоя, во всех государствах мира не было.

Пониманию этого положения женщин во многом способствовала Вторая мировая война, во время которой женщины заменяли на рабочих местах ушедших на фронт мужчин, а после окончания войны начались их массовые увольнения в пользу освобождения рабочих мест для пришедших с фронта мужчин. В этой связи ООН приняла более ста документов, направленных на обеспечение равных прав и равных возможностей для женщин и мужчин, среди которых значатся:

– Конвенция № 100 о равном вознаграждении мужчин и женщин за труд равной ценности (1951 г.);

– Конвенция № 103 об охране материнства (1952 г.);

\* Начальник кабинета кафедры юридических дисциплин факультета повышения квалификации офицеров органов внутренних дел Академии МВД Республики Узбекистан.

- Конвенция о политических правах женщин (1952 г.);
- Конвенция о гражданстве замужней женщины (1957 г.);
- Конвенция о дискриминации в области труда и занятий (1958 г.);
- Конвенция о борьбе с дискриминацией в области образования (1960 г.);
- Международные пакты об экономических, социальных и культурных правах, о гражданских и политических правах (1966 г.);
- Конвенция МОТ 1981 г. «О равном обращении и равных возможностях для трудящихся мужчин и женщин: трудящихся с семейными обязанностями» и др.

Но Конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин, принятая Генеральной Ассамблеей ООН в 1979 г., занимает среди них центральное место. Она впервые поставила вопрос о правах женщин как неотъемлемой части прав человека.

Конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин определяет понятие «дискриминация в отношении женщин» как «любое различие, исключение или ограничение по признаку пола, которое направлено на ослабление или сводит на нет признание, пользование или осуществление женщинами, независимо от их семейного положения, на основе равноправия мужчин и женщин, прав человека и основных свобод в политической, экономической, социальной, культурной, гражданской или любой другой области» (ст. 1).

Выделим самые актуальные рекомендации этой Конвенции, напомнив при этом, что для стран, ее подписавших, эти рекомендации имеют обязывающий характер:

- включить принцип равноправия мужчин и женщин в конституции и другие законодательные акты и добиваться его практической реализации;
- в случае необходимости использовать специальные санкции, запрещающие дискриминацию в отношении женщин;
- принимать меры, чтобы изменить действующие законы, обычаи, практику, которые представляются дискриминационными в отношении женщин;
- обеспечить равное для мужчин и женщин право пользования всеми экономическими,

социальными, культурными, гражданскими и политическими правами.

Отдельно следует отметить две практические рекомендации Конвенции по изменению действующих законов, обычаев, практики.

Первая касается необходимости ликвидации дискриминации в области занятости, в частности при найме на работу, обеспечения равной оплаты за труд равной ценности, а также запрета на «увольнение с работы на основании беременности или отпуска по беременности или на дискриминацию по увольнению ввиду семейного положения». Вторая рекомендация дает ответ на споры по поводу специальных квот для более успешного продвижения женщин в политику.

Согласно ст. 4 Конвенции не считается дискриминационным принятие государствами-участниками не только мер по охране материнства, но и «временных мер, направленных на ускорение установления фактического равенства между мужчинами и женщинами». Однако такие временные специальные меры должны быть отменены, когда будут достигнуты цели равенства возможностей и равноправного положения мужчин и женщин.

Конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин до сих пор остается самым полным международным актом в области гендерного равенства. Не случайно ее называют «Женской конвенцией».

Что вообще означают термины «гендер» и «гендерное равенство»? В переводе с английского «гендер» означает пол, но пользуются этим термином во всем мире для обозначения социального пола, учитывающего гендерные роли, т.е. приобретенные модели поведения данного общества, сообщества или группы. Гендерное равенство или равенство между мужчинами и женщинами в социальном контексте включает концепцию свободы развития личных возможностей мужчин и женщин, а также свободы выбора без ограничений, обусловленных традиционно устоявшимися гендерными ролями, стереотипами и предрассудками.

Гендерное равенство означает, что различные модели поведения, интересы и потребности женщин и мужчин рассматриваются, оцениваются и учитываются на равноправной основе. Это не значит, что женщины и муж-



чины должны стать одинаковыми; это значит, что их права, обязанности и возможности не будут зависеть от того, кем они являются, мужчинами или женщинами<sup>1</sup>.

**Гендерное равенство в контексте Целей развития тысячелетия.** В Декларации тысячелетия, провозглашенной ООН, определены восемь направлений, целей развития в социальной сфере:

- 1) ликвидация крайней нищеты и голода;
- 2) обеспечение всеобщего начального образования;
- 3) содействие в достижении равенства мужчин и женщин и расширение прав и возможностей женщин;
- 4) сокращение детской смертности;
- 5) улучшение охраны материнства;
- 6) борьба с ВИЧ/СПИДом и другими заболеваниями;
- 7) обеспечение экологической устойчивости;
- 8) формирование глобального партнерства в целях развития.

Как видим, среди перечисленных целей третью позицию занимает достижение гендерного равенства.

К числу важнейших международных документов в области гендерного равенства следует отнести также Венскую декларацию и Программу действий. Эти документы были приняты в 1993 г. на Всемирной конференции по правам человека. В них также подчеркивается, что права женщин являются «неотъемлемой частью прав человека». И делается особый акцент на значении деятельности международного сообщества по предотвращению насилия над женщинами. В частности, там говорится о «важности работы по прекращению насилия в отношении женщин в общественной и частной жизни, по ликвидации всех форм сексуальных домогательств, против эксплуатации и незаконной торговли женщинами, по ликвидации дискриминации по признаку пола при отправлении правосудия»<sup>2</sup>.

**Законодательство Узбекистана.** В Республике Узбекистан равенство полов рассматривается не только как условие, но и основной потенциал формирования и развития гражданского общества.

В Узбекистане ратифицированы все основные документы, касающиеся равноправия полов, в частности:

– Всеобщая декларация прав человека (ООН, 1948 г.);

– Конвенция МОТ «О равном вознаграждении мужчин и женщин за труд равной ценности» (1951 г.);

– Конвенция ООН «О политических правах женщин» (1952 г.);

– Конвенция ООН «О борьбе с дискриминацией в области образования» (1960 г.);

– Конвенция ООН «О ликвидации всех форм расовой дискриминации» (1966 г.);

– Конвенция ООН «О ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин» (1979 г.);

– Конвенция МОТ «О равном обращении и равных возможностях для трудящихся мужчин и женщин: трудящихся с семейными обязанностями» (1981 г.);

– Конвенция ООН «Против пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания» (1984 г.).

Республика Узбекистан добросовестно выполняет взятые на себя обязательства в соответствии с данными международными документами. Вместе с тем в этой области требуются усилия для более эффективного претворения их в жизнь и практического применения содержащихся в них норм. Иначе говоря, необходимо обеспечить имплементацию международного права, претворения в жизнь соответствующих международных стандартов.

Следует отметить, что международное право не регламентирует вопрос о видах имплементационных правовых актов. Государства самостоятельно определяют, каким образом на внутригосударственном уровне формально обеспечить исполнение международных обязательств, вытекающих из договоров<sup>3</sup>.

В Конституции Республики Узбекистан закреплено: «Женщины и мужчины имеют равные права». Данная конституционная норма направлена на безусловное обеспечение прав женщин, зафиксированных в ч. 2 ст. 63 Конституции, гласящей: «Брак основывается на свободном согласии и равноправии сторон», а также в ч. 2 ст. 65, которая определяет, что «материнство и детство охраняются государством». Таким образом, государство возлагает на себя функции по защите

---

---

прав и свобод женщин, обеспечению их равноправия.

На сегодняшний день в стране принят ряд важнейших документов, направленных на повышение роли женщин, составляющих большую часть населения Узбекистана, в общественной жизни, создание для них необходимых условий и льгот. В числе этих документов указы Президента Республики Узбекистан «О совершенствовании системы оказания государственной поддержки и социальной помощи семьям и детям» от 1 сентября 1994 г., «О мерах по повышению роли женщин в государственном и общественном строительстве Республики Узбекистан» от 2 марта 1995 г., «О дополнительных мерах по поддержке деятельности Комитета женщин Узбекистана» от 3 июля 1992 г.

Вопросы охраны здоровья женщин предусмотрены в нормах законов Республики Узбекистан «Об охране труда» от 6 мая 1993 г., «Об охране здоровья граждан» от 29 августа 1996 г. и др.

Кабинет Министров Республики Узбекистан 25 января 2002 г. принял Постановление № 32 «О дополнительных мерах по укреплению здоровья женщин и подрастающего молодого поколения». В данном Постановлении подчер-

живается, что усиление социальной защиты населения, обеспечение защиты интересов семьи, повышение роли молодежи, реализуемые общегосударственные меры по воспитанию здорового поколения позволили существенно улучшить социально-демографическую ситуацию в стране.

Кроме того, наряду с проведением ряда мероприятий по укреплению здоровья женщин и повышению медицинской культуры семей в целях решения данных задач были определены задачи постоянно действующих правительственных комиссий.

Особое место вопросы защиты и обеспечения прав женщин занимают и в трудовом законодательстве Узбекистана, где для женщин предусмотрен ряд льгот, в том числе по выходу на пенсию, освобождению от тяжелого физического труда и категорированию нормативов труда.

Таким образом, исходя из изложенного, с полным основанием можно утверждать, что в Узбекистане целенаправленно проводится политика, направленная на всестороннюю охрану, защиту и обеспечение прав женщин, и это полностью согласуется с принятыми правилами и нормами международного права.

---

<sup>1</sup> См.: Азбука прав трудящихся женщин и гендерного равенства. Международное Бюро Труда. – М., 2002. – С. 28–29.

<sup>2</sup> Айвазова С. Г. Гендерное равенство в контексте прав человека. – М., 2001. – С. 73–74.

<sup>3</sup> Убайдуллаева Р. А. Мустақил Ўзбекистон: аёл, оила ва жамият (социологик тадқиқот). – Т., 2006. – Б. 441.

**Таянч иборалар:** аёллар ҳуқуқлари, гендер тенгҳуққуқчилиги, камситиш ва зўравонликни тугатиш, оналикни ҳимоя қилиш, халқаро ҳуқуқ, имплементация, ратификация, Ўзбекистон Конституцияси ва қонунчилиги.

Мақолада аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва гендер тенгҳуққуқчилигини таъминлашга қаратилган асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинган, аёллар ҳуқуқларига риоя этишнинг халқаро ва миллий механизмлари кўриб чиқилган, Ўзбекистон Республикасининг конституцияси ва миллий қонунчилигида мустаҳкамланган аёллар ҳуқуқларига риоя этилишининг ҳуқуқий кафолатлари алоҳида таъкидланган.

**Key words:** women's rights, gender equality, liquidation of discrimination and violence, maternity protection, international law, implementation, ratification, Constitution and legislature of Uzbekistan.

The article is devoted to the analysis of basic international legal acts aimed at protection of women's rights and gender equality. The author considers international and national mechanisms of observance of women's rights and especially mentions the legal guarantees of observance of women's rights specified in the Constitution and national legislature of the Republic of Uzbekistan.

**Ключевые слова:** права женщин, гендерное равноправие, ликвидация дискриминации и насилия, защита материнства, международное право, имплементация, ратификация, Конституция и законодательство Узбекистана.

В статье проведен анализ основополагающих международно-правовых актов, направленных на защиту прав женщин и гендерное равноправие, рассмотрены международные и национальные механизмы соблюдения прав женщин, особо отмечены правовые гарантии соблюдения прав женщин, закрепленные в Конституции и национальном законодательстве Республики Узбекистан.

## ИСЛОМ ҲУҚУҚИ ҲАМДА ШАРИАТ НОРМАЛАРИНИНГ БУГУНГИ КУН ЖАҲОН СИЁСИЙ ХАРИТАСИДАГИ ЎРНИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда динга янги қараш ва муносабат билдириш имконияти туғилди. Бугунги кунда кўпгина олий таълим муассасаларида диншунослик фани ўқитилмоқда. Бу фан илгариги атеизмдан фарқли ўлароқ динни танқид қилиш, уни жамиятдан йўқотишни эмас, балки унга миллий маънавиятнинг бир бўлаги сифатида ёндашиб, уни ҳолисона ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримов: «Бугунги кунда ислом динига нисбатан бутун дунёда қизиқиш ва интилиш кучайиб, унинг хайрихоҳ ва тарафдорлари кўпайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг асосий сабаби муқаддас динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзодни доимо эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва анъаналарни ажодлардан авлодларга етказишдаги беқиёс ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ»<sup>1</sup>, деб таъкидлайди.

Исломни ўрганишда мусулмон қонунларининг тизимга солинган мажмуаси – шариат асосларини ўрганиш муҳим ўрин тутди. Ҳуқуқий нормаларни у ёки бу диний эътиқод билан асослаш барча замонларга хос бўлган ва анча кенг тарқалган ҳодисадир. Ислом ҳуқуқшунослиги ҳам бундан мустасно эмас.

Ислом ҳуқуқи тадқиқотчилари одатда унинг қуйидаги икки ўзига хос ва ўзаро боғланган хусусиятига эътиборни қаратадилар:

– ислом ҳуқуқининг диний келиб чиқиши («Илоҳий табиати»);

– юридик қоидаларнинг ислом илоҳиёти, ахлоқ қоидалари, урф-одатлари ва умуман, ислом диний меъёрлари билан узвий боғлиқлиги.

Ислом ҳуқуқи ва диний қоидалар ўртасида узвий алоқанинг мавжудлиги, ислом ҳуқуқи диний заминга эга эканлиги, унинг «исломий»

хусусиятларидан бири эканлиги шубҳасиздир. Бу факт амалдаги юридик нормалар тизими сифатида ислом ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари таҳлили билан тасдиқланган. Бу ерда аввало исломнинг барча норматив қоидалари илоҳий заминга эга эканлиги тўғрисида сўз юритилмоқда.

Ислом ҳуқуқининг асосий манбалари сифатида (исломнинг ноюридик нормалари сифатида ҳам) Қуръони карим ва Сунна эътироф этилади. Замирида илоҳий каломваҳий ётувчи Қуръони карим ва Суннада энг аввало юридик маънодаги ислом ҳуқуқи мазмунини белгиловчи ислом дини асослари, диний ибодат ва ахлоқ қоидалари мустақамлаб қўйилган.

Қуръони карим — мусулмонларнинг асосий муқаддас китоби. У Аллоҳ таолонинг Муҳаммад Пайғамбарга ваҳий орқали нозил қилган каломи ҳисобланади. Ислом илоҳиётида «ижоз» атамаси мавжуд бўлиб, у «Аллоҳ таоло яратганга ўхшаш бирон-бир нарсани яратишга ожиз бўлиш» деган маънони англатади. Қуръони карим — Аллоҳ таоло каломидир.

Ислом жиний-ҳуқуқий таълимоти замирида айнан шу ёндашув ётади. Бунда ҳуқуқбузарликни жиддий гуноҳ сифатида кенг тушуниш унинг расмий юридик маънодаги тор таърифи билан чатишиб кетади. Шу нуқтаи назардан, ал-Мавардий фикрига кўра, расмий юридик маънодаги ҳуқуқбузарлик деганда, Аллоҳ тақиқлаган ва жазолайдиган қилмишни содир этиш тушунилади.

Ислом дини юзага келган даврдан бошлаб ижтимоий-иқтисодий ва давлат тузумини барпо этишнинг ғоявий ва сиёсий негизига айланган. Мусулмон мамлакатларида давлат ҳокимияти ва ҳуқуқи вазифаларини бажарувчи барча бошқарув органлари ислом (шариат) қонунлари асосида иш кўрганлар. Ислом юрисдикцияси муайян давлат ҳудуди – «Дар-

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тезкор-қидирув ҳуқуқи кафедрасининг ўқитувчиси.

ул-Ислом», яъни Ислом мамлакати, уйига нисбатан татбиқ этилган.

Табиийки, ислом ҳамда бир ярим миллиарддан ортиқ аҳоли яшайдиган мусулмон мамлакатлари ўзининг ўн тўрт асрлик тарихи давомида давлат ва диний ташкилотлар муносабатларини тартибга солиш бўйича халқаро миқёсда улкан тажриба тўплади.

Ислом ҳуқуқий таълимотида ҳокимият қонун чиқарувчи эмас, балки ижро этувчи бўлиши лозим, деб ҳисобланган. Исломда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида қарама-қаршилик бўлиши мумкин эмас, чунки улар амалда Аллоҳнинг қонунларини ижро этувчилар ҳисобланади. Шу боис Қуръонни кўпгина мусулмон мамлакатлари ўзларининг конституциялари учун асос сифатида қабул қилганлар.

Исломнинг расмий мақоми Ливияда ўзига хос шаклда мустаҳкамлаб қўйилган. Бу ерда 1977 йил қабул қилинган «Халқ ҳокимиятини ўрнатиш тўғрисида»ги декларацияда Қуръон «жамият қонуни (шариати)» деб аталган (2-м.)<sup>2</sup>.

Ислом институтлари ва меъёрлари Саудия Арабистони, Эрон, Форс (Араб) кўрфазидаги бир қанча давлатларнинг бутун сиёсий тизимини қамраб олган. Кўпгина конституцияларнинг муқаддимаси ислом учун анъанавий «Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан», деган сўзлар билан бошланади, уларда Аллоҳ кўп марта тилга олинади, халқнинг исломий менталитети ёки ислом таълимоти билан боғлиқлиги тўғрисида сўз юритилади (Баҳрайн, Тунис, Миср Араб Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар).

1972 йилги Баҳрайн Таъсис ассамблеяси сайлаш тўғрисидаги қонуннинг муқаддимасида мустақил давлат мамлакат шароити, унинг арабий ва исломий меросига мос келадиган конституциявий парламент тузуми шароитида демократия ва адолатпарварлик тамойилларига асосланган бошқарув тизимини барпо этишга ҳаракат қилинаётганлиги таъкидланган.

Давлат бошлиғи учун диний цензнинг белгиланиши ҳозирги замон давлат ҳуқуқига ислом институтлари таъсирининг кўринишларидан биридир. Масалан, Иордания Конституциясига (29-м. «д» банди) мувофиқ, мусулмон

ота-онадан туғилган мусулмон одамгина қирол бўлиши мумкин. Қувайт амири ҳам шу талабга жавоб бериши лозим (4-м.). Тунис Конституциясига мувофиқ, Президент дини ислом ҳисобланади (37-м.).

Покистонда 1973 йилги конституцияга мувофиқ нафақат президент, балки бош вазир ҳам мусулмон бўлиши керак. Марокаш Конституциясида қирол исломга риоя этилишини назорат қилувчи — «мўминлар Амири» деб айтилган (19-м.). Брунейнинг Асосий қонунида монарх давлатнинг олий уламози деб эълон қилинган (3-модда), Малайзия Федерациясининг Конституциясида эса мусулмонлар устидан олий диний ҳокимиятга штатларнинг султонлари ва Федерация бошлиғи эгалиги деб тан олинган.

Қувайтда ҳокимият Муборак ас-Сабоҳ шажараси бўйича авлоддан-авлодга ўтади — бу Конституциянинг 4-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Белгиланган тартибга кўра, тахт вориси бўлган шаҳзода Амир ҳокимиятга келганидан сўнг бир йил ичида тайинланиши лозим. Тайинлаш Миллий мажлис тавсиясига кўра Амир фармони билан амалга оширилади. Агар тайинлаш ушбу таомилга биноан амалга ошмаса, Амир яна камида уч марта тахт вориси номзодини Миллий мажлис муҳокама-сига киритади. Миллий мажлис бу номзодлардан бирини ўз аъзоларининг кўпчилиги овози билан маъқуллайди. Ворис ақли расо ҳамда мусулмон ота-онадан туғилган бўлиши лозим.

Бирлашган Араб Амирликларининг ўзига хослиги шундаки, бу давлат ўз суверенитетининг бир қисмини федерал ҳукуматга берган етти монархиядан иборат федерациядир. Шу сабабли, умумфедерал аҳамиятга молик масалалар 1971 йилги Муваққат Конституцияда назарда тутилган механизмлар ёрдамида, монархияларнинг ўз муаммолари эса анъана ва урф-одатларга асосланган тартибга биноан ҳал қилинади.

БААда ҳокимият олий органи иттифоққа бирлашган барча Амирликларнинг ҳукмдорларидан иборат Олий Кенгашдир. Амирликдаги федерал устқурма доирасида Олий Кенгаш аъзолари орасидан Бирлашган Амирликлар раисини сайлаш назарда тутилган. Бошқача айтганда, етти ҳукмдор ўз даврасидан беш

---

йил муддатга БАА президенти деб номланувчи федерал давлат бошлиғини сайлайди.

Қувайт, Қатар ва Баҳрайн конституциялари ўз монархларини «дахлсиз» деб эълон қилган. Бинобарин, уларни ҳокимиятдан четлатиш, импичмент эълон қилиш таомили назарда тутилмаган. Саудия Арабистони «Ҳокимият тизими асослари»нинг VI моддасида «Қирол фуқаролари қувонч ва қайғуда, омад ва кулфатда унга бўйсунуш ва содиқ бўлишга Аллоҳнинг китоби ва Пайғамбар суннасида қасамёд қиладилар», дейилган.

Форс (Араб) кўрфазининг барча давлатларида сулолавий бошқарувнинг анъанавий идораси – «Оила кенгаши» сақланиб қолган. Бироқ у конституцияларнинг матнларида ҳам, бу мамлакатлардаги бошқарув механизмини тартибга солувчи асосий ҳужжатларда ҳам айтиб ўтилмаган. Фақат Уммон Конституциясида: «Хукмрон оила кенгаши... тахт ворисини белгилайди», дейилган (6-м.).

Шу ўринда «шўро» тушунчасига муфассалроқ тўхталиб ўтиш лозим. Мусулмон фақиҳларининг фикрича, шўро халқнинг ҳокимиятда, қарорлар қабул қилишда иштирок этиш ҳуқуқидир. Суннийлик ҳуқуқшунослари Қуръон ва Сунна шўронинг манбалари ҳисобланишида яқдилдирлар. Улар одатда Қуръон сураларини<sup>3</sup>, шунингдек, Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) (ҳадисларини далил қилиб келтирадилар.

Кўпчиликнинг фикрини ҳурмат қилиш, мунозарага ўрин қолмагач, озчиликнинг баҳсга чек қўйиши шўронинг асосий тамойиллари ҳисобланади.

Форс (Араб) кўрфази давлатлари конституциявий ҳужжатларининг таҳлили Қатар, Уммон, Саудия Арабистони конституцияларида шўрога анъанавий мойилликнинг бевосита ифодаси бўлган «Маслаҳат кенгаши» тузиш назарда тутилганини кўрсатади. БААнинг Федерал миллий кенгаши ҳам маслаҳат органи унсуридан холи эмас. Саудия Арабистонида амал қиладиган Маслаҳат кенгаши тўғрисидаги низомнинг 3-моддасида шундай дейилган: «Маслаҳат кенгаши қирол энг маърифатли, тажрибали ва билимли одамлар орасидан танлаб олган раис ва 60 аъзодан иборат. Уларнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва бу билан боғлиқ барча масалалар қирол декрети билан белгиланади».

---

Таъкидлаш жоизки, ислом ижтимоий таълимоти давлат тузумини Аллоҳ томонидан белгиланган, хусусий мулкни эса дахлсиз деб ҳисоблайди. Ҳозирги кунда дунёда юз бераётган улкан ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни ҳисобга олиб, мусулмон фақиҳлари ислом адолатли давлат тузуми қуришнинг муҳим воситасидир, деган ғояни изчил ривожлантирмоқдалар.

Халқаро майдонда исломнинг сиёсий фаоллашуви масалаларига бағишланган халқаро минтақавий анжуманларнинг ўтказилиши исломнинг давлат ва жамият, ҳозирги дунёда давлат ва диннинг ўзаро алоқаси ҳақидаги таълимотига ижтимоий ва сиёсий қизиқишнинг юқорилигидан далолат беради. Ислом назариясига кўра, давлат функциялари, исломнинг тарихий тажрибаси ва аҳамияти илк исломда, Қуръон ва Шариатда баён этилган. Ислом таълимотида давлатнинг барча функцияларини қамраб олувчи тамойиллар мавжудлиги сабабли, радикал оқимлар ислом давлати қуриш ғоясининг рад этилишига ислом негизларига қасд сифатида қарашади.

Бугунги кунда ўттизга яқин мусулмон мамлакатларида ислом ҳуқуқи тўлиқ (асосан Форс кўрфази давлатларида) ёки қисман амал қилади. 1979 йил қабул қилинган Эрон Ислом Республикаси Конституциясида бутун қонунчилик, шу жумладан жиноят қонунчилиги шариатга мос келиши лозимлиги, судлар жиноятчиликка қарши курашда шариатда белгиланган жазо чораларини қўллашлари шартлиги ҳақидаги қоидалар мустаҳкамланган.

Жиноят ҳуқуқининг «исломийлашуви» жараёни нафақат Эронда, балки Покистон, Судан, Мавританияда ҳам юз бермоқда. Саудия Арабистони қироллигида судлар жиноят ишларини кўришда доим ҳуқуқ манбаи сифатида расман тан олинган ҳанбалий мазҳабидаги нуфузли фақиҳларнинг асарларида белгиланган қоидаларга суянадилар. Сомали Жиноят кодексида жиноят ишлари бўйича судларнинг ҳукмлари ислом ҳуқуқининг барча талабларига мос келиши лозимлиги белгилаб қўйилган. Ислом жиноят ҳуқуқининг айрим меъёрлари Мавритания суд амалиётида ҳам қўлланилади. Бу ерда 1980 йил майда махсус жиноят судини ташкил этиш тўғрисида қонун қабул қилинган.

XX аср ўрталарида Араб Шарқидаги кўпгина мамлакатларнинг халқлари миллий мустақилликка эришуви (Шимолий Африкадаги айрим мамлакатлар, Сурия, Ливан ва бошқ.) ёки монархиялар ағдарилиши (Миср, Яман) билан уларнинг суд тизимлари ривожланишида янги босқич бошланди, натижада ислом судларининг тузилиши ва фаолиятига аксарият ҳолларда жиддий ўзгаришлар киритилди.

Айрим ислом давлатларининг ҳозирги суд тизимларига диний ва дунёвий судларнинг дуализми хосдир (Тунис, Жазоир, Яман, Ливия). Арабистон ярим ороли ва Форс кўрфазидавлатлари, шунингдек Яман суд тизимлари алоҳида гуруҳни ташкил этади. Кўрсатилган мамлакатларнинг ҳар бирида мусулмон судларининг кўп даражали тизими амал қилади. Бу судларнинг юрисдикцияси шахс мақоми муносабатлари билангина чекланмайди, балки баъзан фуқаролик низоларини ва ҳатто жиноятларни ҳам кўриб чиқади.

Баҳрайнда мусулмон судлари тизими ўзининг дуализми билан ажралиб туради. Бу аҳолининг кўпчилигини ташкил этувчи суннийлар билан бир қаторда, бу ерда ислом ҳуқуқининг жаъфарий мазҳабини тан олувчи мусулмонлар ҳам яшаши билан изоҳланади. Мусулмон судлари фаолияти ва уларни ташкил этишнинг умумий таҳлили араб мамлакатларининг аксариятида улар ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмида муҳим роль ўйнашда давом этаётгани ҳақидаги хулосага келиш имконини беради.

Юридик ҳодиса сифатидаги ислом ҳуқуқининг мустақиллигини уни амалга ошириш жараёнининг таҳлили ҳам тасдиқлайди. Ислום ҳуқуқига уни амалда қўллашнинг диний тамойили кўпроқ хос: у энг аввало мусулмонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда амал қилган. Шу нарса диққатга сазоворки, бу тамойил ҳозиргача сақланиб қолган. Масалан, ислом ҳуқуқининг оила ва никоҳ масалаларини тартибга солувчи нормалари фақат мусулмонларга нисбатан татбиқ этилади ва бошқа динларга эътиқод қилувчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Лекин амалда ислом ҳуқуқини қўллашнинг диний принципи ҳеч қачон тўлиқ, изчил ва сўзсиз амалга оширилмаган. Ислום дини вужудга келган ва ислом давлати ташкил топ-

ган пайтдан бошлаб ислом ҳуқуқи нормалари давлат миқёсида фуқароларнинг мусулмон ёки номусулмон эканликларидан қатъи назар барчага нисбатан татбиқ этилган. Бу, масалан, давлат ҳуқуқига ёки номусулмон аҳолига солиқ солиш тартибини белгиловчи қоидаларга тааллуқлидир.

Ислום диний ва ҳуқуқий нормаларининг ўзаро нисбатини таҳлил қилишда «ердаги» диний жазо чораларига мазмунан тўла мос келувчи санкцияларнинг тегишли ҳуқуқий хулқатвор қоидаларининг манбалари бўлиб хизмат қилган диний қоидалар миқдори нисбатан кўп эмаслигини эътиборга олиш лозим.

Қуръони карим ва Суннада белгиланган қоидаларни бузганлик учун назарда тутилган жазолар кўпинча юридик санкцияларга асос бўлгач, кейинчалик давлат томонидан ислом ҳуқуқий таълимоти хулосалари асосида аниқлаштирилган, тўлдирилган ва ҳатто сезиларли даражада ўзгартирилган. Масалан, ҳуқуқбузарлик сифатидаги зинокорлик учун нафақат диний жазога мос келадиган тан жазоси, балки айрим ҳолларда Қуръони каримда назарда тутилмаган тошбўрон қилиб ўлдириш ҳам қўлланилган. Қасддан одам ўлдиришда одатда ўлим жазоси хун ҳақи тўлаш билан алмаштирилган.

Ислום ақидалари ва диний хулқатвор (энг аввало ибодат) қоидалари Қуръон ва Суннада ифодаланган, ислом илоҳиётчилари ва ҳуқуқшунослари томонидан талқин қилинадиган қоидалардир, деб тахмин қилиш учун барча асослар мавжуд. Улардан фарқли ўлароқ, том маънодаги ислом ҳуқуқи нафақат Қуръон ва Суннада мустаҳкамлаб қўйилган ёки ҳуқуқшунослар томонидан ижтиҳод асосида амалга киритилган қоидаларнинг муайян мажмуини, балки амал қилувчи ва давлат томонидан қўллаб-қувватланувчи нормаларни ҳам ўз ичига олади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, бугунги кунда республикамизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотлар барча соҳани, шу жумладан ёшларга, уларнинг таълим-тарбиясига бўлаётган эътиборни ҳам тубдан яхшилаш имконини бермоқда. Шундан келиб чиқиб, бугун ёш авлодни ҳар хил бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолмаслиги учун ҳар

---

томонлама етук ва салоҳиятли, мустақил фикри ва дунёқарашига эга шахс сифатида тарбиялаш ушбу соҳа мутасаддиларининг энг асосий вазифаси этиб белгиланган. Бунда айниқса, давлатимиз ҳудудида тарихан шаклланиб келган ислом дини, унинг норма ва принциплари ҳамда уларнинг жамиятдаги ўрнини ёшларга тўғри талқин асосида етказиб беришни бугунги вазият тақозоси сифатида қараш ўринли бўлар эди. Бу борада Президенти Ислом Каримов ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида, ислом динини ниқоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган мутаассиб кучлар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, бош-кўзини айлантириб, улардан ўзининг нопок мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Бундай ножўя

ҳаракатлар аввало муқаддас динимизнинг шаънига доғ бўлишини, охир-оқибатда эса маънавий ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатишини барчамиз чуқур англаб олишимиз ва шундан хулоса чиқаришимиз зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтган<sup>4</sup>.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунда мусулмон мамлакатларида мавжуд ислом ҳуқуқи нормалари ва ушбу нормаларнинг давлат ва жамият бошқарув тизими ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солиш жараёнини ўрганиш, ушбу давлатлар ҳақидаги билим ва тасаввур доирамизнинг кенгайтириш билан бирга, давлатимиз тарихида бир неча асрлардан буён шаклланиб, халқимизнинг онгу шуурига сингиб кетган ислом дини ақидалари бўйича холисона фикр юритишимизга хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008.

<sup>2</sup> Қаранг: Ал-Азрсом ад-дастурийа ли-л-билад. ал-арабийа. – Байрут, 1993. – Б. 218-220.

<sup>3</sup> Қаранг: Қуръон. «Ол-и Имрон» сураси, 150-оят; «Шўро» сураси, 38-оят.

<sup>4</sup> Қаранг: Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008.

**Таянч иборалар:** ислом ҳуқуқи, ислом ҳуқуқий таълимоти, ислом менталитети, шариат, шариат нормалари, ҳозирги замон ислом давлатлари, ҳуқуқий тизимлар, ислом ҳуқуқининг таъсири, мусулмон судлари.

Мақолада Қуръон ва шариат кўрсатмалари, ижтимоий ҳаётнинг деярли барча соҳаларини тартибга соладиган ҳозирги замон мусулмон давлатларининг давлат бошқарув тизими ва ҳуқуқий тизимларига ислом ҳуқуқи нормаларининг таъсири масалалари кўриб чиқилган.

**Key words:** Muslim law, Muslim legal doctrine, Muslim mentality, shariah, norms of shariah, modern Muslim countries, legal systems, influence of Muslim law, Muslim courts.

The article deals with questions of influence of the norms of Muslim law on the system of state administration and the legal systems of modern Muslim states in which the directions of Qur'an and shariah regulate all the spheres of social life.

**Ключевые слова:** исламское право, исламское правовое учение, исламский менталитет, шариат, нормы шариата, современные мусульманские государства, правовые системы, влияние исламского права, мусульманские суды.

В статье рассматриваются вопросы влияния норм исламского права на системы государственного управления и правовые системы современных мусульманских государств, в которых предписания Корана и шариата регламентируют практически все сферы общественной жизни.

**СЕМИНАР-ТРЕНИНГ, ПОСВЯЩЁННЫЙ ВОПРОСАМ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ МЕЖДУ  
ПОЛИЦИЕЙ И ОБЩЕСТВОМ В СТРАНАХ ОБСЕ**

25-27 марта 2014 года в Академии МВД Республики Узбекистан состоялся международный семинар-тренинг на тему «Актуальные аспекты взаимодействия между полицией и обществом в странах ОБСЕ», организованный Академией Министерства внутренних дел Республики Узбекистан в сотрудничестве с Координатором проектов ОБСЕ в Узбекистане.

Семинар-тренинг открыл начальник Академии МВД Республики Узбекистан генерал-майор Ш. Т. Икрамов, который отметил, что в нашей стране сформирована система взаимодействия органов внутренних дел с общественными институтами, в которой особое место занимает деятельность института махалли, опорных пунктов милиции, при этом передовой зарубежный опыт по взаимодействию полиции и общества представляет для нас большой интерес.

Координатор проектов ОБСЕ в Узбекистане Посол Дьердь Сабо в своем приветственном слове подчеркнул, что данный семинар проводится в формате совместного проекта "Содействие совершенствованию системы подготовки кадров для правоохранительных органов в Академии МВД Республики Узбекистан". Он отметил, что реализация данного проекта - один из примеров эффективного и конструктивного диалога Организации по безопасности и сотрудничеству в Европе с органами внутренних дел Узбекистана в рамках всестороннего подхода к вопросам обеспечения безопасности и стабильности, укрепления международных связей в целях предупреждения и борьбы с преступностью, совершенствования правовой системы.

В работе семинара приняли участие сотрудники офиса Координатора проектов ОБСЕ в Узбекистане Кристофер Опферманн, Отабек Рашидов, Сульхийё Рузиева, международные эксперты ОБСЕ Ульф Джонсон (Швеция), Андрю Макалай (Великобритания), представители службы профилактики правонарушений органов внутренних дел республики, а также профессорско-преподавательского состава Академии.

В ходе семинара-тренинга состоялся плодотворный обмен мнениями участников с международными экспертами по актуальным вопросам взаимодействия правоохранительных органов с общественностью. Участники семинара всесторонне ознакомились с концепцией взаимодействия полиции и общества в странах региона ОБСЕ, в частности Великобритании и Швеции. Была также рассмотрена стратегия снижения уровня преступности в этих странах.

Международные эксперты единодушно подчеркнули, что опыт стран ОБСЕ в данном направлении имеет много общего с системой взаимодействия органов внутренних дел Узбекистана с общественными институтами.

По итогам семинара-тренинга его участникам были вручены соответствующие сертификаты.

*Р.Р. Тумпаров,  
кандидат педагогических наук*